БУГУН САМАРҚАНД ШАҲРИДА «АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШДА МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШ БОШЛАДИ

Mahalla

№ 59-60 (2198) | 2024 ЙИЛ 3 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

WWW.UZMAHALLA.UZ

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ



Аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиш — маҳалладаги ислоҳотларнинг устувор мезонидир



Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш, миллий юксалиш пойдеворини яратишга қаратилган ҳаётбахш ислоҳотлар йилдан-йилга кенгайиб, янгича маъно-мазмун билан бойиб боряпти. Бу жараёнда халқимизнинг фаол иштирокини таъминлаш, эркин фуқаролик жамияти, буюк ва қудратли давлат пойдеворини юртдошларимиз билан бирга қуриш йўлида дадил қадам ташланяпти. Бундай эзгу мақсадларга эришишда мамлакатимизда маҳалла институтининг тутган ўрни жуда муҳим ва тобора долзарб вазифага айланиб бормоқда.

Давоми 2-саҳифада.

Маҳалла тажрибаси — дунё нигоҳида

Юртимизда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан маҳалла институтининг жамиятдаги мавқеини ошириш, унинг мақомини мустаҳкамлаш ва ваколатларини кенгайтиришга доир изчил ислоҳотлар амалга оширилди. Маҳалланинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлаши таъминланди.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташкил этилиб, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, ижтимоий ходим, солиқ ва профилактика инспекторидан иборат “маҳалла еттилиги” фаолияти йўлга қўйилди. Уларга зарур ваколат ва имкониятлар яратиб берилиши натижасида аҳолининг турмуш даражасини ошириш борасидаги ишлар янги босқичга олиб чиқилди.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташаббуси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамкорлигида Самарқанд шаҳрида ўтказилаётган “Аҳолининг турмуш даражасини оширишда маҳалланинг ўрни” мавзусидаги халқаро конференция Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи — маҳалла институтининг ноёб тажрибаси ва бу соҳадаги амалий таклиф ҳамда жонли мулоқотга бағишланган.

Конференцияда Ўзбекистонда расмий аккредитациядан ўтказилган халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари вакиллари, Марказий Осиё мамлакатларининг ўзини ўзи бошқариш органи вакиллари ҳамда маҳаллий ҳокимлик, вазирлик ва ташкилотлар масъуллари иштирок этади.

Тадбирлар доирасида иштирокчиларнинг Самарқанд шаҳридаги “Девори Кўндаланг”, “Конигил”, “Чаримгари” маҳаллалари ва маҳалла сервис компанияларига ташрифлари режалаштирилган. Меҳмонлар, шунингдек, Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойлари — Мирзо Улуғбек расадхонаси, Амир Темур мақбараси, Хўжа Дониёр мақбараси, Регистон мажмуаси билан яқиндан танишишади.

Анжуман якунида конференция натижаларига доир томонларнинг якуний резолюцияси қабул қилинади.

Давоми 2-саҳифада.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ТАЖРИБАСИ



5-6



ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ЎРНИ

7-8

ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ХОТИН-ҚИЗЛАР, ЁШЛАР ВА БОЛАЛАР МАНФАТЛАРИ ТАЪМИНЛАНИШИ



9-10



ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР, ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ФАОЛИЯТИ ВА МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

11-12

Маҳалла тажрибаси — дунё нигоҳида

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Конференцияда Ўзбекистон томонидан Ички ишлар вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ҳар бир ҳудуддаги намунали “Маҳалла еттилиги” вакиллари ўз маърузалари билан қатнашади.

Конференциянинг расмий қисми 4 та шўъбадан иборат. Жумладан:

1-шўъба — “Марказий Осиё мамлакатларининг ўзини ўзи бошқариш органлари тажрибаси” йўналишида;

2-шўъба — “Давлат бошқарувида ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни” йўналишида;

3-шўъба — “Ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан хотин-қизлар, ёшлар ва болалар манфаатлари таъминланиши” йўналишида;

4-шўъба — “Ўзини ўзи бошқариш органларида замонавий технологиялар, илмий тадқиқот фаолияти ва малака ошириш тизимини ривожлантириш” йўналишида ўтказилади.

Конференция натижаларидан келиб чиқиб, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини халқаро тажрибаларга таяниб олиб боришга доир якуний резолюция имзолаш режалаштирилмоқда.

Конференциядан кўзланган асосий мақсад:

— жаҳон ҳамжамиятини Ўзбекистондаги ноёб бўлган ўзини ўзи бошқарув тизими — маҳалла билан яқиндан таништириш;

— Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва халқаро ташкилотлар ўртасида дўстона ва прогматик алоқаларни янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш институтлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш соҳасида амалга оширалаётган ишлар билан таништириш;

— Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, “маҳалла еттилиги”нинг мақсад ва вазифалари тўғрисида хабардор қилиш.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида бошланган ҳаётбахш дастурларнинг амалдаги ижроси ўлароқ, бугун маҳалла аҳолини ислоҳотларга сафарбар этадиган, жамиятнинг барча қатламларини изчил ҳаракатга келтирадиган фаол, катта ижтимоий куч, таъсирчан тузилмага, одамлар келиб фикрини, таклифини, дардини айтадиган, муаммосига ечим топадиган масканга айланди.

Бугун маҳалла ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида фаол иштирок этяпти. Тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш борасидаги амалий саъй-ҳаракатлар маҳалланинг иштирокисиз ўтмаяпти. Пировард мақсад аниқ: аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш.

Бундай юксак марраларга эришишда Ўзбекистон халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ўзаро тажриба алмашиш, биргаликда турли дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш орқали яқин ҳамкорликни изчил давом эттиришдан манфаатдор.



Аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиш — маҳалладаги ислоҳотларнинг устувор мезонидир



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Шу боис одамларнинг қувончу ташвишидан доимо хабардор бўлиш маҳалланинг асосий вазифаси экани айни ҳақиқат. Охирги етти йилда тизимни такомиллаштиришга доир юзга яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниб, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташкил этилди. Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторидан иборат “Маҳалла еттилиги” тузилмаси фаолияти йўлга қўйилгани ижобий самара беряпти. Уларга зарур ваколат ва имкониятлар яратиб берилиши натижасида аҳолининг турмуш даражасини ошириш борасидаги ишлар янги босқичга олиб чиқилди.

Энг муҳими, маҳалланинг аҳолига ижтимоий кўмак бериш борасидаги ваколатлари кучайтирилди. Эндиликда “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” орқали ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидия ажратиш “маҳалла еттилиги”нинг биргаликдаги қарори асосида амалга ошириляпти.

Республикада илк бор ишсизлар, кам таъминланган оилалар, хорижга ишлаш учун кетган фуқаролар, ногиронлиги бор, боқувчисини йўқотган, “ижтимоий дафтарлар”да турувчи оилалар, пробация ва профилактик ҳисобда турувчиларнинг ягона комплекс баланси шакллантирилди. Аҳоли муаммоларини бартараф этиш бўйича “Йўл хариталари” ва ҳар бир маҳалланинг “Омбор китоби” ишлаб чиқилди. Ҳар бир маҳаллада Бандлик дастури ишга туширилди. 2024 йилдан бошлаб, барча маҳаллаларга банкнинг масъуллари бириктирилиб, “ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш” бизнес дастури амалиётга татбиқ этилди.

Ташқи миграцияда юрган 1 млн. 419 минг 588 нафар фуқаро хатловдан ўтказилиб, улар билан онлайн мулоқот қилинди. Натижада меҳнат миграциясида юрган 155 964 нафар фуқарони Ватанга қайтаришга эришилди. Бугунги кунда уларнинг 31 637 нафари ишга жойлаштирилди.

Маҳалла — маънавият, тарбия бешиги. Бугунги янгиланишлар жараёнида унинг ушбу тарихий хусусиятини асл ҳолича сақлаш ва бойитиш ҳам эътиборда. Бу йўналишда “маҳалла – мактаб” концепцияси асосида кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар, тарғибот ишлари юритиляпти. “Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмаси фаол ишламоқда. Тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда “Бир нуроний ўн ёшга масъул” лойиҳаси амалга ошириляпти.

Энди одамлар ўзларини қийнаётган муаммолар ечимини ҳал этишни сўраб ҳар хил идораларга қатнашига ҳожат қолмади. Бугунги кунда маҳаллага мурожаат қилиш орқали кўпгина масалаларга ижобий ечим топяпти. Шу билан бирга, барча раҳбарлар маҳаллаларга бориб, ўз соҳаси бўйича аҳолини қийнаётган муаммоларни ўрганиши ва уни жойида ҳал этиши ҳам йўлга қўйилди.

Албатта, бевосита маҳалланинг ўзида амалга оширилаётган мазкур амалий ишлар моҳияти ва мақсади инсонларнинг орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш ва шу орқали фаровон турмуш кечиришини таъминлашдан иборатдир.

Қарорлар ва ҳаётбахш дастурларнинг амалдаги ижроси маҳаллада амалга ошсагина, у одамлар турмуш ҳаётида ўз натижасини беради. Шу маънода жамиятнинг энг қуйи бўғини бўлган маҳалла ушбу жараёнларнинг нафақат марказида, балки ижросини таъминлашдаги катта ижтимоий куч, таъсирчан тузилма экани билан ҳам алоҳида ўрин тутади.

Натижада бугун маҳалла аҳолини ислоҳотларга сафарбар этадиган, жамиятнинг барча қатламларини изчил ҳаракатга келтирадиган фаол ижтимоий тузилмага, одамлар келиб фикрини, таклифини, дардини айтадиган, муаммосига ечим топадиган масканга айланди.

Бугун маҳалла ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида фаол иштирок этяпти. Тадбиркорликни ривожлантириш, бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш, барча-барча масалаларда маҳалланинг иштироки бор. Пировард мақсад аниқ: аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиш.

Биргина камбағалликни қисқартириш борасида бошланган хайрли ташаббуслар бугун ўз мевасини бераётганини айтиб ўтиш ўринли. Ўтган йилларда 3,5 миллион нафар одамни даромадли қилиш орқали 2023 йил якуни билан камбағаллик даражаси 11 фоизга тушди. Ижтимоий ҳимоя қамрови 4,5 карра кенгайтирилиб, ўтган йили 12,3 триллион сўм йўналтирилди. Маҳаллада камбағалликни қисқартириш, тадбиркорлик лойиҳаларига 35 триллион сўм кам фоизли кредит, 7 триллион сўм субсидия берилди. Қолаверса, 260 минг гектар ер 800 минг аҳолига деҳқончилик учун ажратиб берилди.

Мазкур саъй-ҳаракатлар натижасида фуқароларимиз тайинли иш жойига, яхши даромад манбаига эга бўлди. Хорижга иш излаб кетишдек оғир муаммолар бартараф этиляпти.

Бундай юксак марраларга эришишда Ўзбекистон халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ўзаро тажриба алмашиш, биргаликда турли дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш орқали яқин ҳамкорликни изчил давом эттиришдан манфаатдор.

“Аҳолининг турмуш даражасини яхшилашда маҳалланинг ўрни” мавзусидаги халқаро анжуман ана шундай эзгу мақсадларни ўзида мужассам этган, десам асло муболаға бўлмайди. Чунки хорижий давлатларнинг соҳадаги илғор тажрибасини ўрганиш, зарур жиҳатларидан фойдаланиб, миллий дастур ишлаб чиқиш мақсадимизга янада тезроқ етишга ёрдам беради. Унда иштирок этаётган халқаро экспертлар, малакали мутахассислар, олимлар билдирадиган амалий таклиф ва тавсиялар аҳолининг турмуш даражасини оширишда янги қадам бўлади, деб умид қиламан.

“Кенг кўламли ўзгаришлар мени ҳайратга солди”

2024 йил 1 июнь санасида БМТнинг доимий вакили сифатида Ўзбекистонга етиб келдим ва 2012 йилдаги сўнгги ташрифимдан кейинги ўзгаришлардан ҳайратга тушдим. Ўзбекистонда инсон қадр-қимматига катта эътибор қаратилиб, ислоҳотлар марказига инсонни қўйган ҳолда, кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилмоқда.



Сабине МАҲЛ,
Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий координатори.

БМТнинг доимий вакили сифатида Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги маҳаллаларда бўлиб, шахсан ўзим бунинг яққол гувоҳи бўлдим. Жумладан:

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қорақалпоғистонда, хусусан, Мўйноқ, Қўнғирот, Бўзатов ва Тахтакўпир туманларидаги 15 000 нафардан ортиқ аҳолини тоза ичимлик сув ва иқлимга чидамли тиббий хизмат билан таъминлашга қўшган ҳиссасини кўрдим;

Қашқадарёдаги “Ёртепа” маҳалласида бўлдим. Бу ерда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) фермер аёлларни иссиқхоналар билан таъминлаб, даромад топиш учун зарур ресурс яратилганига амин бўлдим;

Сурхондарёдаги “Гулистон” маҳалласи Шўрчи тумани давлат хизматлари марказидан атиги 3 километр узоқликда жойлашган бўлиб, БМТ Тараққиёт дастури кўмагида маҳаллий аҳоли учун қулайлик ва ўзига ўзи хизмат кўрсатиш имкониятлари яратилган.

Маҳаллий ҳокимият вакиллари, ёшлар, фермер аёллар, тадбиркорлар ва кексалар билан суҳбатларга бой бўлган ушбу ташрифлар Ўзбекистон халқининг матонати ва ижобий руҳияти ҳақида чуқур таассурот қолдирди.

Ҳатто БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш ҳам Ўзбекистонга ташрифи чоғида Тошкент шаҳридаги “Дилбулоқ” маҳалласида маҳаллий аҳоли билан учрашиб, маҳалланинг аҳамиятини эътироф этган эди.

Жамиятнинг юраги бўлган маҳалла БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларининг асосий тамойили бўлган “ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” ғоясини ўзида мужассам этади.

Бу жамият бирлиги ва ўзаро қўллаб-қувватлашни рағбатлантиради ҳамда энг заиф қатламларнинг ҳам имкониятлардан фойдаланишини таъминлайди. Маҳалла халқ ва ҳукумат ўртасида кўприк вазифасини бажариб, жамоат ривожланиши ташаббусларини фаол илгари суради.

БМТнинг доимий вакили сифатида мен Ўзбекистоннинг ҳар бир вилоятига ташриф буюришни, БМТ фаолияти Ўзбекистон халқининг орзу-умидлари ва интилишларига мос келишини таъминлаш учун одамлар билан учрашишни режалаштирганман.



“Ҳеч кимни эътиборсиз қолдирмаслик” тамойили устувор

Жадал ўзгариб бораётган дунёда ЮНИСЕФ ташкилоти маҳаллани ушбу мамлакатдаги болалар учун яхши бўлган барча нарсаларнинг лангари ва Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни амалга ошириш учун кучли платформа сифатида кўради.



Жоффри ИЖУМБА,
ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари ўринбосари.

Ташкилот маҳаллада ўғил-қизлар, жумладан, ногиронлиги бўлган болалар соғлом бўлиб ўсиб-улғайиши, тўғри овқатланиши, тоза сув ва канализациядан фойдаланиши, безорилик ва зўравонликсиз эркин яшаши, тоза ҳаводан нафас олиши мумкин бўлган хавфсиз муҳитни кўряпти.

Маҳалла ўз ҳудудида қаровсиз қолиш, зўравонлик ёки эксплуатация қилиш хавфи остида бўлган заиф болаларни аниқлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Маҳаллалар оилаларга муҳим ижтимоий ёрдам кўрсатиши, оила тузилмаларини мустаҳкамлашга ёрдам бериши ва болалар муҳтожлигининг олдини олиши мумкин.

Шу билан бирга, маҳаллалар оилалар ва ҳукумат ёки ННТ томонидан бошқариладиган ижтимоий хизматлар ўртасида кўприк бўлиб хизмат қилади. Оилаларга зарур ёрдам, жумладан, соғлиқни сақлаш, таълим ва психологик-ижтимоий кўмак кўрсатишни таъминлайди.

Маҳалла аҳолига энг яқин тузилма бўлгани учун турли низоларни ҳал этиш орқали оилалар бузилиши, зўравонлик ёки болалар меҳнатининг олдини олишга эришади. Болалар ҳуқуқларини суиистеъмол қилиш, қаровсизлик ёки бошқа қонунбузилиши ҳолатларида ўз вақтида аралашиб, ҳимоя чораларини таъминлайди.

Янги Ўзбекистон шароитида маҳаллалар жамиятда бола ҳуқуқлари ва ҳимояси масалалари ҳақида хабардорликни ошириши, гендер тенглигини рағбатлантириши, аёлларга нисбатан зўравонлик, болалар меҳнати ёки эрта турмуш қуриш каби зарарли анъаналарнинг олдини олиши мумкин.

Шундай қилиб, маҳалла ҳар бир хонадонга етиб бориш, хизматлардан, айниқса, болалар учун тенг ҳуқуқлиликни таъминлашда ўзига хос ўрин тутади. Маҳалла барча соҳаларда самарали хизматлар кўрсатишни таъминлаши, шу жумладан, хизматларнинг умумий мониторинги ва сифатини таъминлашда фаол назорат қилиши зарур.

Хулоса қилиб айтганда, “Ҳеч кимни эътиборсиз қолдирмаслик” тамойилини маҳалласиз ҳаётга татбиқ этиб бўлмаслиги аниқ ва ЮНИСЕФнинг маҳалла институтини мустаҳкамлашга кўмаклашиш мажбуриятининг замирида айнан шу нарса ётади.





Маҳалла — мамлакатни ижтимоий ривожлантиришнинг асосий белгиси

Маҳалла фуқаролик жамияти институти сифатида ижтимоий бошқарув ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишга инновацион ёндашувнинг бетакрор намунасидир. У нафақат замонавий муаммоларга самарали ечим топади, балки халқимизнинг бой маданий-тарихий меросини ўзида жамлаган ноёб тузилмадир.



Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори.

Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “маҳаллада тинчлик ҳукм сурса, юртимизда ҳам тинчлик бўлади, маҳалла обод этилса, бутун мамлакатимиз ободонлашади”.

Маҳалла шунчаки ижтимоий институт эмас, балки асрлар давомида миллий қадриятлар, анъаналар ва ижтимоий тотувликнинг бешиги бўлиб келган ўзига хос ўзини ўзи ташкил этиш шаклидир. Маҳалла доирасида ўзаро ёрдам, меҳр-шафқат, ижтимоий масъулият ва яхши қўшничилик каби фундаментал тамойиллар вужудга келиб, ривожланди. Бу тамойиллар мустаҳкам ижтимоий алоқаларни шакллантириш ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Маҳалла ижтимоий ҳаётдаги ўз муҳим ўрнини сақлаб қолган ҳолда, бугунги кунда ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган вазифаларни бажаришни давом эттирмоқда ва ижтимоий ўзаро алоқа ҳамда қўллаб-қувватлашнинг энг муҳим воситаси ҳисобланади. Бу ноёб тузилма нафақат ижтимоий ҳимоя соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишга ёрдам беради, балки аҳолининг фаровонлиги ва барқарор ривожланишини таъминловчи асосий омиллардан бири сифатида тадбиркорликни фаол қўллаб-қувватлайди.

Маҳалланинг кўп қирралилиги унинг ижтимоий ҳаётнинг турли жиҳатларини бирлаштира олиш қобилиятида намоён бўлади. Бу ёшларни миллий анъаналарга ҳурмат руҳида тарбиялашдан тортиб, аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ижтимоий алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича ташаббусларни амалга оширишгача бўлган кенг қамровли фаолиятни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 127-моддасига мувофиқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг қонунда белгиланган ваколатларини рўёбга чиқаришига кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси тузилди. Барча соҳаларда “маҳаллабай” ишлаш усули кенг жорий этилмоқда.

2024 йил 1 январдан республиканинг барча туман ва шаҳарларида “маҳалла бюджети” тизими жорий этилди. Ушбу ташаббус маҳаллий ҳамжамиятларнинг молиявий автономиясини мустаҳкамлашга, уларга ўз маблағларини бошқариш ва тақсимлашда кўпроқ эркинлик беришга қаратилган. Шунингдек, жойларда бюджетни бошқаришда шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлайди. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси шафелигида маҳаллалар фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга қаратилган ихтисослаштирилган жамғарма фаол иш олиб бормоқда.

Маҳаллаларнинг фаоллашуви ижтимоий таҳдидларга тезкорлик билан жавоб қайтариш, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш имконини беради. Шу нуқтаи назардан, “Бола бегона бўлмайди”, “Бир болага — етти маҳалла ота-она”, “Менинг маҳалламда, менинг кўчамда — тинчлик, тозалик ва ҳуқуқ-тартибот!”, “Менинг маҳалламда жиноятга ўрин йўқ!”, “Менинг маҳаллам менга бефарқ эмас!” каби эзгу тамойиллар амалий фаолиятда муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Ишлар тўғри ташкил этилган, фуқаролар билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган маҳаллада ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат муҳити қарор топади, нохуш ҳолатлар юзага келмайди”, деган сўзлари маҳалла институтини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда иштирок этаётган барчага амалий қўлланма бўлиши лозим. Ушбу тезис нафақат маъмурий бошқарув, балки фуқаролар билан фаол ҳамкорлик қилиш муҳимлигини таъкидлайди, бу эса ўзаро ишонч, ижтимоий адолат ва ижтимоий фаровонлик муҳитини яратишга ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий Ўзбекистонда маҳалла мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий белгиси ҳисобланади. Маҳалла орқали ижтимоий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, аҳолининг фаровонлик даражасини ошириш ва турмуш сифатини яхшилаш таъминланади. Унинг фуқаролик жамиятидаги ўзига хос ўрни замон таҳдидларини самарали енгиб ўтиш ва мамлакатнинг уйғун ривожланишига хизмат қилмоқда.

Ислоҳотлар бизни ўзаро ташаббускорликка ундайди

Сўнгги йилларда маҳалла институтининг жамият ҳаётида тутган ўрни ва роли юксалиб, маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш, “маҳаллабай” ишлашга масъул бўлган шахслар фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларнинг ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.





Акико ФУЖИИ,
БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили.

Маҳалла фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг самарали органи ва бой тарихга эга фуқаролик жамияти институтидир. Маҳаллалар инсон қадриятлари, маданияти ва жамият ҳамжиҳатлигини сақлашда муҳим аҳамиятга эга.

Янги Ўзбекистонда ушбу ўзини ўзи бошқариш органининг салоҳияти ва бошқарувини яхшилашга қаратилган таҳсинга сазовор ислоҳотларни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Маҳаллалар уюшмасининг ташкил этилиши ва такомиллаштирилган “Маҳалла еттилиги” тизими бу борадаги саъй-ҳаракатларда чинакам муҳим қадам бўлди.

БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси маҳаллаларни фуқаролик жамиятининг муҳим элементи сифатида эътироф этиб, ўзининг одил жамиятга асосланган дастурлари орқали қўллаб-қувватлаб келмоқда. Хусусан, маҳаллаларда олиб борилаётган ишларнинг қуйидаги йўналишларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман:

1). Маҳаллий бошқарув. БМТ Тараққиёт дастури маҳаллий бошқарув масалалари бўйича маҳаллий инфратузилма, ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва жамиятни ривожлантириш масалалари бўйича қарорлар ишлаб чиқишда маҳаллаларнинг мустақиллиги, маҳалла бошқарувида жамоатчиликнинг фаол иштироки ва маҳалла раисларининг маҳаллий бошқарув кўникмаларини ошириш учун мунтазам салоҳиятини ошириб боришида ёрдамлашади.

2). Халқ иродасини мустаҳкамлаш. БМТ Тараққиёт дастури 2021-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш миллий стратегиясида белгиланган устувор йўналиш ва вазифаларга мувофиқ, зўравонликни олдини олиш бўйича маҳаллаларнинг барқарорлигини оширишда ҳукуматга кўмак бериб келмоқда.

Бизнинг ташаббусларимиз, шунингдек, зўравонликнинг олдини олиш бўйича маҳалла раҳбарларининг огоҳлигини оширишга қаратилган. Жамиятдаги юзага келиши мумкин бўлган турли хавфлар ва таҳдидларни мунтазам равишда тўғри баҳолай олиш орқали экстремизмнинг олдини олиш, жамият бошқарувини муваффақиятли режалаштириш ва қарорларни ижро этишда бу амалиёт жуда муҳимдир.


Шу ўринда ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ёшларга ихтисослаштирилган соғломлаштириш марказлари, ижтимоий ёрдам марказлари, ёшлар билан ишлаш ташкилотларини такомиллаштириш, ёшларнинг таълим-тарбияси, салоҳияти ва матонатини янада ошириш ва жамиятда чуқур илдиз отган зарарли одатларни бартараф этиш учун маҳаллалар кўламида керакли амалиётни қўллайди.

3). Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш. БМТ Тараққиёт дастури мигрантлар дастурлари, касб-ҳунар ва малака ошириш, кичик бизнесни ривожлантириш, маҳаллаларда ижтимоий тенгликни таъминлаш, шунингдек, аҳолининг энг кўп ёрдамга муҳтож қатлами яъни аёллар, ёшлар, имконияти чекланганлар ва кам таъминланганларнинг эҳтиёжларини қондириш каби ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ташаббусларини қўллаб-қувватлайди ва уларни ҳар томонлама такомиллаштиришга тайёр.

Биз Ўзбекистон маҳаллаларининг ҳудудий ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда, инсонийлик ва ривожланишга йўналтирилган ташаббуслар билан мамлакатни қўллаб-қувватлашни давом эттиришга тайёрмиз.

Маҳалла жиноятдан холи ҳудуд бўлади

Сўнгги йилларда маҳалла институтининг жамият ҳаётида тутган ўрни ва роли юксалиб, маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш, “маҳаллабай” ишлашга масъул бўлган шахслар фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларнинг ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.



Пўлат БОБОЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири.

Президентнинг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони асосида маҳаллаларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини ошириш ҳамда соҳада бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида “маҳалла еттилиги” ташкил этилиб, ҳар бирининг вазифалари аниқ белгилаб берилди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида энг чекка қишлоқларда ҳам хавфсиз шароит яратиш мақсадида барча даражадаги раҳбарлар маҳаллага тушиб, аҳолининг муаммоларини ўрганган ҳолда уларни жойида бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасида “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратилди.

Давлат раҳбари 2023 йил 28 июль куни Фарғона шаҳрида ҳудудларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги устувор вазифалари юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида белгилаб берган топшириқлари асосида маҳаллада жиноятчиликни жиловлаш бўйича янгича иш тартиби ҳамда “Ижтимоий профилактика” бўйича маҳалла масъулларининг аниқ вазифалари ва фаолиятини ташкил этиш методикаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш жараёнларини назорат қилиш, амалга оширилган ишларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш ҳамда маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш мақсадида Ички ишлар вазирлигида “E-Ijtimoiy profilaktika” ахборот тизими ишга туширилди.



Мазкур тизим тўлиқ рақамлаштирилгани натижасида маҳалла вакиллари ижтимоий профилактика объектларида профилактик тадбирларни амалга оширишда қоғозли ҳужжатлардан тўлиқ воз кечиб, кунига 2-3 соат вақт тежалишига эришди.

“Ижтимоий профилактика” тизими доирасида профилактика инспекторлари уйма-уй юриш орқали ҳар бир тоифадаги шахс бўйича электрон хулоса шакллантириб, тизим орқали тасдиқлайди. Хулосалар тегишлилиги бўйича маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчисига ижро учун юборилади.

“Маҳалла еттилиги” вакиллари уч кунлик муддатда ижтимоий профилактика объекти бўлган шахс билан ишлаш бўйича якка тартибдаги ижтимоий мослаштириш дастурини тузади ва унинг муаммоларини ҳал этиш чораларини кўради. Шу кунга қадар “Маҳалла еттилиги” хулосалари бўйича ижтимоий профилактика объекти ҳисобланган 56,2 фоиз шахсларнинг муаммоларини ижобий ҳал этиш чоралари кўрилди.

Фуқароларнинг муаммолари “маҳалла еттилиги” ҳамкорлигида маҳалланинг ўзида ижобий ҳал этилаётгани жиноятчиликка ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, 9 456 та маҳалланинг 45,5 фоизида, яъни 4 301 та маҳаллада умуман жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. 3 775 та ёки 40 фоиз маҳаллада жиноятлар сони камайишига эришилди.

Республика ҳудудларидаги 3-секторларда “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган шахсларнинг муаммолари ҳал этилиб, меҳнатга лаёқатли ишсиз шахсларнинг бандлиги таъминланишига кўмаклашилмоқда. Хусусан, “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг 72,4 фоизининг муаммолари ҳал қилинди. “Аёллар дафтари”га киритилган аёлларнинг 84,8 фоизига ёрдамлар кўрсатилди. “Темир дафтар”га киритилган оилаларнинг 96 фоизининг муаммолари ҳал қилиниб, туман-шаҳар халқ депутатлари Кенгашларининг қарорлари асосида рўйхатдан чиқарилган.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 99 фоизи ички ишлар органлари ходимлари томонидан маҳаллий ҳокимликлар, бандлик ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ишга жойлаштирилиши таъминланди. Бундан ташқари, “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш борасида ҳам кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Профилактика инспекторлари учун муносиб иш шароитларини яратиш борасида хизмат уй-жойлари ҳамда имтиёзли кредитлар асосида шахсий автомашиналар берилди. Шунингдек, планшет қурилмалари билан таъминланиб, унга “E-маъмурий иш”, “KPI”, “Паспорт-виза”, “E-ҳимоя” каби дастурлар ўрнатилди. Маҳаллаларда ташкил этилган таянч пунктлари замонавий компьютер жамланмалари ва мебель жиҳозлари билан таъминланди. “Онлайн суд” ўтказиш жойлари (нуқталар) ташкил этилиб, судларда маъмурий ишлар “онлайн” тарзда кўриб чиқиладиган бўлди.

Профилактика инспекторларининг фаолият олиб боришининг “шаҳар инспектори” ва “қишлоқ инспектори” моделлари ишлаб чиқилиб, уларнинг малака ошириш жараёнига татбиқ этилиши таъминланди. Бу борада олдимизга қўйилган барча вазифаларнинг ижросини ўз вақтида таъминлаш учун ҳаммамиз бирдек масъулмиз. Шунинг учун ҳар биримиз туну-кун ўз устимизда ишлаб, ташаббускор бўлишимиз зарур.

Солиқ тўловчиларга энг яқин кўмакчимиз

Бугун маҳалла деганда, дунёда камдан-кам учрайдиган, инсонни жамият билан уйғун яшашга ўргатиб, бағрикенглик руҳида тарбиялайдиган, халқ билан давлат ўртасидаги ишончли кўприк вазифасини бажарадиган ноёб тузилмани тушунамиз. Шу замирда яшаётган, унинг сув-нонини тотаётган киши борки, ўз ҳаётини, қувончу ташвишларини маҳалладан айри ҳолда тасаввур этолмайди.





Шерзод КУДБИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси.

Президентнинг “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони асосида ташкил этилган “маҳалла еттилиги” аъзоси — солиқ инспектори тадбиркорларга солиқ маъмурчилиги бўйича солиқ хизматларини кўрсатиш, солиқ базасини кенгайтириш, солиқларни ундириш ва “маҳалла бюджети”нинг даромадини шакллантиришга масъулдир.

Бугунги кунда республика бўйича 9 452 та маҳаллага 4 334 нафар солиқ инспектори бириктирилган бўлиб, улар янги тизим асосида солиқ органларига юклатилган вазифаларни маҳалла даражасида ташкил этяпти. Маҳалла даромадини ошириш, яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш чораларини кўрмоқда.

Маҳаллаларга бириктирилган солиқ идораси ходимларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш учун “Маҳаллаларда солиқ органлари фаолияти” ахборот тизими ишлаб чиқилиб, кунлик назорат тизими ишга туширилди. Ахборот тизимида солиқ инспекторларининг маҳаллалардаги фаолияти 25 та асосий йўналишларда самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) асосида баҳолаб борилмоқда. Натижада 2024 йилнинг сентябрь ойи якуни билан республиканинг самарадорлик кўрсаткичи (KPI) 85,6 баллни ташкил этди, 32 та солиқ инспекциясининг кўрсаткичи 90 баллдан ошган бўлса, 1 083 нафар маҳаллага бириктирилган солиқ инспекторининг кўрсаткичи (KPI) 90 балл ва ундан юқори натижани қайд этди. Шунингдек, республикада жами 1 175 нафар раҳбар ва масъул ходимлар мукофотлашга лойиқ деб топилди.

Солиқ ходимларининг “маҳаллабай” ишлаш тизимидаги дастлабки натижаларга кўра, жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига:

— 366,7 млрд. сўм қўшимча солиқ ҳисобланди;

— 58,1 мингта вақтинча молиявий қийинчиликка дуч келган тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тикланди;

— 115,8 мингта янгидан тадбиркорлик субъекти ташкил этилди;

— “Маҳалла еттилиги” билан биргаликда 1 805,2 минг нафар аҳоли ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтказилди;

— 143,1 мингта деҳқон хўжалиги рўйхатдан ўтказилди;

— 6,7 мингта ўзини ўзи банд қилган фуқаролар фаолиятини ЯТТ (юридик шахс) айлантирди;

— 638 нафар ЯТТнинг фаолияти юридик шахс сифатида йириклаштирилди;

— 5 489 та бўш турган объект ишга туширилиши ҳисобига 5 085 нафар аҳоли иш билан таъминланди;

— жорий йил бошига нисбатан маҳаллалар кесимида кичик тадбиркорлар ҳисобига 114,1 мингта ишчи сони ошишига эришилди.

Бундан ташқари:

— солиқ тўловчиларнинг товар айланмаси йил бошига нисбатан 2 375,1 млрд. сўмга ёки 173,4 фоизга;

— айланмадан олинадиган солиқ тушуми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 344,4 млрд. сўмга ёки 123 фоизга ошган бўлса, йил бошига нисбатан 66,0 млрд. сўмга ёки 136,5 фоизга ўсди;

— жисмоний шахсларнинг ер ва мол-мулк солиғи тушуми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 156 фоизга ошишига эришилди;

— солиқ ҳисоботларида “ноль” ҳисобот берадиганлар 39,6 мингтага камайди.

Дарҳақиқат, янги Ўзбекистон даврида давлат раҳбари солиқ сиёсатида туб бурилишларни амалга оширди. Мамлакатимизда яратилган янги солиқ тизими аҳолига тадбиркорлик билан шуғулланиш, қонуний фаолият юритиб, ўзи ва оиласини даромадли қилиш имкониятини беряпти. Қувонарлиси, маҳаллаларга бириктирилган солиқ инспекторлари нафақат ҳудуди бўйича солиқ тушумларини ошириш билан, балки ана шу ниятдаги фуқаролар ва тадбиркорлар муаммоларини аниқлаб, уларни ечиш билан шуғулланяпти.

Бир сўз билан айтганда, бугун солиқчилар жазоловчи эмас, солиқ тўловчиларнинг энг яқин кўмакчисига айланди.

Биргаликда биз янада кучлимиз!

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA) фаолиятининг асосий йўналиши — аёллар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш ҳамда маҳаллий бошқарув, хусусан, маҳаллалар орқали ушбу вазифага қандай ҳисса қўшиш мумкинлигига эътибор қаратмоқчи.



Нигина АБАСЗАДЕ,
UNFPAнинг Ўзбекистондаги доимий вакили.

Ўзбекистон жамиятида маҳалла алоҳида ўрин тутади. Ушбу ўзини ўзи бошқариш органлари нафақат Ўзбекистоннинг бой маданий ва тарихий анъаналарини акс эттиради, балки кучли, барқарор жамоаларни барпо этишда муҳим таркибий қисм бўлиб хизмат қилади. Уларнинг маҳаллий, жамиятга йўналтирилган ёндашуви оилалар, аёллар, ёшлар ва болалар эҳтиёжларини қондиришда ноёб имконият яратади.

Биз барқарор ривожланиш келажаги ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ ҳимояланган аёллар, қизлар ва фаол ёшлар қўлида, деб ҳисоблаймиз. Бизнинг вазифамиз — ҳар бир аёл ва қиз ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқариш имкониятига эга бўлиши, ёшлар қарор қабул қилиш жараёнларида иштирок этиши, зарарлардан ҳимояланиши ва хавфсиз, қўллаб-қувватловчи муҳитда ривожланишини таъминлашдан иборат.

Шу маънода, маҳаллалар умумий мақсадларимизни амалга оширишда бебаҳо ҳамкорларимиздир. Маҳаллалар уюшмаси билан шериклигимиз доирасидаги ҳамкорлигимиз аёллар, ёшлар ва кексалар каби заиф гуруҳларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда мамлакатдаги барча фуқароларнинг фаровонлигини янада ошириш ва ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган. Ҳамкорлигимиз доирасида оналар ва репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, аёллар ҳуқуқларини рағбатлантириш ва гендерга асосланган зўравонликка барҳам бериш, хусусан, Уюшма ходимлари ва маҳалла раисларининг гендер тенглиги ва аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш бўйича салоҳиятини ошириш, ҳомиладор аёллар саломатлиги ва оилани режалаштириш бўйича маслаҳат бериш, ўсмирларнинг ота-оналарини репродуктив саломатлик ҳақида хабардор қилишда соғлиқни сақлаш сектори ва маҳалла ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш бўйича келишиб олдик.

Маҳаллаларнинг энг катта афзалликларидан бири — уларнинг аёллар ва қизларнинг эҳтиёжларини бевосита маҳалла ичида бартараф этиш қобилиятидир. Биламизки, аёлларга қарор қабул қилиш жараёнларида иштирок этиш имконияти берилганда, улар нафақат ўз ҳаётларини яхшилайди, балки оилалари ва жамоаларининг фаровонлигига ҳам ҳисса қўшади.

UNFPA гендерга асосланган зўравонликдан жабр кўрган ёки жабрланиш хавфи остида бўлган аёллар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларига кенг қамровли хизматлар кўрсатиш бўйича ҳамкорликни қўллаб-қувватлашдан мамнундир. Шунингдек, соғлиқни сақлаш тизими ва маҳаллий аҳоли ўртасида кўприк вазифасини ўтайдиган патронаж ҳамшираларидан ишини қўллаб-қувватлашдан фахрланамиз.

Ўқитиш ва салоҳиятни ошириш дастурлари орқали биз маҳалла раҳбарларини аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, гендерга асосланган зўравонликнинг олдини олиш ва репродуктив саломатликни тарғиб қилиш учун билим ва кўникмалар билан таъминлашга ёрдам бермоқдамиз. Ушбу ташаббуслар аллақачон аёлларнинг овози эшитиладиган ва қадрланадиган маконларни яратишни бошлади.

Яқинда амалга оширилган муҳим ташаббус — "Аёллар ҳуқуқларини исломий нуқтаи назардан илгари суриш" мавзусидаги ўқув-семинарни ўз ичига олди. Унда биз Ўзбекистоннинг барча минтақаларидан маҳалла вакилларини жалб этдик. Ал-Азҳар университети (Миср)нинг нуфузли профессорлари исломда аёллар ва қизлар ҳуқуқлари бўйича ўз билимларини тақдим этдилар. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан 70 га яқин имомлар, отинойилар, маҳалла вакиллари билан тажриба алмашдилар ва гендер тенгликни илгари суриш бўйича энг яхши амалиётлар билан ўртоқлашди.

UNFPA зарарли гендер меъёрлари ва нотўғри тушунчаларни бартараф этиш, гендер тенглигига нисбатан ижобий муносабатларни шакллантириш мақсадида Маҳаллалар уюшмаси ва бошқа кўплаб ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлашга содиқдир.

Биз бу пойдеворни мустаҳкамлашда давом этишимиз, маҳаллаларда кўпроқ аёлларнинг раҳбарлик лавозимларини эгаллашини ва уларнинг ҳиссаси маҳаллий бошқарувнинг барча бўғинларида эътироф этилишини таъминлашимиз лозим. Аёллар учун янада қамровли муҳитни яратиш орқали биз нафақат жамиятда, балки бутун мамлакатда гендер тенглиги йўлида сезиларли ютуқларга эришишимиз мумкин.

Олдинга интилаётган эканмиз, барча ҳукумат вакиллари, фуқаролик жамияти ташкилотлари ва халқаро ҳамкорларни ушбу муҳим вазифада маҳаллаларни қўллаб-қувватлашга чақираман. Уларга зарур бўлган техникавий билим, таълим ва кўмак бериш орқали биз уларнинг ўзгаришлар жараёнида янада самарали иштирокчилар бўлишига ёрдам беришимиз мумкин.

UNFPA аёллар, ёшлар ва болалар манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида маҳаллалар билан ҳамкорликда ишлашга қатъий содиқлигини яна бир бор таъкидламоқчиман. Биргаликда биз ҳар бир инсон гуллаб-яшнаш имкониятига эга бўлган ва ҳеч ким эътибордан четда қолмайдиган кучлироқ, қамровли жамиятларни яратишимиз мумкин.

Камбағалликни қисқартиришда муҳит омиллари муҳим

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш масаласи – давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилаб берилди.



Мансурбек ОЛЛОЁРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори.

Уч йил аввал камбағалликни қисқартириш бўйича тизим жорий қилиниб, пировардида оғир вазиятда бўлган 3 миллион нафардан ортиқ аҳоли шароити яхшиланди.

Камбағал оила фарзандларининг олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида ўқишининг тўлов-контракт суммаси учун таълим кредитлари ажратиб борилмоқда. Хусусан, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га кирган оилалар хотин-қизларига ажратиладиган таълим кредити бўйича гаров ва кафиллик талаб этилмай, кредитнинг фоиз тўловлари давлат томонидан қоплаб бериляпти.

Шунингдек, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган шахсларга “маҳалла еттилиги” тавсияси асосида 20 йил муддатга ипотека кредитлари ажратилади. Ипотека кредитининг дастлабки бадали ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун давлат томонидан оилаларга субсидиялар тўлаяпти.

Шу ўринда, ўтган йили аҳолининг ижтимоий муҳтож қатламлари билан ишлашнинг янги тизими жорий қилинди. Ҳозирги кунда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”да рўйхатдан ўтган 1 миллион нафардан ортиқ оилалар давлат томонидан моддий ёрдам олиб келмоқда.

Ушбу ислоҳотлар самараси ўлароқ, республика бўйича камбағаллик даражаси 2021 йилда 17 фоизни ташкил қилган бўлса, 2023 йилга келиб 11 фоизгача тушди, яъни 2 йилда 6 фоизга қисқарди.

Бироқ миллий камбағаллик чегарасидан баланд, лекин яшаш шароити, саломатлиги, таълим даражаси ва бошқа турли омиллар сабабли баъзи оилалар иқтисодий ночорликдан чиқиб кета олмаяпти.

Таҳлиллар натижаси, Ўзбекистонда камбағал бўлмаган оиланинг ҳар учтадан бири олий маълумотга эга, камбағал хонадонларда эса, бу кўрсаткич – ўнтадан бир кишига тўғри келмоқда.

Камбағал оилаларнинг 63 фоизи миграцияда (оддий оилада – 13 фоиз), 30 фоиз бола парвариши билан банд (оддий оилада – 21 фоиз), 58 фоиз ишсиз аъзоси бор (оддий оилада эса – 39 фоиз).

Масалан, айрим маҳаллаларда ижтимоий нафақа олувчилар улуши 30 фоиздан юқори. Демак, бу ҳудудларда камбағалликни самарали қисқартириш дастурлари – айнан муҳит омиллари билан ишлаши керак.

Шу сабабли, ҳозир кўп ўлчовли камбағаллик индексини шундай маҳалла ва оилаларни аниқлаш учун қўллаш бўйича изланишлар олиб борилмоқда.

Бу борада Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази томонидан жорий йил эълон қилинган Ўзбекистондаги кўп ўлчовли камбағаллик индекси бўйича илк тадқиқот таҳсинга сазовор. Шу каби янгича ёндашувлар янада ривожланиш, тўсқинлик қилаётган муаммоларга самарали ечим излаш имконини беради.

Ёшлар маҳаллада ҳақиқий етакчига айланяпти

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш — давлат сиёсатига айланган. Айниқса, янгиланган Конституциямизда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари аниқ моддалар билан муҳрлаб қўйилган.



Алишер САЪДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги директори.

Ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмларини жорий этиш, муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш мақсадида ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий этилди. Ўтган қисқа давр ичида уларнинг тавсияси билан “Ёшлар дафтари”га киритилган йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш учун қарийб, 1,5 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Натижада 1 миллион 200 минг ўғил-қизларимиз ҳаётда ўз ўрнини топди.

Охирги етти йилда 151 минг нафар ёшга 1,7 триллион сўм имтиёзли таълим кредити ажратилди, “Ёшлар дафтари”га кирган эҳтиёжманд оилага мансуб 110 минг нафар талабанинг 332 миллиард сўм контракт тўловлари давлат томонидан тўлаб берилди.

“Ибрат фарзандлари”, “Устоз” ва “Мутолаа” лойиҳалари орқали 1,5 миллион нафардан ортиқ ёшлар хорижий тиллар ва замонавий касбларни ўрганаётганлигини ҳамда 1 миллион нафардан ортиқ китобхон ёшлар кашф этилганини таъкидлаш лозим.



Охирги тўрт йилда 600 минг нафар ёшнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 13 триллион 534 миллиард сўм имтиёзли кредит йўналтирилди. Натижада ёш тадбиркорлар сони 7 бараварга ошиб, 734 минг нафарга етди. Ҳудудларда 205 та Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ташкил этилди.

“Ёшлар дафтари”га кирган 107 минг нафар ишсиз ёшларга 338 миллиард сўмлик меҳнат қуроллари берилиб, бандлиги таъминланди.

“Маҳалла еттилиги”нинг тавсияси билан 60 минг гектар ер майдонини деҳқон хўжаликларини ташкил этиш учун 30 йил муддатгача, ижара нархини эса имтиёзли равишда 10 йил муддатга тенг улушларда фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш имкони яратилди. Бу ёшларнинг даромадини ошириш ва бандлигини таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдан сотишгача бўлган занжирни қамраб олувчи янги тизим жорий этишга асос бўлди.

“Беш ташаббус олимпиадаси” маҳалла, таълим муассасаси, корхона ва ташкилотлардаги 8 миллиондан зиёд ўғил-қизларимизни бирлаштирадиган оммавий ҳаракатга айланди. “Бўзатов – ёшлар овози” танлови маданият ва санъат соҳасида 500 минг нафар ёшларни маҳаллаларнинг ўзида кашф этиб, истеъдодларини халқаро майдонга олиб чиқди.

Сўнгги йилларда ташқи сиёсатимизда ҳам ёшлар масаласи асосий йўналишлардан бирига айланди. Ўзбекистон жаҳонга очилишни бошлади. Бунинг натижасида, Бухоро шаҳри – Биринчи Туркий дунё ёшлар пойтахти, Тошкент шаҳри – Биринчи Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ёшлар пойтахти мақомига эга бўлди. Жорий йилда мамлакатимизда илк маротаба 150 та давлатдан 1 мингга яқин хорижлик ва ўзбекистонлик ёшларни бирлаштирган “Бутунжаҳон ёшлар фестивали” ўтказилди.

Шахмат бўйича Ўзбекистон илк бор 162 та давлат орасида 17-ўринни эгаллаб, ёш шахматчиларимиз Нодирбек Абдусатторов ва Жавоҳир Синдаровлар дунёдаги энг кучли 100 талик рейтингга киритилди. Шахмат билан профессионал даражада шуғулланувчилар сони 3 154 нафарга етди. Ўзбекистонлик шахматчиларнинг сўнгги йилларда халқаро майдондаги ғалабалари ортидан дунёда “Ўзбекистон – йилнинг энг яхши шахмат мамлакати” деб эътироф этилди.

Умуман олганда, асосий эътибор ислоҳотларни маҳаллагача етказиш, ёшлар муаммоларини бевосита қўйи тизимнинг ўзида ҳал этишга қаратилди. Бу борада, ёшлар етакчилари тизими йўлга қўйилганидан кейин ёшлар сиёсати фундаментал ўзгариб, мутлақо янги босқичга кўтарилди.

Марказий Осиё мамлакатларининг ўзини ўзи бошқариш органлари тажрибаси

Маҳаллага тааллуқли бўлмаган масала йўқ



Бугун маҳалла деганда, дунёда камдан-кам учрайдиган, инсонни жамият билан уйғун яшашга ўргатиб, багрикенглик руҳида тарбиялайдиган, халқ билан давлат ўртасидаги ишончли кўприк вазифасини бажарадиган ноёб тузилмани тушунамиз. Шу заминда яшаётган, унинг сув-нонини тотаётган киши борки, ўз ҳаётини, кувончу ташвишларини маҳалладан айри ҳолда тасаввур этолмайди.



Абдулла АСЛАНОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси ўринбосари.

Шу билан бирга, бугун маҳалланинг ижтимоий аҳамияти, давлат ва жамият ривожидаги роли ортди. Эндиликда бу тузилма аҳоли ҳаётини яхшилашда оддий иштирокчи ёки ижрочи эмас, балки у қарор қабул қиладиган марказ сифатида намоён бўлаётир.

“Маҳалла” атамаси арабча бўлиб, “ҳудуд, макон, жой” деган маъноларни англатади. Тарихий манбаларда унинг кўп минг йиллик тарихга эга экани ҳақида маълумотлар учрайди. Хусусан, унинг илдизлари жез даврига бориб тақалади.

Сополлитепада 100 дан ортиқ оилалар жамоасини улар орасидан сайланган оқсоқол бошқарган. Милоддан аввалги III асрдан милодий V асрнинг бошларигача Фарғона (Паркана) давлатида оқсоқоллар кенгаши муҳим вазифаларни ҳал этган.

Кенгаш, асосан, сулҳ тузиш, вазирлар таркиби ва солиқларни тайинлаш, жамоа ишларига сафарбар этиш каби масалалар билан шуғулланган.

Наршахий “Бухоро тарихи” асарида Бухорода бундан 1100 йил илгари 19 та маҳалла бўлганини қайд этган. Алишер Навоий ўзининг “Ҳайрат ул аброр” асарида маҳаллани “шаҳар ичидаги шаҳарча” деб таърифлаган. Қадимда маҳаллалар фуқароларнинг касб-кори асосида шаклланган ва шунга қараб номланган. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғати-турк” асарида савдогар ва ҳунармандлар яшайдиган ҳудудларни билдирувчи ибора сифатида “маҳалла” сўзи қўлланилган. Масалан, заргарлик, мисгарлик, кўнчилик, пичоқчилик, қошиқчилик, темирчи, эгарчи, тақачи ва ҳоказо. Маҳаллани бошқариш жамоатчилик асосида олиб борилиб, ўзининг ёзилмаган ички тартиб-қоидаларига эга бўлган ва ҳамма учун бирдек қонуний ҳисобланган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, маҳаллаларни ривожлантириш борасида тарихий янги давр бошланди. Миллий давлатчилик тарихида илк бор шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқаришнинг ҳудудий бирликлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилди. 1993 йил 2 сентябрда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида маҳалланинг “фаол” моделини жорий этиш орқали маҳалла тизимини ривожлантириш ва “маҳаллабай” ишлашда давлат органлари, маҳаллий ҳокимлик ва жамоат ташкилотларининг ўзаро самарали ҳамкорлиги қатъий белгилаб қўйилди.

Маҳалланинг ваколатлари кенгайтирилиб, молиявий мустақиллиги кучайтирилди. Маҳалладаги ишларнинг ҳолати вазирлик, идора ва ҳокимликлар фаолиятини баҳолашнинг бош мезони сифатида белгиланди. Барча даражадаги раҳбарлар маҳаллага тушиб, ўз йўналиши бўйича муаммоларни ўрганиш ва уларга ечим топиши тартиби жорий этилди.

Маҳалла тизимида янги бир даврга қадам ташланди — Президент Шавкат Мирзиёев 2023 йил 21 декабрда иккита муҳим ҳужжатни имзолади. “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон ҳамда “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор билан маҳаллаларни қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш борасида устувор вазифалар белгилаб берилди.

Ҳужжатларга мувофиқ, Маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашлари, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташкил қилинди. Ҳар бир фуқаролар йиғинида ўзига хос ноёб тузилма — маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, ижтимоий ходим, солиқ ва профилактика инспекторларидан иборат “маҳалла еттилиги” фаолияти йўлга қўйилди.

Маҳалла ходимлари фаолиятини асосий самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) бўйича алоҳида баҳолаш тартиби жорий этилди. Барча маҳаллаларда “Маҳалла бюджети” тизими йўлга қўйилди. Мамлакатимиз тарихида илк маротаба аҳолининг демографик ва ижтимоий ҳолати, таълим, ижтимоий соҳа объектларига доир 25 та йўналиш ва 401 та кўрсаткич асосида 9 452 та маҳалланинг “баланс”и шакллантирилди. Аҳоли кайфиятига салбий таъсир кўрсатувчи муаммоларни бартараф этиш бўйича “Йўл харита”лари, маҳаллалар “Омбор китоби” ҳамда ҳар бир маҳалланинг Бандлик дастури ишлаб чиқилди. Фуқароларнинг бирламчи муаммолари Ягона саволнома асосида ўрганилиши йўлга қўйилди.

Энг муҳими, маҳалланинг аҳолига ижтимоий кўмак бериш борасидаги ваколати кучайтирилди. Эндиликда “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” орқали ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидиялар ажратиш “маҳалла еттилиги”нинг биргаликдаги қарори асосида амалга оширилади. Маҳалланинг ягона платформаси орқали ижтимоий ёрдамларнинг манзиллилиги таъминланяпти.

Натижада маҳалла — одамлар келиб фикрини, таклифини, дардини айтадиган, муаммосига ечим топадиган масканга айланди.

Кўриб турганингиздек, Ўзбекистонда бугун барча масалалар маҳалланинг ўзида ечим топишига урғу қаратиляпти. Бунинг учун маҳаллага ваколат ҳам, маблағ ҳам, имконият ҳам тақдим этилган. “Маҳалла еттилиги” бундан самарали фойдаланиб, одамлар муаммосига имкон қадар жойида ечим топишга интиляпти.

Ўзбек халқида “Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она”, деган нақл бор. Яъни бу орқали маҳалланинг жамиятимизда кузатиладиган маънавий-маърифий жараёнларга дахлдор тузилма эканини кўрамиз. Албатта, азалдан оила, фарзанд, ёшлар таълим-тарбиясида маҳалла бениҳоя таъсирчан куч бўлиб келган. Бугун ҳам бу борадаги ишлар янгича мазмун билан бойитиляпти. Хусусан, ёшларнинг таълим-тарбияси, маънавияти ва маърифатини юксалтириш маҳалланинг кундалик устувор вазифасига айланган.

Умуман олганда, бугун жамиятда маҳалла аралашмайдиган, унга тааллуқли бўлмаган масаланинг ўзи йўқ. Ёшлар таълим-тарбияси, оилалар мустаҳкамлиги, ижтимоий ёрдам кўрсатиш масалалари дейсизми, тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратишми, барча-барчасида маҳалланинг ўрни сезилиб туради.

Қозоғистонда Ўзбекистон тажрибасидан фойдаланиш зарур

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ўз фаолиятини амалга оширишда фақат аҳоли манфаатлари ва эҳтиёжларини ифода этиш билан чекланмаслиги керак, балки минг йиллар давомида шаклланган анъаналарга ва одатларга эътибор бериш зарур.





Сарқитбек МОЛДАБАЙ,
“Ошак барқарор ривожланиш маркази” раҳбари, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор.

Масалан, қадим замонларда Қозоғистонда юришлар олдидан бутун халқ армияга айланган. Армия 10, 50, 100 ва 1000 кишидан иборат бўлган бўлинмалардан ташкил топган. Ҳар бир бўлинма ўз қўмондони – ўнбаси (ўнлик), элубаси (эллилик), жузбаси (юзлик), минбаси (минглик) билан бошқарилган. Тинчлик даврида ҳар бир овул ўртача эллик кишидан иборат бўлиб, улар элубасига (элликлик) бўйсунган, тинчлик даврида уларни Ауилнай деб аташган.

Ауилнай (Ауилнай) қишлоқ бошлиғи сифатида қонунийлаштирилди. Бу вазифа кичик маъмурий лавозим бўлиб, уч йил муддатга нуфузли ва молиявий жиҳатдан таъминланган одамлар орасидан танлаб олинарди. Ауилнай мол-ҳолни ҳисобга олиш, мавсумий кўчишларни ташкил этиш, солиқларни йиғиш ва бошқа масалалар билан шуғулланган. Бугунги кунда қишлоқ ҳудудлари акимларини ҳам қозоқлар Ауилнай деб аташади. Кўриб турганингиздек, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш институти маҳаллий халқнинг менталитети, миллий анъаналари ва одатлари, шунингдек, Қозоғистон халқининг тарихи билан жуда яқин алоқада.

Қозоғистон Республикаси Конституциясининг «Маҳаллий давлат бошқаруви ва ўзини ўзи бошқариш» бўлимида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тамойиллари кўрсатилмаган. 2025 йилгача Қозоғистон Республикасида маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни ривожлантириш концепциясининг 5-бўлимида ҳам маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни ривожлантиришнинг асосий тамойилари келтирилган бўлса-да, анъаналар ва одатларга риоя қилиш принципи мавжуд эмас.

Бу вазият маҳаллий бошқарув тизимининг тарихий ва маданий жиҳатини ҳисобга олмаган ҳолда ривожланаётганини кўрсатади. Айни ҳолат маҳаллий жамоатлар учун муҳим бўлган анъана ва қадриятларни инкор этишга олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, бутун концепция ғарб давлатларига қаратилган, лекин ғарб давлатлари билан Қозоғистон ўртасида катта фарқ бор. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш масалаларида ҳамма нарса халқнинг менталитетидан келиб чиқади. Ғарб давлатлари билан таққосланганда, Қозоғистонда мутлақо бошқа маданият, турмуш тарзи, одатлар, анъаналар ва бошқалар мавжуд. Бизда ҳеч қандай ўхшашлик йўқ.

Ўзбекистон тажрибасига назар ташласак. Маҳалланинг янги тарихи ва қайта тикланиши мамлакат мустақилликни қўлга киритиши билан бошланди. Миллий анъаналар ва урф-одатларнинг, тарихнинг қайта тикланиши, миллий ўзликни англашнинг ўсиши ҳам маҳаллани қайта тиклаш жараёнига таъсир кўрсатди. Маҳалла расмий ҳуқуқий мақомга эга бўлиб, Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилди, шунингдек, фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи сифатида ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш имкониятига эга бўлди.

Шундай қилиб, маҳалла тажрибаси демократик давлат барпо этиш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш учун ноёб институт сифатида Қозоғистонга ғарб мамлакатлари тажрибасидан анча яқин ва самаралидир. Қозоғистон ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги тарихий-маданий алоқалар асрларга бориб тақалади ва бу умумий ўтмиш ҳамда бой маънавий мерос билан мустаҳкамланган. Бизни тил, дин, маданият ва анъаналардаги ўхшашлик бирлаштиради. Бу ўтмиш, ҳозирги ва келажагимизни боғлайдиган жонли ришта бўлиб, абадий дўстликнинг кафолатидир.

«Маҳалла сервис компанияси» ободликни таъминлайди

Сўнгги йилларда юртимизда одамларнинг турмуш даражасини яхшилаш, сифатли коммунал хизматларни кўрсатиш, шунингдек, аҳолининг коммунал маданиятини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.



Озода ЖЎРАЕВА,
Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг ўринбосари.

Хусусан, кўп квартирали уйларни самарали бошқариш тизимини яратиш юзасидан бошқарув сервис компаниялари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, мазкур амалиёт ўзининг қатор ижобий натижаларини кўрсатди. Ҳозирда республикада 42 мингдан ортиқ кўп квартирали уйлар мавжуд бўлиб, улар 831 та бошқарувчи ташкилотлар, 168 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан бошқарилади.

Бошқарув ташкилотларида 24/7 режимида ишловчи диспетчерлик хизматлари ташкил этилган бўлиб, бошқарув сервис компаниялари томонидан кўп квартирали уй-жойларга хизмат кўрсатиш, авария ҳолатларини бартараф этиш ишлари учун керакли бўладиган кенг турдаги (автотранспорт, мотороллер, аварияни бартараф этувчи жамланмалар ва бошқалар) моддий-техника воситалари базаси яратилди.

Соҳани рақамлаштириш борасида “Турар жой” миллий ахборот тизими ишлаб чиқилди ва мазкур тизимга уйларнинг техник ҳолати тўғрисидаги маълумотларни киритиш имконияти яратилди. Шу билан бирга, “Хавфсиз лифт” ягона идоралараро платформаси ишлаб чиқилмоқда ва юртдошларимиз ўзи фойдаланаётган лифт ускунаси тўғрисидаги маълумотларни реал вақт режимида олиши мумкин.

“Менинг уйим” биллинг тизими янада такомиллаштирилиб, унда бошқарув органларининг уйларни бошқариш фаолияти билан боғлиқ бўлган барча турдаги ариза, мурожаатларни электрон юбориш, шунингдек янги ташкил этилган бошқарув органларига reestr.kommunal.uz платформаси орқали масофадан турган ҳолда бошқарув органларининг электрон реестридан рўйхатдан ўтиш учун ариза юбориш имконияти яратилди.

Ушбу самарали тизимни маҳаллаларда ҳам ташкил қилиш бўйича Муҳтарам Юртбошимизнинг 2024 йил 25 июндаги “Маҳаллаларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва қиёфасини тубдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори қабул қилинди.

Маҳаллалар ободлигини таъминлаш, уларни сақлаш ва ободонлаштириш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишнинг янги тизимини жорий қилиш, аҳоли ва коммунал хизмат ташкилотлари ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда маҳаллалар ҳудудида яшовчи аҳолини маҳалла ободлигига кенг жалб қилиш мақсадида:

1. Маҳаллаларда, эксперимент тариқасида, хусусий сектор иштирокида маҳалла ободлигини таъминлаш бўйича тубдан янги тизимни жорий этиш.

2. Республикадаги 208 та маҳаллада «Маҳалла сервис компанияси» ташкил қилиш.

3. Маҳалла сервис компаниялари учун бино-иншоотларини қуриш топшириқлари берилди.

Бугунги кунда 208 та “Маҳалла сервис компанияси” Давлат хизматлари марказидан рўйхатдан ўтказилиб, фаолияти йўлга қўйилди.

Янги ташкил қилинган компаниялар жойларда қуйидаги вазифаларни бажаради:

— маҳалла фуқаролар йиғинининг буюртмаси асосида ва назорати остида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш хизматларини кўрсатади;

— ариқлар ва суғориш тизимларини тозалайди, умумий кўчаларни тозалигини таъминлайди, кўчатлар экади ва парваришлайди;

— чиқиндилар аҳоли хонадонларидан олиб кетилиб, чиқинди йиғиш пунктларига етказилади;

— чиқинди йиғиш пунктида чиқиндилар сараланиб, чиқинди корхоналари томонидан олиб чиқиб кетилади;

— ижтимоий соҳа объектларида ободонлаштириш ва коммунал Ижтимоий соҳа объектларида ободонлаштириш ва коммунал эксплуатация хизматларини кўрсатади;

— барча турдаги маиший хизмат кўрсатишни ташкил қилади.

Бугунги кунда, ташкил этилган 208 та “Маҳалла сервис компанияси”да жами 2 мингдан зиёд ходим ишга қабул қилиниб, маҳалларнинг ободлиги учун самарали хизмат қилиб келмоқда.

Шунингдек, “Маҳалла сервис компанияси” маҳаллани обод қилиш билан боғлиқ ишларни бажаришда, маҳалла аҳолисига ижтимоий аҳамиятдаги пуллик хизматларни кўрсатиш доирасида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, фойда, мол-мулк, ер солиқлари ҳамда ижтимоий солиқ тўловлардан озод этилганлиги алоҳида аҳамиятга моликдир.

Бу борадаги ишлар келгусида такомиллаштириб борилади.

Марказий Осиё мамлакатларининг ўзини ўзи бошқариш органлари тажрибаси

Қирғизистон: айил окмоту қандай ишлайди?



Қирғизистон Республикасида маҳаллий ўзини бошқариш демократик жамиятнинг ажралмас қисми ва давлатнинг барқарор ривожланишининг калит элементидир. Ушбу тизим фуқароларга ўз ишларини бошқаришда фаол иштирок этиш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради. Маҳаллий ўзини бошқариш маҳаллий ҳаётни ташкил этишнинг барча томонларини қамраб олади, маҳаллий аҳамиятга эга масалалар бўйича қарорлар қабул қилишни ҳудудий маҳаллий жамоаларга ўтказиш имконини беради, шу билан фуқароларнинг фаолиятини рағбатлантиради.



Бектурган ОРОЗБАЕВ, Қирғизистон Республикаси маҳаллий ўзини ўзи бошқариш иттифоқи директори.

Маҳаллий ўзини бошқариш тарихининг ривожланиши Қирғизистонда 1996 йилдан бошланади, чунки шу йилда Конституцияга маҳаллий ўзини бошқаришни янада ривожлантиришга оид қўшимчалар киритилди. Конституцияга мувофиқ, маҳаллий ўзини бошқариш органлари коммунал мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни бошқариш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Шу йилда қишлоқ (ҳудудий) кенгашлари асосида сифат жиҳатидан янги 460 ижро этувчи бошқарув органи – айил окмоту (қишлоқ ва ҳудудий бошқарувлар) ташкил этилди. Ўша пайтда қишлоқнинг барча ижтимоий инфратузилма объектлари айил округининг муниципал мулкига ўтказилди.

Маҳаллий ўзини бошқаришдаги кейинги ўзгаришлар республикадаги шаҳарларнинг маҳаллий ҳокимият органларини ислоҳ қилишга қаратилди. 1998 йилдан бошлаб, маҳаллий ўзини бошқариш барча шаҳарлар учун жорий этилди ва ижро этувчи бошқарув органлари – мериялар ташкил этилди.

2024 йилга келиб, Қирғизистонда маҳаллий ўзини бошқариш тегишли маъмурий-территориал бирлик (айил ҳудуди ва шаҳар) ҳудудида маҳаллий жамоалар томонидан амалга оширилмоқда ва фуқаролар маҳаллий ўзини бошқариш органлари орқали ёки бевосита иштирок этишади. Маҳаллий жамоалар коллектив фаолиятини тартибга солувчи уставларни қабул қилишади.

Маҳаллий ўзини бошқариш органлари вакил ва ижро этувчи органлардан иборат. Вакил органлар маҳаллий кенгашлар, ижро этувчи органлар қишлоқ муниципалитетларидаги айил окмоту ва шаҳарларидаги мерияларни ташкил этади. Маҳаллий ўзини бошқаришнинг ижро этувчи органлари ва уларнинг раҳбарлари ўз фаолиятида маҳаллий кенгашларга ҳисоб беради.

Маҳаллий ўзини бошқариш органларининг фаолиятини ва ҳудудни ҳаётий таъминлаш тизимини ривожлантириш учун қонун билан белгиланган 26 та маҳаллий аҳамиятга эга масала мавжуд. Муниципал мулкни бошқариш, маҳаллий бюджетни шакллантириш, тасдиқлаш ва ижро этиш, ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш, жамоат тартибини ҳимоя қилишга кўмаклашиш, оила зўравонлигидан ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишда ёрдам бериш шулар жумласидан.

Охирги йилларда Қирғизистон Республикасининг маҳаллий ўзини бошқариш органлари хизматлар ривожланиши ва уларни барқарор молиявий асосга ўтказишда катта сифат жиҳатидан ютуқларга эришди. Мустақил равишда ва ривожланиш бўйича ҳамкорлар ёрдамида мерлар (ҳокимлар) ва айил окмотулар янги хизматларни жорий этмоқда.

Маҳаллий жамоаларнинг кенг қамровли эҳтиёжларини инобатга олиб, хизматларни самарали ташкил этиш учун шароитлар яратган ҳолда, Қирғизистон Республикаси қонунчилиги давлат органларига маҳаллий ўзини бошқариш органларига алоҳида давлат ваколатларини ўтказиш ҳуқуқини беради. Бу жараёнда керакли моддий, молиявий ва бошқа ресурслар тақдим этилади.

Маҳаллий ўзини бошқариш органларига ўтказилиши мумкин бўлган асосий давлат ваколатларига қуйидагилар киради: иш билан таъминлаш ва аҳоли миграцияси дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, фуқароларни ҳисобга олиш, ижтимоий объэктлар билан таъминлаш, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни аниқлаш ва бошқалар.

Ушбу функциялар маҳаллий ўзини бошқариш органларига маҳаллий ишларга самарали раҳбарлик қилиш ва фуқароларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради, аммо уларни амалга ошириш маҳаллий ўзини бошқаришнинг моддий-молиявий асосини, яъни муниципал мулк ва маҳаллий бюджетни талаб қилади.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тегишли маҳаллий бюджет ҳамда республика бюджетидан молиялаштирилади. Ҳар йили республика бюджетидан маҳаллий бюджетлар харажатларини молиялаштиришни таъминлаш мақсадида давлатнинг минимал ижтимоий стандартларига мувофиқ, барқарор ижтимоий-иқтисодий ҳолатни сақлаб қолиш учун мувозанатни таъминловчи ва рағбатлантирувчи грантлар (трансфертлар) ажратилади.

Вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ва қишлоқ ҳудудларида ҳамда маҳаллий жамоаларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш учун фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган иқтисодий лойиҳаларни молиялаш мақсадида мамлакатда 40 та туман ва 7 та вилоятда ривожланиш фондлари фаолият кўрсатмоқда.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга эга масалалар бўйича қарор қабул қилиш жараёнида кенг иштирокини таъминлаш принципларига асосланган бўлиб, у тўртта асосий иштирок шаклини ўз ичига олади. Биринчиси – сиёсий иштирок шакли, жамоатчилик йиғилишлари, мажлислар, очиқ муҳокамалар ва бошқа жамоат тадбирларини ўз ичига олади, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларда жамоанинг фикри ҳисобга олинади.

Иккинчиси – маслаҳат берувчи иштирок шакли, маслаҳат кенгашлари, ишчи гуруҳлар, лойиҳа қарорларини жамоат муҳокамалари, жамоалар эҳтиёжларини биргаликда ўрганиш ва бошқа шаклларни ўз ичига олади, бу жараёнда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи маҳаллий жамоа билан биргаликда самарали ечимлар излайди. Учинчиси – ташаббускор иштирок шакли, ташаббус гуруҳлари, маҳаллий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллий иштирок фондлари ва жамоанинг ҳаёт шароитларини яхшилаш бўйича ўз ташаббусларини амалга ошириш имкониятини берувчи бошқа шаклларни ўз ичига олади. Ниҳоят, тўртинчи – мониторинг иштирок шакли, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини мониторинг қилиш ва баҳолаш, жамоатчилик ҳисоботи, биргаликдаги мониторинг ва баҳолаш гуруҳлари ва бошқаларни ўз ичига олади, бу жамоатчиликка маҳаллий органларнинг фаолиятини ва ривожланиш дастурларининг амалга оширилиш натижаларини баҳолаш имконини беради. Барча шакллар қонунчиликда таърифланган ва Қирғизистоннинг маҳаллий жамоаларида кенг қўлланилади.

2023 йилда Қирғизистонда маъмурий-территориал ислоҳот бошланди. Ушбу ислоҳотнинг мақсади — маҳаллий жамоалар учун давлат ва муниципал хизматларнинг рақамлаштирилиши шароитида зарур шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг самарадорлигини оширишдир. Ислоҳот натижасида муниципалитетлар сони сезиларли даражада камайди: агар ислоҳотдан олдин уларнинг сони 484 бўлса, ҳозирда 268 та маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият юритмоқда. Улардан 235 таси қишлоқ ва 33 таси шаҳар муниципалитетларидир.

Мамлакат қонунчилигига мувофиқ, давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни кучайтириш, уларга маслаҳат бериш ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Қирғизистон Республикаси Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш иттифоқи фаолият кўрсатмоқда.

Бу мамлакатдаги ягона ассоциация бўлиб, у республикадаги барча маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини, жумладан, вакиллик ва ижро органларини бирлаштиради. Иттифоқ 1996 йилда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарларининг республика йиғилишида ташкил этилган. Ҳар йили Қирғизистон Республикаси Молия вазирлиги ва Уюшма ўртасида муносабатларни мувофиқлаштириш бўйича протокол имзоланади. Протоколни имзолаш давлат ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ўртасида бюджет маблағларини марказ ва минтақалар ўртасида тақсимлаш бўйича расмий мулоқот бошланганини англатади.

Тарихий тажрибалар шуни кўрсатадики, Қирғизистонда самарали маҳаллий ўзини ўзи бошқариш аҳоли ҳаёти сифатини ошириш ва маҳаллий жамоаларга сифатли хизматлар кўрсатиш учун барқарор давлат яратишнинг "пойдевори" эканини аён бўлади. Бу жараёнда фуқароларни бошқариш ва қарор қабул қилиш жараёнларига фаол жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга.

“Кўча бийлари” “еттилик”нинг ҳақиқий кўмакчиси

Ҳар биримиз у ёки бу даражада маҳалла ва унинг тузилмалари билан боғланамиз, унинг учун муҳим бўлган қарорлар қабул қилинишида бевосита фаол ёҳуд билвосита иштирок этамиз, яъни уни бошқаришга маълум даражада алоқадормиз. Фаолиятнинг бу тури, эҳтимол, энг мураккаб ва кўп қирралидир, у инсонга бутун ҳаёти давомида ҳамроҳ бўлиб келади. Ўзбекистонда маҳаллага бўлган қизиқиш шу боис катта.



ЗУҲРА РЕЙМОВА, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси, юридик фанлари доктори, профессор.



СОҒИНДИК ТУРМАНОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бугунги кунда давлат органларининг кўплаб вазифаларини ўзида мужассам этади. Бунинг муҳим аҳамияти шундаки, ваколатлар халққа қанчалик яқин бўлса, жамоатчилик назорати ҳам шунчалик кучли бўлади.

“Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармонига мувофиқ, ҳар бир йиғинда “маҳалла еттилиги” фаолият юритадиган бўлди. Фармонга кўра, нодавлат ташкилот — Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташкил этилиб, маҳалла ва “маҳалла еттилиги” фаолиятига кўмаклашиши белгиланди.

2023 йилнинг март ойида Муҳтарам Президентимиз Қорақалпоғистонга қилган навбатдаги ташрифи чоғида маҳалла ходимлари билан мулоқот қилар экан, қорақалпоқ халқининг миллий қадриятлари – кўча бийлари фаолиятига тўхталган эди. Кўча бийлари – фуқаролар йиғини ҳудудидаги аҳолининг умумий йиғилишида сайланган ва улар номидан фуқаролар йиғинида фаолият олиб борадиган, уларнинг қонуний манфаатларини ифода этадиган фуқаро.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасидаги маҳаллаларда, “маҳалла еттилиги” ҳузурида ташкил этилаётган “кўча бийлари” институти фуқаролар йиғинларидаги аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, бу борадаги Президент фармон ва қарорлари ҳамда бошқа ҳужжатларнинг ижроси устидан жамоат назоратини ўрнатиш, маҳаллалар ободлиги, оилалар тинчлиги ва фаровонлигига хизмат қилади. Бир сўз билан айтганда, кўча бийлари “маҳалла еттилиги”нинг чин маънодаги кўмакчисидир.

Қорақалпоғистон Республикасида 452 та маҳалла доирасида 8 минг нафардан ортиқ кўча бийлари рўйхати шакллантирилган. Ўтган икки йил давомида кўча бийлари Жўқорғи Кенгес ҳамда Маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш кенгаши томонидан моддий ва маънавий қўллаб-қувватланиб келинмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 13 июндаги “Маҳаллалар фаолиятини тартибга солишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Кўчабоши ва уйбошиларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Намунавий низом қабул қилинди.

Ҳудуддаги маҳаллалар инфратузилмасини такомиллаштириш, аҳолининг турмуш шароитларини янада яхшилаш, маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга йўналтирилган дастурларнинг ижросини таъминлаш мақсадида жорий йил 13 июлда Президентнинг “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузурида Маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори тасдиқланди. Қарорга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикасидаги 452 та маҳалланинг ҳар бирига 500 млн. сўмдан маблағ ажратилиши белгиланди, яъни Маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига жами 228 млрд. сўм маблағ ажратилди.

Шунингдек, қарор ижросини таъминлаш мақсадида 2023 йил 22 июль куни Вазирлар Маҳкамасининг 308-сонли қарори тасдиқланди ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисида махсус Низом тасдиқланди. Мазкур Низом талабларидан келиб чиққан ҳолда, Маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳаларни шакллантириш ва ҳисобини юритиш мақсадида Нукус шаҳри ва барча туманларда махсус комиссиялар ташкил этилди.

Маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш қонун талабларига мувофиқ 3 босқичда амалга оширилди.

1-босқичда барча фуқаролар йиғинлари Кенгаши, маҳалла фаоллари, жумладан, кўча бийлари, аҳолининг талаб ва таклифларидан келиб чиққан ҳолда ўзларининг таклифларини комиссияга тақдим этди.

2-босқичда комиссиялар келиб тушган таклифларни ўн кун давомида ўрганиб, маблағ ажратиш учун тақдим этилган лойиҳаларни шакллантирди ва Кузатув кенгашига кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун тақдим этди.

3-босқичда Республика Кузатув кенгаши 5 кун ичида комиссия томонидан мақулланган лойиҳаларга маблағ ажратиш бўйича қарорни тасдиқлади ва бугунги кунда ҳар бир маҳалланинг ҳисобига белгиланган 500 млн. сўм маблағ ўтказиб берилди.

Шу ўринда 452 та маҳалладан жами 2 396 та лойиҳа тақдим этилгани ва тўлиқ амалга ошириш белгилаб олинганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бугунги кунда 2 372 лойиҳанинг бажарилиши тўлиқ таъминланди.

2023 йил 30 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXI боби “Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” деб номланиб, бу фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мақомини аниқ белгилашга хизмат қилди. Конституциянинг 69-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамияти институтининг негизи экани белгиланган. 127-моддасида эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмаслиги алоҳида қайд этилган. Ушбу таъкидланган янги ҳуқуқий нормалар асосида фуқаролик жамияти институти сифатида маҳалланинг аниқ ҳуқуқий мақоми белгиланди.

Ўз навбатида, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, Қорақалпоғистон Ўзбекистон таркибига киришини ва Қорақалпоғистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинишини ҳисобга олиб, унинг конституциявий мақомида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг юридик табиатига аниқлик киритиш мақсадида Қорақалпоғистон Конституциясининг XIII бобининг “Жамоат бирлашмалари” номи “Фуқаролик жамияти институтлари” деб ўзгартирилиши мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, 69-моддада фуқаролик жамияти институти сифатида маҳалланинг конституциявий мақомини белгилаш зарурати пайдо бўлмоқда.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси XXI боби номланишини «Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» деб ўзгартириш жоиз. Шу орқали маҳалланинг юридик табиатига аниқлик киритилади. Конституциянинг 99-моддасини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 127-моддасига мослаштириш зарурати пайдо бўлмоқда. Бундай янгилик Қорақалпоғистон ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияларини уйғунлаштиришга хизмат қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари таркибига кирмайди, ўзининг юридик табиатига кўра, фуқаролик жамияти институтларига киради. Бир вақтнинг ўзида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мустақиллик асосида, ўзича эркин шаклининг тури унинг халқ ҳокимиятига таалуқлилиги. Бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими – бу давлат ичидаги давлат эмас: у жамият ва давлат ишларини бошқаришнинг умумий тизимига бириккан, унда алоҳида ўринни эгаллаб, холисликка эга бўлади. Шу боис маҳаллий масалаларни ҳал қилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мустақиллигининг маълум чегаралари, давлат қонунчилиги ўрнатган чегаралари ҳақида айтиш мумкин. Бу яна бир бор ўзини ўзи бошқариш органларининг юридик табиатини дуалистик эканини билдиради.



Давлат бошқарувида ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни

Ўзаро ҳамкорлик аҳоли турмушини яхшилайди



Янг Жи ФАН,
Хитойнинг Gansu Lanmei Vocational Skills Training School Co., Ltd бош менежери
(Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси маслаҳатчиси).

Хитой ва Ўзбекистон “Бир камар, бир йўл” ташаббуси доирасида муҳим лойиҳаларни амалга оширмоқда. Икки давлат ўртасидаги муносабатлар яхши ривожланиб, тарихдаги энг яхши кўрсаткичга етди.

Ҳар икки давлат томонидан ўрнатилган кўп босқичли ўзаро манфаатли ҳамкорлик механизми доирасида икки томон ҳам модернизацияни ривожлантириш, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш бўйича чуқур ўрганиш ва алмашувлар олиб бормоқда. Гансу провинцияси ва Ўзбекистон ўртасидаги алмашинувлар ҳам анча тез ривожланмоқда. Томонлар саноат соҳасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб, қардош шаҳарлар ўртасидаги алмашинувни чуқурлаштириб, халқлар ва маданий алоқаларни фаоллаштириб, самарали натижаларга эришмоқда.

Биз иккала томон ўртасида “ўзаро манфаат, ғалаба қозониш ва умумий ривожланиш” тамойили бўйича асосий технологиямиз, ўқитувчилар таркиби, ўқув тизими, тезкор модель, стандарт натижалар, жиҳозлар ва бошқаларни тақдим этишга тайёрмиз. Келгусида Ўзбекистонда Хитой резидентларининг хизмат кўрсатиш тажрибаси асосида маҳаллалардаги хизмат кўрсатувчи компаниялар ўртасида қуйидаги ҳамкорлик йўлга қўйилади.



Биринчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатувчи компаниялар ташкил этилади. Бу жараёнда **“Хитойнинг яхши уй хўжалиги”** компанияси тажрибаси ва моделини тақдим этиш ва маҳаллий аҳолига хизмат кўрсатиш, бандлик самарадорлигини ошириш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилаш учун Тошкент шаҳрида стандартлаштирилган хизмат кўрсатиш корхонасини қуриш учун бошқарув ходимларимизни танлаймиз.

Иккинчиси, “мактаб – корхона” ҳамкорлиги йўлга қўйилиб, юқори малакали касб эгалари тайёрланади. Шу билан бирга, Тошкент шаҳрида ўқув муассасаси ташкил этилиб, маҳаллий ассоциациялар раҳбарлари ва бизнес менежерларини назарий ва амалий ўқитиш тизими яратилади. Унда уйни тозалаш, қарияларга қараш ва бошқа технологиялар ҳамда жиҳозлардан фойдаланиш қоидалари ўргатилади.

Учинчиси, “China Housekeeping + Running Plan” лойиҳаси амалга оширилади. Икки йилдан сўнг, Тошкент шаҳри, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона, Хоразм ва Тошкент вилоятларида стандартлаштирилган хизмат кўрсатувчи компанияларни тўлиқ қамраб олиш учун қўшни компаниялар билан бирлаштирилган хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилади.

Тўртинчиси, Хитойнинг уй-рўзғор хизматларини стандартлаштирилган экспорти амалга оширилади. Компаниямиздаги 360 та хизматни Ўзбекистонга олиб келиш, жумладан, уй хўжалиги хизматларининг умумий асослари, таъминоти, хизмат кафолати ва иш намунаси ҳамда маҳаллий хусусиятларга эга амалий стандартлар тўпламини ўзгартириш ва такомиллаштириш орқали тезкор хизмат кўрсатиш тизими йўлга қўйилади.

Шу асосда, биз тегишли фаолият ва бизнесни амалга ошириш учун икки йил ёки ундан кўпроқ куч сарфлашга тайёрмиз. Бу борада маҳаллий ассоциациялар раҳбарлари ва бизнес менежерларини тажриба алмашиш учун Хитойга боришлари бўйича Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдормиз.



“ГЕМАЙНДЕ” — Германиядаги ўзини ўзи бошқариш тизими



Жавхар ДУСТОВ,
“Hanns Zaydel” жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси офис раҳбари.

Маҳаллий ва давлат бошқаруви соҳасида фаолият юритаётган ёш раҳбар кадрларни Германиянинг илғор тажрибаси асосида малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш орқали профессионал давлат хизматчиларини тайёрлашда “Ханнс Зайдел” жамғармаси ҳам оз бўлса-да муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Жамғарма 1967 йил 11 апрелда Германиянинг Мюнхен шаҳрида рўйхатдан ўтган бўлиб, Бавария федерал ерининг собиқ ҳокими шарафига Ханнс Зайдел, деб номланган. Дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакатида фаолият юритаётган “Ханнс Зайдел” жамғармаси 2002 йилдан буён Марказий Осиёда давлат хизмати ва маҳаллий бошқарув тизимини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаб келмоқда.

“Ханнс Зайдел” жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ва бошқа бир қатор давлат бошқаруви тузилмалари, жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Мазкур ҳамкорлик доирасида давлат хизматчиларининг касбий малакасини ошириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, атроф-муҳит муҳофазаси, экология, маҳаллалар ҳаёти каби йўналишларда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 16 сентябрь куни Германия Федератив Республикаси Федерал Канцлери Олаф Шольцнинг мамлакатимизга ташрифи доирасида икки давлат раҳбари иштирокида **“Ҳокимликка тайёрлаш мактаби”** концепцияси асосида қўшма таълим дастури очилди. **Ҳар икки давлат раҳбари мазкур ўқув дастурига старт бериши ундан кутилаётган натижанинг юқори эканидан дарак беради.**

Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳамда Германиянинг “Ханнс Зайдел” жамғармаси ва Бавария давлат бошқаруви мактаби ҳамкорлигида ишлаб чиқилган мазкур концепция асосидаги қўшма таълим дастури – Бошқарув кадрларни тайёрлаш мактаби туман ва шаҳарлар раҳбарлик лавозимларига захира яратиш мақсадида ташкил этилган. **17 ҳафтага мўлжалланган мазкур лойиҳа асосида тингловчилар 6 ҳафта давомида иш жойидан ажралган ҳолда Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида машғулот ўтайди.** 8 ҳафта иш жойидан туриб, мустақил таълим олади, 2 ҳафта вазирлик, идораларда ва яна 2 ҳафта ҳудудий ҳокимликларда амалиёт ўтайди. **Аттестация натижасига кўра, юқори кўрсаткичга эришган 20 нафар тингловчи 9 кун давомида Германияда ўқиб қайтади.** Хориж сафари билан боғлиқ харажатларни “Ханнс Зайдел” жамғармаси қоплайди.

Биринчи мавсумда 56 нафар тингловчи қамраб олинадиган дастур ўқув режасидан “Давлат бошқарувининг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий асоси”, “Шаҳарсозлик ва қурилиш индустрияси, муҳандислик коммуникацияси ва уй-жой коммунал хўжалиги яшил макон дастурини амалга ошириш”, “Ташқи савдони маҳаллий даражада қўллаб-қувватлаш”, “Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлиги” каби мавзулар ўрин олган.

Ҳар бир давлатнинг тараққиёти, равнақи ва келажаги ходимлар салоҳиятига бевосита боғлиқ. Шу нуқтаи назардан шиддат билан ривожланаётган Янги Ўзбекистонда бошқарув кадрларни тайёрлаш бўйича янгича тизим яратилаётгани қувонарли. Табиийки, айни жараёнда миллий амалиётни қўллаш баробарида илғор хорижий тажрибани ўзлаштиришга ҳам эътибор қаратилаётир. Германия Федератив Республикаси айни йўналишда, айниқса, тизимда сифатни таъминлаш бўйича дунёнинг илғор мамлакатлари сирасига киради ва жаҳон рейтингларида юқори ўринларни эгаллаган. Демак, туман ва шаҳарлар раҳбарлик лавозимларига захира яратишда ушбу дастурдан юқори натижа кутилаётгани бежиз эмас.

Германияда ҳам юртимиздаги каби маҳалла, яъни ўзини ўзи бошқариш тизими мавжуд бўлиб, у “гемайнде”, деб номланади ва Баварияниг маҳаллий бошқарув тизимида энг кичик бўғини ҳисобланади ҳамда ўзининг чуқур тарихига эга. Мазкур бошқарув тизими кўнгиллилик асосида қўллаб-қувватланиши Германияни бугунги, тараққий этган даражага эришишида муҳим аҳамият касб этади. Ушбу немис маҳаллаларининг ҳар бирида ўз бошқарув аппарати, бюджети ва бошқа ресурслари мавжуд. **Маҳалладаги ташкилотлар томонидан тўланган солиқлар ва маҳаллий йиғимлар ҳисобига “маҳалла бюджети” шаклланади.**

Гемайнде ўз ҳудудида турли масалалар, хусусан, инфратузилма, инвестицион муҳит, ёшлар сиёсати ва ёрдамга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш каби турли соҳаларга масъул ҳисобланади. Ўз ресурслари, туман ҳамда вилоят ажратган мақсадли ажратмалар ҳисобидан маҳаллий ижтимоий лойиҳаларни амалга оширади. Аҳоли мурожаатлари жойида – маҳаллани ўзида ҳал қилинади.

Таъкидлаш керак, ҳар бир ташаббус, ижтимоий объект қурилиши ёки тадбирлар маҳалла аҳолисининг бевосита ихтиёрий иштироки, яъни волонтёрлик асосида бажарилади. Волонтёрлик немис халқи учун шарафли фаолият ҳисобланиб, эвазига ҳеч қандай молиявий рағбатлантиришни талаб этмайди. Маҳалла маъмурияти томонидан эса ушбу ташаббусни амалга ошириш билан боғлиқ барча харажатлар қопланади ва назорат қилинади.

Германиянинг ҳудуди жиҳатдан энг йирик ҳисобланган Бавария федерал ерида маъмурий ислоҳотлар ҳақида гап кетадиган бўлса, шуни таъкидлаш жоизки, ГФР ва ГДР бирлашганда ҳам айнан Баварияда олиб борилган маъмурий ислоҳотлар намуна сифатида олинган. 1967 йилда бошланган ислоҳотлар, аввалambор, ҳудудий бирликларнинг йириклаштирилиши, қўшиб юборилиши билан бошланган бўлса, кейинчалик уларнинг функционал хусусиятлари ислоҳ қилинди. Натижада бугунги кунда Баварияда 7 та вилоят, яъни округ, 71 та туман ва 2031 та маҳалладан иборат давлат бошқаруви тузилмаси шаклланди.

Германия маҳаллаларининг молиявий мустақиллиги улар жойлашган ҳудуддаги ташкилот ва корхоналар томонидан тўланадиган солиқларнинг катта қисми, турли йиғим ва бадаллар ҳисобидан кафолатланди. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллалар ўртасида соғлом рақобат шаклланишига, ҳудудга тўғридан-тўғри инвестиция оқимини рағбатлантирилишига туртки берди. Эндиликда, ҳар бир маҳалла ўз ҳудудига инвесторларни жалб қилишга масъул ҳисобланиб, ушбу инвесторлар тўлайдиган солиқ тушумлари орқали ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш ва жозибадорлигини оширишга ҳар бир маҳалла раиси интилади. Маҳалла бюджетининг тасарруф этилиши эса маҳалла кенгаши қарори асосида амалга оширилади.

Маҳалла маъмуриятининг ходимлар штатлари сони чекланмаган бўлиб, у маҳалланинг иқтисодий ва молиявий ҳолатидан келиб чиқиб, зарурият бўлганда кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин. **Баварияда ҳар бир маҳалла раиси 6 йилга халқ томонидан сайланади ва ҳар қандай соҳа вакиллари ўз номзодини қўйиши мумкин.** Уларга малака ошириш курслари таклиф этилади. Маҳалла раиси сифатида кўпинча аҳоли орасида катта обрў-эътиборга эга шахс сайланганлиги сабабли, маҳалла маъмурияти вазифаларини маъмурият администратори бажаради. Катта тажрибага эга профессионал администратор барча қарорлар ва молиявий жараёнларни назорат қилади ва тасдиқлайди.

Маҳалладаги барча лойиҳалар маҳалланинг ўз ташаббуси ва молиявий имконияти, шунингдек, жавобгарлиги остида амалга оширилиб, туман ҳокимлиги томонидан назорат қилиб борилади.

Маҳаллани билган кадр раҳбар бўлади

Давлат бошқарувининг “инсонга йўналтирилган” моделини шакллантириш, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиш керак”, деган тамойил асосида номарказлаштириш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан маҳаллаларга кўплаб ваколатлар, ташкилий ва молиявий имкониятлар берилди. Маҳалла мўъжаз бир ҳокимият моделини ўзида гавдалантириб, уни менежер – раис раҳбарлигидаги “бешлик” бошқара бошлади. Бу “бешлик” ҳозирда “еттилик”ка айланди.



Абдиҳамид ТАМИҚАЕВ,
Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг департамент мудири.

Дарҳақиқат сўнгги етти йилда барча давлат бошқаруви идоралари маҳаллагача тушиб, муаммоларни ўрганиб келмоқда. Тизимли муаммолар аниқлангач, тегишли вазирликларда бу муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган қарорлар қабул қилинмоқда. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллани муаммолар ўрганиладиган ва аниқланадиган маскандан муаммолар жойида ҳал қилинадиган, муҳим қарорлар қабул қилинадиган масканга айлантирмоқда.

Бошланган ислоҳотларни изчиллик билан давом эттириш, маҳалла тизими олдига қўйилган вазифаларни сифатли ижро қилиш, пировард натижада аҳолини рози қилишда, албатта, профессионал кадрларнинг ўрни беқиёс. Шу боис Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва Солиқ қўмитаси билан ҳамкорликда:

– “Маҳалла еттилиги”ни профессионал кадрлар билан тўлдириш;

– уларнинг касбий компетенциясини (билим, малака ва кўникма) доимий равишда ошириб бориш;

– юқори ва масъулиятли лавозимларга мақсадли тайёрлаб боришга қартилган 3 та йўналишда тизимли ишлар олиб бормоқда.

Биринчиси, кадрларни танлаш йўналиши. Хабарингиз бор, давлат фуқаролик хизматига киришда меритократия тамойилини жорий этиш, барча фуқаролар учун тенг имкониятлар яратиш мақсадида Агентлик томонидан Давлат фуқаролик хизмати вакант лавозимлари ягона очиқ портали – **vacancy.argos.uz** ишга туширилган. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида профессионал кадрлар ишга қабул қилиш бўйича “маҳалла еттилиги”га жами 14 363 та танлов ўтказилди.

Иккинчиси, кадрлар салоҳиятини ошириш йўналиши. Саралаб олинган давлат хизматчиларини мунтазам зарур билим ва кўникма билан қуроллантириш, бугунги кун талабларига жавоб берадиган салоҳиятли кадрларни тайёрлаб бориш муҳим ҳисобланади. Ушбу мақсадда ходимлар учун жойларда доимий малака ошириш курслари ҳамда ўқув-семинарлар ва тренинглар ташкил этиб келинмоқда. Ушбу ўқув-семинарлар якуни бўйича Бош илмий-методик марказнинг **spv.bimm.uz** электрон платформаси орқали жами 46 604 нафар тингловчи тест синовидан муваффақиятли ўтди (ўртача ўзлаштириш 69,5 фоиз).

Учинчиси, салоҳиятли кадрларни лавозимга тайёрлаш йўналиши. Бугунги кунда ягона кадрлар сиёсатида раҳбар лавозимларини барқарор кадрлар захираси билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда, институционал жиҳатдан такомиллаштирилган маҳалла янги авлод бошқарув кадрларини тайёрлашнинг ҳаётий мактабига айланганини айтиб ўтиш жоиз, деб ҳисоблайман. Маҳалла “қозонида қайнаган” кадрлар эндиликда юқори ва масъулиятли лавозимларга тайинлана бошлади. Бошқача айтганда, “раҳбар бўлиш учун халқнинг ичидан чиқиб келиш керак”, деган тамойил амал қила бошлади.

Ҳозирда “маҳалла еттилиги” кўплаб жонкуяр ва фидойи кадрлар учун яхши “трамплин”, кучли мотивация, ўзига хос ижтимоий лифт вазифасини ўтамоқда. Хусусан, “маҳалла еттилиги” орасидан 1 000 нафар номзод **Салоҳиятли кадрлар резервига саралаб олинди.** Шунингдек, номзодларнинг маълумотлар базасини тўлиқ шакллантириш, уларнинг рейтингини юритиш мақсадида **“zaxira.argos.uz”** рақамли платформа ишга туширилди.

Ўтган даврда меҳнат фаолиятида ижобий натижаларга эришган кадрлар захирасидаги жами 362 нафар (2023 йилда 175 нафар ва 2024 йилда 187 нафар) номзод республика ва вилоят даражасидаги раҳбарлик лавозимлари, хусусан, туман ҳокими ва ҳоким ўринбосари лавозимларига тайинланди. Маҳаллани давлат сиёсатининг муҳим бўғини, ислоҳотлар драйверига айлантириш йўлидаги ишлар Агентлик томонидан тизимли равишда давом эттирилади.

Давлат бошқарувида ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни

Ҳар бир оила фаровонлиги таъминланмоқда

Шарқона одоб-ахлоқни ўзида мужассам этган, халқимиз ҳаётининг яшаш тарзига айланиб улгурган, неча асрлар давомида сақланиб, сайқалланиб келаётган маҳаллалар фаолиятини тубдан яхшилаш, замон билан ҳамнафас бўлишига эришиш мақсадида кейинги етти йил давомида жуда муҳим, эътиборга молик янгиланишлар амалга оширилди.



Махамаджон НИШАНОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Андижон вилояти бошқармаси бошлиғи.

Ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла тизими, фуқароларнинг давлат бошқарувида иштирокини таъминлаш масалалари давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилди. Халқимизнинг орзу интилишларини ўзида мужассам этган Бош Қомусимизда ҳам бу муҳим ўзгариш ва янгиланишлар мустаҳкамлаб қўйилганлиги, албатта, ҳамюртларимизнинг катта ютуғи деб ҳисоблайман. Хусусан, Конституциянинг 127-моддасида маҳаллаларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил ҳал қилиш ваколатининг берилиши маҳалла тизимида тарихий воқеа бўлди.

Таъкидлаш ўринлики, маҳалла бошқарувида аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш орқали маҳаллада жамоатчилик бошқарувини таъминлашга эришиляпти. “Маҳалла еттилиги” жамоатчилик тузилмаси аъзолари томонидан мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳар бир фуқаронинг оила фаровонлигини таъминлаш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ этяпти.

Шунингдек, маҳаллалар фаолиятини молиялаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, зарур бўлган маблағлар билан таъминлаш, Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш ишлари амалга оширилмоқда. Маҳаллаларда “маҳалла бюджети”нинг яратилиши, “маҳалла еттилиги” жамоатчилик тузилмаси аъзолари томонидан фуқароларга тадбиркорлик фаолиятини юритиш, ўзини ўзи банд қилиш, нотурар жой ижара харажатларини қоплаш, чекка қишлоқларда илм-фан, спорт, санъат ва маданият, китобхонлик йўналишларидаги тўгаракларни ташкил этиш, ногиронлиги бўлган ёки бемор фуқароларга зарур бирламчи тиббий анжомлар ва дори воситаларини ижтимоий ходим билан биргаликда харид қилишдек жуда катта



имкониятлар яратилди. Маҳалланинг молиявий имкониятларини ошириш, камбағал оилаларга ажратилаётган бюджет маблағлари ва бошқа маблағларнинг мақсадли ва манзилли йўналтирилишини таъминлаш “маҳалла еттилиги” жамоатчилик тузилмаси аъзоларининг асосий вазифаси бўлмоқда.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси маҳаллаларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, маҳалла масъулларининг малакасини ошириш, уларда замонавий бошқарув кўникмалари шаклланишига кўмаклашиши натижасида долзарб вазифалар ўз ечимини топмоқда. Маҳалла раиси бошчилигида “Обод маҳалла”, “Обод кўча”, “Обод хонадон” мезонларининг жорий этилиши, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишлар сабаб мамлакатимиз янада обод ва кўркам қиёфа касб этиб бормоқда.

Ҳоким ёрдамчиси ўз хизмат вазифасидан келиб чиқиб, доимий даромад манбаига эга бўлмаган ишсиз аҳолини касб-ҳунар ва тадбиркорликка йўналтириш орқали ҳар ойда камида 10 нафар фуқаронинг бандлигини таъминлашга эришяпти. Вилоят бўйича “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилиб, уларнинг ижтимоий ҳолатининг яхшиланишига ва ўз навбатида мазкур рўйхатдан чиқарилишига эришилди. “Ёшлар дафтари”га олинганлар билан манзилли ишлаш, уларга деҳқончилик қилиш учун ер ажратиш, ҳунар ўргатиш, таълим контрактларини тўлаб бериш, битирувчилар рўйхатини шакллантирилиб, уларга амалий ёрдам ва маслаҳатлар берилмоқда.

Профилактика инспекторлари ўз маҳаллаларида “Хавфсиз ҳудуд” тамойили асосида хавфсиз муҳитни таъминлаш, йиғинларни жиноятдан холи ҳудудга айлантириш ишларини амалга оширмоқда. Солиқ инспекторлари маҳалла бюджетини шакллантириш ва унинг сарфланишини “маҳалла еттилиги” аъзолари билан коллегиал ҳолда амалга оширмоқда. Ижтимоий ходим кам таъминланган, муҳтож фуқароларга белгиланган ижтимоий ёрдамларни амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида адолатли тақдим этилишини назоратга олган.

Бир сўз билан айтганда, “маҳалла еттилиги” жамоатчилик тузилмаси мавжуд муаммоларни тезда бартараф қиладиган ноёб тузилмага айланди.

Марказлаштирилмаган давлат бошқаруви

Европада марказий ҳокимиятдан ваколатларни қуйи миллий даражаларга ўтказишнинг ички қарорларга аралашмаслик тамойили Европа маҳаллий ўзини ўзи бошқариш низомида мустаҳкамланган. АҚШда федерал даражадаги марказлаштирилган дастурлар штат ва маҳаллий ҳокимиятларга топширилган.



Роберт БОДО, USAIDнинг маҳаллий бошқарув бўйича “Chemonics” дастури раҳбари.

Жаҳон миқёсида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ташкилотлари хизмат кўрсатиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, бюджетлаштириш, маблағ ажратиш, техник хизмат кўрсатиш ва бошқаришда муҳим роль ўйнамоқда. Шу тарзда, давлат хизматлари фуқароларга самаралироқ хизмат кўрсатиши мумкин.

Ўзбекистонда 2030 йилгача мўлжалланган Миллий стратегияда маҳаллий даражада хизмат кўрсатиш ва бюджетлаштириш жараёнини такомиллаштириш бўйича аниқ мақсадлар белгиланган. Бу жараёнда халққа энг яқин ўзини ўзи бошқариш тизими бўлган маҳалланинг хизмат кўрсатишдаги ролини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон учун унитар марказлашмаган бошқарув энг мақбул модель бўлиши мумкин. Марказсизлаштириш стратегиясини амалга ошириш учун Ўзбекистон ҳукумати марказий давлат бошқаруви доирасида деконцентрацияни амалга оширмоқда, маҳаллий ҳокимият (вилоят, туман, шаҳар) ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига (маҳаллалар) ваколатларни (вазифа, роль ва масъулиятларни) ўтказмоқда ҳамда маҳаллий даражадаги ваколатларни ишончли молиялаштириш механизмини таъминламоқда.

Унитар марказлашмаган ҳукуматнинг кучли маҳаллий бошқаруви қуйидаги уч устунга асосланиши лозим:

а) ваколатлар тақсимоти;

б) маҳаллий ваколатларни тўғри молиялаштиришга кўмаклашадиган янги молиялаштириш тизими;

в) бошқарувнинг барча бўғинларида, шу жумладан, маҳалла даражасида самарадорликни баҳолаш (KPI) асосида малакали кадрлар билан таркибий ўзгаришлар.

Мустаҳкам маҳалла барқарор демократия ва жамиятнинг барча қатламлари вакиллари бўлган фуқаролар учун тенг имкониятларнинг зарурий шартидир.

Давлат бошқаруви тизими нуқтаи назаридан, халқаро тажрибада иккита модель мавжуд:

а) марказий давлат бошқаруви ва ҳудудий маҳаллий ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг мавжудлигини назарда тутадиган давлат вазифаларини бажаришнинг қатъий “алоҳида (икки томонлама) модели”;

б) бутун мамлакат бўйлаб марказий давлат бошқарувининг сезиларли таъсирини қўллаб-қувватлайдиган “бирлашган модель”.

Бирлашган модель билан боғлиқ хавф низоли вазиятларни ҳал қилишда марказий ва маҳаллий ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ўртасидаги ўзаро боғлиқлик юқори бўлгани сабабли каттароқ ҳисобланади. Шунингдек, маҳаллий ҳокимият (вилоят, туман, шаҳар) манфаатлари йўлида қонунни бузишга қаратилган ҳаракатлар ҳам юзага келиши мумкин.

Компетенцияларни марказлаштиришни марказдан маҳаллий даражага ўтказиш афзалроқдир. Ваколатларнинг маҳаллий ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилиши билан маҳаллий вазифаларни бажариш учун зарур бўлган амалдаги марказий давлат мулкини ўтказиш зарур. Давлат бошқарувининг барча бўғинлари (марказий, минтақавий, туман/шаҳар, маҳалла)нинг ваколатларини аниқ белгилаш зарур. Бунинг учун солиқ тизими, молиявий компенсациялар механизми (тенглаштириш) ва бюджет қоидалари (фискал номарказлаштириш)ни ўзгартириш талаб этилади.

Маҳаллий ҳукуматлар (LG) ўзига хос заифликларга эга бўлиб, уларнинг ёрдамсиз ишлаш қобилиятини чеклайди. Улар жуда кичик ва ўз-ўзидан оз миқдорда даромад келтиради. Ушбу чекловларни бартараф этиш учун кадрлар салоҳиятини ошириш, янги амалиётларни мослаштириш, ташкилий жараёнларни ўзгартириш ва ҳукуматнинг бошқа даражалари билан кучли алоқа каналларини ишлаб чиқиш ва фуқароларни жалб қилиш талаб этилади.

Адлия вазирлиги (Адлия вазирлиги) ва Адолат маркази билан ҳамкорликда USAIDнинг Ўзбекистондаги LGA бир нечта муҳим ташаббусларни амалга оширди:

• Давлат функцияларини номарказлаштириш соҳасидаги тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни комплекс инвентаризациядан ўтказди.

• МДҲ ва Европа мамлакатлари тажрибасига алоҳида эътибор қаратган ҳолда илғор хорижий тажрибаларни ўрганган.

• Республика ижро этувчи ҳокимият органлари марказий аппаратининг вазифа ва функцияларини ҳудудий бўлинмаларга (вилоят ва туманларга) самарали ўтказиш услубиёти ва тавсиялари ишлаб чиқилган.

• Ҳокимлар ва халқ депутатлари Кенгашлари томонидан қарорлар қабул қилишнинг ягона услубияти тайёрланди.

• Навоий ва Жиззах вилоятлари бўйича тажриба-синов ҳудудларида республика ижро этувчи ҳокимият марказий аппаратининг вазифа ва функцияларини ҳудудий бўлинмаларга (вилоят ва туманларга) самарали ўтказиш услубияти ва тавсиялари бўйича давра суҳбатлари ташкил этилди.


Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси ва Халқаро бюджет ҳамкорлигининг очиқ бюджет тадқиқоти тамойилларига мувофиқ, USAID LGA Навоий ва Жиззах вилоятларидаги маҳаллалар (маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари) билан ишлайди ва бюджетлаштириш жараёнида фуқаролар ва давлат органлари ўртасида “боғловчи кўприк” бўлиб хизмат қилиш учун салоҳиятини оширади. Шунингдек, туман даражасидаги маҳаллий ҳокимият органлари, маҳаллий фуқаролик жамияти, маҳаллий оммавий ахборот воситалари ва бошқа маҳаллий манфаатдор томонлар билан ишлайди. **Фаолият ўз мақсадларига эришиш учун иккита асосий натижага эътибор қаратади:**

1) “Ташаббусли бюджет” амалиётини такомиллаштириш ва маҳалла даражасида кенгайтириш, бунда фуқаролар молиялаштиришнинг устувор йўналишларида ўз фикрига эга.

2) Фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари, маҳаллий бизнес ва оммавий ахборот воситалари иштирокида туманлар ва тажриба-синов маҳаллаларида “Бюджетни тинглаш” механизмларини амалиётга жорий этиш ва такомиллаштириш.



Маҳалла – жамиятнинг асосий бирлиги



Аҳоли турар жойлари ёки бизнинг тилимизда маҳалла жамиятнинг асосий бирлиги ҳисобланади. Улар туман ва шаҳарларимизнинг ҳам маданий, ҳам жисмоний асосини ташкил этади. Бу бизга қимматли бир ҳақиқатни англатади: маҳаллий аҳолининг ҳаёти маҳалла орқали ўтади. Бошқа сўз билан айтганда, маҳаллий аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун пастдан юқорига ёндашувни ҳисобга олиш керак.



Жанер САЛИҲ, Туркиянинг Самарқанд шаҳридаги Бош консули.

Сўнгги ўн йил ичида биз технологияда учта муҳим ўзгаришларнинг гувоҳи бўлдик. Булар:

– ақлли иловалар;

– массив маълумотлар;

– янада кучлироқ дастурлаш.

Технологик инновациялар компаниялар, ҳукуматлар ва одамларга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳукуматлар ўз фуқароларига яхшироқ хизматлар кўрсатиш учун ўзларини ушбу ўзгаришларга мослаштиришлари керак. Бизнинг ҳолатимизда маҳаллаларнинг турмуш даражасини ошириш учун рақамли технологиялардан фойдаланишни кўриб чиқишимиз мумкин. Шу боис **Туркиядаги тажрибамиз ҳақида баъзи маълумотларни ўртоқлашмоқчиман.**

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Электрон-Ҳукумат Ривожланиш Индекси (EGDI)нинг 2024 йил ҳисоботига кўра, Туркия 27-ўринни эгаллади. Маълумки, Электрон-Ҳукумат Ривожланиш Индекси мамлакатларнинг онлайн хизматлари, телекоммуникация алоқаси ва инсон салоҳиятининг умумий ўлчовидир.

Туркияда давлат рақамли хизматлари e-Devlet Türkiye (электрон ҳукумат), деб номланган ягона интернет порталида тақдим этилади. Жорий йил август ойининг якуний ҳолатига кўра, ушбу порталда 66,2 миллион фойдаланувчи рўйхатдан ўтган. 1 062 та давлат муассасасининг 8 360 та рақамли хизматлари мавжуд. Ҳар йили давлат органлари қўшилиб, хизматлар сони ошиб бормоқда.

Туркиянинг электрон ҳукумат порталида 501 та шаҳар ва тумандаги жамоат транспортидан тортиб, коммунал хизматлару тўловларгача бўлган электрон хизматлар мавжуд. Бундан ташқари, рақамли технологиялар транспорт, соғлиқни сақлаш ва транспортни бошқариш каби давлат хизматларида қўлланилмоқда. Мисол учун, катта шаҳарларда рақамли трафик тахталари ҳайдовчиларни янгиланган трафик оқими ҳақида хабардор қилади. Мобил жамоат транспорти иловалари йўловчиларни автобусларнинг ҳақиқий жойлашуви тўғрисида хабардор қилиш ва чипта сотиб олишни таъминлаш учун ишлатилади.

Шунингдек, маҳаллий ҳукуматлар электр энергияси билан ишлайдиган жамоат транспорти воситалари, шамол ва қуёш электр станциялари каби яшил технологияларга сармоя киритмоқда. 2024 йил бошида Туркиядаги барча электр ишлаб чиқариш объектларининг қайта тикланувчи энергия манбалари улуши 50 фоиздан ошди. 2023 йилда Туркия марказий бошқаруви бюджетининг 1,38 фоизи илмий-тадқиқот ва ишланмаларга ажратилди. Бу 3 миллиард долларни ташкил этади. Смартфонлар, бошқа ақлли қурилмалар ва сунъий интеллектга эга иловалар интеграцияси марказий ва маҳаллий ҳукуматлар учун янги имкониятлар яратади.

Умуман олганда, маҳаллий аҳолининг кундалик хизматлардан фойдаланишини осонлаштириш орқали Туркия маҳаллий аҳоли турмушини яхшилади. Бу икки нарса туфайли юз берди: кучли сиёсий ирода ва рақамлаштиришни оқилона ва эҳтиёткорлик билан амалга ошириш.

Ўзбекистонда технологиялардан фойдаланиш бўйича ўсиш тенденцияси давом этмоқда. Ўзбекистон раҳбарияти рақамлаштиришнинг афзалликлари ва хавф-хатарларини яхши билади ва биз уларнинг қардош Ўзбек халқи фаровонлигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаймиз.

Туркия миллий фаровонликни юксалтириш учун маҳаллий аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича ўзининг катта тажрибасини баҳам кўришга тайёр.

Ўзини ўзи бошқариш органларида хотин-қизлар, ёшлар ва болалар манфаатларининг таъминланиши

Ёшлар муаммоларини ҳал этишда янгича усул ва ёндашув

Ўзини-ўзи бошқариш органларида хотин-қизлар, ёшлар ва болаларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш мақсадида ўтган қисқа даврда 100 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, уларга турли соҳаларга оид 200 дан ортиқ имтиёз ва имкониятлар берилаётгани буни яққол тасдиқлайди.



Абдулазиз МЎМИНОВ, Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосари.

Шу нуқтаи назаридан мазкур йўналишдаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми ўлароқ 2022 йил 19 январдаги Президент қарори асосида маҳаллаларда ёшлар етакчиси лавозими жорий этилиб, ёшлар билан ишлашнинг вертикал бошқарув механизмлари ва уларнинг муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш тизими яратилди.

Маҳаллаларда яратилган етакчилар тизими орқали кўплаб ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларимизга “Ёшлар дафтари” орқали 110 минг талабаларнинг 332 миллиард сўм контракт тўловлари давлат томонидан тўлаб берилди.

Охирги тўрт йилда маҳаллаларда 600 минг ёшнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 13 триллион 534 миллиард сўм имтиёзли кредитлар йўналтирилди. Натижада ёш тадбиркорлар сони 7 бараварга ошиб, 734 мингга етди. Бу ҳам аҳоли, айниқса, ёшларнинг бандлигини таъминлашда муҳим ўзгаришлардандир.

Шунингдек, ёшларга “маҳалла еттилиги”нинг тавсияси билан 60 минг гектар ер майдонини деҳқон хўжаликларини ташкил этиш учун 30 йил муддатгача, ижара нархини эса имтиёзли равишда 10 йил муддатга тенг улушларда фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш имкони яратилди.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган ишларимиз ҳам минглаб иқтидор эгалари бўлган ёшларни кашф қилишга замин яратди. Бу борада, “Беш ташаббус олимпиадаси” маҳалла, таълим муассасаси, корхона ва ташкилотлардаги 8 миллиондан зиёд ўғил-қизларни бирлаштирадиган оммавий ҳаракатга айланди.

Ўтган қисқа давр ичида етакчи тавсияси билан “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш учун қарийб 1,5 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Натижада 1 миллион 200 минг ўғил-қиз ҳаётда ўз ўрнини топиб, турли соҳаларда фаолият юритишмоқда.

Бир сўз билан айтганда, барча давлат органларининг маҳаллагача халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш тизими яратилганлиги — асосий эътибор ислоҳотларни маҳаллагача етказиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларнинг ўзида ҳал этишни мақсад қилган.



Аёл ўз муаммолари билан ёлғиз қолмайди



Ҳозирги вақтда оила ва аёллар муаммоларини ҳал этишга кўмаклашадиган 9 452 нафар хотин-қизлар фаоли давлат хизматчиси сифатида фуқаролик жамиятининг энг ёрқин тимсоли бўлган – маҳаллалардаги “еттилик” таркибида фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар турли тоифадаги оилалар ва аёлларга маҳалланинг ўзида 6 та йўналишда тезкор комплекс хизмат кўрсатиш билан шуғулланмоқда.

Маҳалла хотин-қизлар фаоллари оила ва аёллар билан доимий мулоқот олиб бориш, уларни қийнаётган муаммоларни аниқлаш ва ўз вақтида ҳал этиш, фарзандларимиз, айниқса, қизларимизни миллий қадриятлар ва умуминсоний ғоялар асосида тарбиялашни тарғиб этиш бўйича яратилган тизимнинг ўзагига, еттиликнинг ажралмас қисмига айланмоқда.

Ўзини ўзи бошқариш органларида ишлаётган хотин-қизлар фаоллари жамиятда янги маънавий макон яратиш, оилаларни мустаҳкамлаш борасида “Оқила аёллар” ҳаракати аъзолари, диний билимлар моҳиятини тўғри англай олган отиной илар, маслаҳатгўй



Озода ПАРПИБАЕВА, Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси.

нуронийлар ҳамда фаол жамоатчилик вакилларини маҳалла атрофига жамлаб, уларнинг тажрибасидан унумли фойдаланиб келмоқда.

Амалий ишлар натижасида 2024 йилнинг 8 ойи давомида республикада “хонадонбай” ишлаш орқали жами 479 685 та муаммо аниқланиб, шундан 458 271 таси ҳал этилган.

2020 йилдан бошлаб давлатимиз раҳбарининг оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш, уларни “Аёллар дафтари” орқали манзилли қўллаб-қувватлаш борасидаги ташаббуси илгари сурилди ва эҳтиёжманд оила ва аёл муаммосини ечиш борасида натижаларга эришила бошланди.

2021-2024 йилларда “Аёллар дафтари” билан ишлаш тизими орқали 3 154 941 нафар хотин-қизларга амалий ёрдам кўрсатилди. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш учун жами 5 трлн. 601 млрд. сўмга яқин маблағ сарфланди.

Оилаларнинг, хотин-қизларнинг муаммоларини индивидуал ўрганиб, масала ечимига комплекс ёндашув усулини қўллаш орқали босқичма-босқич амалга оширилаётган ижтимоий хизматлар ҳаётда оғир шароитга тушиб қолган аҳоли қатламини эҳтиёжмандликдан олиб чиқиш, Президентимиз таъкидлаганларидек, “аёлни ўз муаммолари билан ёлғиз қолдирмаслик”ка хизмат қилмоқда.

Сиёсий фаол аёллар кўпайса, жамият равнақ топади



Салия АКУЛОВА, Марказий Осиё маҳаллий бошқарув академиясининг менежери. Менежмент йўналишида магистр, махсуслашуви «Некоммерзия ташкилотларида бошқарув».

Сўнгги 20 йил ичида Қирғизистон Республикасида маҳаллий кенгашлардаги аёл депутатлар сонининг камайиши билан боғлиқ тенденция юзага келди. Жамият ҳаётида бунинг салбий таъсири яққол кўрина бошлади. Шу боис гендер тенглигини таъминлаш масаласини ҳал этиш зарурати туғилди. 2019 йилда Қирғизистон Республикасининг «Маҳаллий кенгаш депутатларини сайлаш тўғрисида»ги қонуни билан кенгаш депутатлиги учун 30 фоиз ўринлар аёллар учун ажратиладиган бўлди. Натижада, 2021 йилда Қирғизистоннинг маҳаллий кенгашларидаги аёл депутатлар сони тўрт баравар ошди ва тахминан 3 300 нафарни ташкил этди.

2022 йил июль ойида аёллар депутатлари маҳаллий кенгаши Клуби ташкил этилди. Унинг мақсади аёл депутатларнинг, депутатликка номзод хотин-қизларнинг ва маҳаллий жамоат фаолларининг сиёсий ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятини кучайтириш, профессионал ва шахсий кўникмаларини ривожлантиришдан иборат эди. Бугунги кунга келиб, Клуб Қирғизистоннинг барча минтақаларидан тахминан 2 000 нафар аёл депутатни бирлаштириб, уларнинг салоҳиятини ошириш, билимини бойитиш, тажриба алмашиш ва бир-бирини қўллаб-қувватлашига ёрдам бермоқда.

2024 йилдан бошлаб Клуб аёл депутатларни туман даражасида бирлаштириш устида ишламоқда. Бугунги кунда 23 та туман клуби фаолият юритаётган бўлиб, ҳар бири ўртача 50 дан 150 нафаргача аёл депутатни бирлаштиради. Улар учун ташкил этилаётган норасмий учрашув ва муҳокамалар сиёсий бирлик ва мотивация ҳисини кучайтиради.

Қирғизистондаги Клубнинг муваффақиятли фаолиятини ҳисобга олган ҳолда, бу тажрибани Марказий Осиёнинг бошқа давлатларида ҳам тадбиқ қилиш мақсадга мувофиқдир. Ҳатто аёл сиёсатчилари учун минтақавий Марказий Осиё клубини ташкил этиш мумкин. Тажриба алмашиш, горизонтал ижтимоий бирлашув ва аёл лидерлигини ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш бўйича умумий сиёсат минтақавий интеграция учун қулай муҳит яратади. Шунинг учун, минтақавий аёл-депутатлар клуби аёлларнинг ривожланишга қўшган ҳиссасини оширишда муҳим роль ўйнаши мумкин.

Клуб аёл депутат гуруҳлари ўртасида умумий манфаатларга эга бўлган масалаларни муҳокама қилиш ва ечим топишда коммуникация ва мулоқотни рағбатлантиришга ёрдам беради.

Қолаверса, аъзолар барча учун муҳим бўлган тадқиқот ёки тарғибот ишларида иштирок этиши мумкин. Айниқса, маълум қонуний ҳужжатларни ишлаб чиқиш ёки уларга ўзгартиришлар киритиш билан шуғулланаётган аёл-депутатларга ёрдам беради.

Болаларни ҳимоя қилишда оила — маҳалла — жамият ҳамкорлиги муҳим



Луэдеки Антониа, UNICEF Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакили.

Болаларни ҳимоя қилишда оилаларни қўллаб-қувватлаш, миллий сиёсатни такомиллаштириш ва глобал муаммоларни ҳал қилиш кабиларга эътиборни қаратиш керак. Зеро, бу тизим тўғридан-тўғри ғамхўрлик қилувчилардан тортиб, ижтимоий институтлар ва давлат сиёсатигача бўлган барча даражадаги ҳамкорлик ва мувофиқлаштиришни талаб этади.

Шу билан бирга, маҳаллаларга болаларни ҳимоя қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларга раҳбарлик қилиш имкониятини бериш аҳолининг маҳаллий эҳтиёжларига мос равишда чора-тадбирлар ташкил этиш имконини беради. Бу эса самарали ва тезроқ хизмат кўрсатиш дегани.

Ҳамжамият томонидан бошқариладиган самарали ёндашувлар ҳар бир аъзонинг, хусусан, хавф остида бўлган болалар ва оилаларнинг овози борлигини таъминлайди. Болаларни бевосита жалб қилиш уларга ваколат беради ва уларнинг ташвишлари тушунилишини таъминлайди.

Маҳаллалар томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар бўйича бир нечта тавсияларни тақдим этиш мумкин. Хусусан, маҳалла зўравонлик, суиистъемолликка ёки қаровсизликнинг дастлабки белгиларини аниқлаш учун жамиятдаги заиф оилалар ва болаларни мунтазам равишда кузатиб бориши мумкин.

Оилалар, ғамхўрлик кўрсатувчилар ва жамият аъзоларини бола ҳуқуқлари, зўравонлик хавфи ва мавжуд ҳимоя хизматлари ҳақида маълумот бериш учун мунтазам равишда семинарлар ўтказиш хабардорликни янада оширади. Бундан ташқари, болаларга уларнинг ҳуқуқлари, хавфсизлиги ва ёрдам сўраш ҳақида маълумот берувчи материалларни тарқатиш мумкин.

Ижобий, зўравонликсиз тартиб-интизомни тарғиб қилиш ва оила динамикасини яхшилаш учун ота-оналар учун дарслар ва маслаҳат хизматларини тақдим этиш керак. Зўравонлик ёки эътиборсизликка айланиб кетиши мумкин бўлган низоларни ҳал қилиш учун оилавий воситачилик хизматларини кўрсатиш ҳам яхши самара беради.

Маҳалла хавф остида бўлган болаларни аниқлаш ва уларни “Инсон” марказининг болаларни ҳимоя қилиш бўйича мутахассислари, тиббиёт ходимлари ёки юридик ёрдам каби ихтисослаштирилган хизматларга йўналтиришда воситачи бўлиши зарур.

Умуман олганда, болаларни ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг таъминланиши жамиятнинг бугунги ва эртанги кунини белгиловчи муҳим масала саналади. Шундай экан, бу оила-маҳалла-жамият ҳамкорлигини талаб қилади. Тизимни тўғри йўлга қўйиш билан кўплаб муаммоларга ечим топса бўлади.



Ўзини ўзи бошқариш органларида хотин-қизлар, ёшлар ва болалар манфаатларининг таъминланиши



Грузияда гендер тенглик сиёсати қандай амалга оширилади?



Екатерина СХИЛАДЗЕ, БМТ Аҳоли фондининг (UNFPA) Грузиядаги миллий консультанти.

Грузияда маҳаллий ҳокимият органлари гендер тенглигини асосий механизмларини яратган. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш кодексига кўра, шаҳар кенгашлари гендер тенглигини тарғиб қилиш ва бу билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш ваколатига эга бўлган шаҳар Гендер тенглиги кенгашларини тузиши шарт.

Бундан ташқари, ҳар бир шаҳар ҳокими гендер тенглиги масалаларини назорат қилиш учун масъул шахсни тайинлайди. Бу гендер билан боғлиқ масалалар ҳал этилиши ва маҳаллий бошқарув стратегияларига киритилишини таъминлайди.

Шаҳар Гендер тенглиги кенгашлари гендер тенглигини таъминлаш бўйича ҳаракатлар режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун ҳамкорлик қилади. Бу режалар шаҳар ҳокимликлари бўйича фарқланади. Баъзилари икки йиллик, бошқалари уч йиллик режаларни қабул қилади. Улар ички сиёсатни такомиллаштириш, хизматларни баҳолаш, турли гуруҳлар, жумладан болалар ва ўқитувчилар учун хабардорлик гуруҳларини ташкил этиш каби асосий йўналишларга қаратилган. Бироқ, барча жамиятлар ҳам ушбу ҳаракатлар режасини молиялаштирмагани боис кўпинча лойиҳалар қоғозда қолиб кетади.

Энди ушбу кенгашларнинг тузилиши ва вазифалари ҳақида тўхталиб ўтсак. Ҳар бир Гендер тенглиги кенгаши маҳаллий ҳокимият, фуқаролик жамияти вакиллари ва жамият аъзоларидан ташкил топган. Бу хилма-хиллик қарор қабул қилиш жараёнларида турли нуқтаи назарлар инобатга олинишини таъминлайди. Кенгашлар сиёсатни ишлаб чиқиш, ҳаракатлар режалари бажарилишини назорат қилиш, хабардорликни ошириш ва маҳаллий ҳокимят органларида гендер масалалари бўйича маслаҳат бериш учун масъулдир. Ушбу саъй-ҳаракатлар қуйи даражада гендер тенглигини тарғиб қилувчи инклюзив жамиятларни шакллантиришга қаратилган.

Шаҳар ҳокимликлари томонидан ишлаб чиқилган гендер тенглик бўйича ҳаракатлар режалари қуйидаги муҳим йўналишларни қамраб олади:

- ички сиёсатни такомиллаштириш;
- хизматлар ва дастурларнинг гендер сезгирлигини таъминлаш мақсадида баҳолаш;
- хабардорликни ошириш гуруҳлари кўпинча болалар, ўқитувчилар ва кенг жамоатчиликка қаратилган.

Ушбу саъй-ҳаракатларга қарамай, ҳали ҳам бир қатор муаммолар мавжуд. Хусусан, гендер тенглиги кенгашларида баъзи гуруҳлар, масалан, ногиронлиги бўлган аёлларга етарли даражада вакиллик қилинмайди. Кўпгина режалар оиладаги зўравонликка эътибор қаратса-да, улар зарарли амалиётлар ҳамда жинсий ва репродуктив саломатлик ва ҳуқуқлар масалаларини тўлиқ қамраб олмайди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, маҳаллий даражада гендер тенглигига эришиш қатъий саъй-ҳаракатлар, ҳамкорлик ва ресурсларни талаб қилади. Биргаликда янада инклюзив ва адолатли жамиятлар сари ишлашни давом эттирайлик!

Завқланади ва ҳаётий кўникмаларга эга бўлади

Болалар ташкилотлари ҳаётимизда тенгсиз аҳамият касб этади. Улар ҳар бир бола ўз истеъдодини кашф этиши, ижтимоий кўникмаларини ривожлантириши ва дўстлар орттириши мумкин бўлган ноёб платформа бўлиб хизмат қилади. Бундай ташкилотларда болалар жамоада ишлашни, бошқаларнинг фикрини ҳурмат қилишни, жамият ҳаётида фаол иштирок этишни ўрганади.



Ҳасанбой НАБИЕВ, Ўзбекистон болалар ташкилоти Бошқарув Кенгаши раиси.

Мазкур ташкилотларининг асосий вазифаларидан бири, бу — ҳар бир бола ўзини муҳим ва қадрли ҳис қиладиган хавфсиз ва қўллаб-қувватловчи макон яратишдир. Ўйинлар, танловлар ва ижодий лойиҳалар орқали улар нафақат завқланишади, балки келажак учун ҳаётий кўникмаларга ҳам эга бўлади. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш компаниялари, кўнгиллилар фаолияти ва ижтимоий лойиҳаларда иштирок этади. Бу уларга жамиятга қўшган ҳиссаси муҳимлигини тушунишга ёрдам беради. Шунингдек, болалар турли урф-одат ва анъаналар билан танишиши мумкин. Шу орқали бошқа маданиятларга ҳурмат шаклланади ва дунёқараш кенгаяди.

Юртимизда болалар ташкилоти тизими бўйича етарли тажриба мактаби мавжуд. Бугунги кунда бу соҳада чексиз шароит ва имкониятлар яратилган.

2024 йил 16 апрель куни ташкил этилган Ўзбекистон болалар ташкилотининг асосий мақсади — болаларни ватанга муҳаббат, интеллектуал, ижодий, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук шахс қилиб тарбиялашдан иборат. Қолаверса, тузилма уларнинг таълим ва дам олишига бўлган ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ота-она, оила ва атрофдагиларга ҳурмат руҳида вояга етказишни ҳам ўз олдидаги муҳим вазифа, деб ҳисоблайди.

Глобаллашув жараёни ва дунёда кечаётган кескин ғоявий ва мафкуравий курашлар ёшларни умуминсоний қадриятлар, юксак маънавият, ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига мустақиллик ғояларини янада чуқур сингдириш ҳамда ёт ғояларга қарши иммунитетини шакллантиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон болалар ташкилоти 10 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар билан ишлайди. Сардорликнинг энг қуйи бўғини — умумтаълим муассасаси ҳисобланади. Қолаверса, кейинги босқичларда туман-шаҳар, ҳудудий ҳамда республика сардорлари фаолият олиб боради.

2024 йил 19-23 май кунлари Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги “Ёшлар” оромгоҳида ташкил этилган 1-Республика болалар форумида таълим, маданият, лидерлик, экология, медиа, жамоани шакллантириш ва сардорлик кўникмаларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасида суҳбатлар ташкил этилди. Унда республиканинг барча ҳудудларидаги 337 312 нафар сардорлардан сараланган 350 нафар иштирокчи қатнашди. Тақдим этилган “Энг яхши лойиҳалар” саралаб олинди, шунингдек, маҳоратли тренерлар томонидан 10 дан ортиқ ўқув-семинарлар ташкил этилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, болалар ташкилоти келажак эгаларининг ижтимоий ривожланиши, истеъдоди ва ташаббусларини қўллаб-қувватловчи тизимдир. Турли тўгараклар ва лойиҳалар бадиий, спорт, техник ва бошқа жиҳатларни ривожлантириш учун имкон яратади.



“Оталар куни” ижтимоий-сиёсий воқеликка айлансин!

“Инсон қадри, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари – олий қадрият”, деган тамойилдан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз аҳолиси учун муносиб турмуш шароитини яратиш Янги Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган. Бу борада, аввалambor, хотин-қизлар, ёшлар ва болаларга эътибор ҳамда амалий ғамхўрлик кўрсатиш, уларни жисмоний ва маънавий баркамол этиб тарбиялашга алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз.



ҒОФИР АЛИЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг Навоий вилояти бошқармаси бошлиғи.

Биргина Навоий вилоятида “Аёллар дафтари” тизими асосида олиб борилган ишлар натижасида, жорий йилнинг 8 ойи давомида 30 086 нафар хотин-қизнинг 22 740 нафарига белгиланган тартибда ижтимоий-иқтисодий ёрдамлар кўрсатилди ва уларнинг муаммолари ҳал этилди. Хусусан, биринчи тоифадаги 3 778 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди, жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизларнинг муаммолари ҳал этилди.

Ўзини ўзи бошқариш органларида болалар ва ёшлар манфаатларини таъминлаш масаласи ҳам доимий эътибор марказида бўлиб келаётганини мамнуният билан таъкидлаш лозим. Навоий вилоятидаги барча маҳаллалар ҳудудларида 1 245 та уй боғчалари, давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Вилоятда мактабгача таълим қамрови 86 фоизга етди. Навоий ва Зарафшон шаҳарларида қамров 100 фоиздан ошди. Бундан етти йил аввал улар сони атиги 132 та бўлиб, қамров даражаси 34,1 фоизни ташкил этарди. Албатта, бу рақамлар ортида минглаб болажонларнинг таълим-тарбия олиш ҳуқуқи таъминланаётгани барчамизга қувонч бағишлайди.

Ҳали болалар, ёшлар ва хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларимиз жуда кўп. Шу боис ҳам биз ўз олдимизда устувор вазифаларни белгилаб олганмиз ва бир қатор таклифларни билдирамиз.

Бугунги кунда маҳаллаларда ёшлар ва хотин-қизларнинг манфаатларини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва бошқа йўналишларда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан етарлича фаолият олиб бормаяпмиз. Айниқса, қизларимизни ҳаётга тайёрлаш, касбга ўқитиш каби муҳим масалаларда биз нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтиришимиз лозим.

Шунингдек, ёшларга оила ва никоҳнинг муқаддаслигини англатиш, хорижда яшаётган, ишлаётган, таҳсил олаётган фарзандларимиз билан узвий алоқа ўрнатиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга муҳим масала сифатида ёндашиш зарур. Ёшларни “оммавий маданият” кўринишидаги медиа маҳсулотлар зараридан асраш бўйича ота-оналар ва ўқувчилар учун алоҳида қўлланмалар яратиш бўйича давлат дастурларини такомиллаштириш керак.

Қолаверса, оиладаги миллий анъаналар, ахлоқий қадриятлар ва ҳуқуқий мезонларни такомиллаштириш, оила шаъни ва шавкати ҳимоячиси – эркакларнинг оиладан, бола тарбиясидан узоқлашишининг олдини олиш, “Оталар куни” – ижтимоий-сиёсий кун сифатида байрам қилинишини таъминлаш, эрта никоҳнинг олдини олиш, ота-онанинг фарзанд тарбиясидаги ролини ҳамда уларнинг болалар хавфсизлигини таъминлашга масъуллигини ошириш лозим.

Ҳар бир туманда спорт заллари қурилади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ёшларнинг таълим-тарбиясини яхшилаш ва хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган бешта ташаббусни жорий этиш бўйича топшириқ берди. Бу йўналишдаги дастлабки вазифалар белгилаб берилган эди. Улар асосида ҳар бир йўналиш бўйича дастурлар лойиҳалари тайёрланди.





Хайрулла САТТОРОВ, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси.

Биринчи ташаббус доирасида ёшларни маданият ва санъатга кенг жалб этиш бўйича лойиҳа тайёрланган бўлиб, унда 14-30 ёшдаги 2 миллион нафар ёшларни бу соҳаларга жалб қилиш мақсадида ҳудудий йўл хариталари тасдиқланиши кўзда тутилган. Маданият марказларида қўшимча синфлар ва тўгараклар ташкил этиш, шунингдек, янги маданият марказларини қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш режаси ҳам шакллантирилган.

Иккинчи ташаббус бўйича ёшларни спортга жалб этиш ва спорт иншоотларининг қувватини ошириш дастури тайёрланди. Унда яқин икки йил ичида ҳар бир туманда кичик спорт заллари қурилиши белгиланган. Президент спорт иншоотларига кўпроқ ёшларни жалб қилиш ва оммавий спорт тадбирларини кўпайтириш лозимлигини таъкидлади.

Учинчи ташаббус — аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни тарғиб қилишга қаратилган. Охирги йилларда рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилиши ва 19 мингга яқин ижтимоий соҳа объектини юқори тезликдаги интернет билан таъминлаш кўзда тутилган. Зеро, компьютер саводхонлигини ошириш ва ахборот технологияларига қизиққан ёшларни малакали мутахассис даражасига етказиш давр талабига айланмоқда.

Тўртинчи ташаббус ёшлар маънавиятини юксалтириш ва китобхонликни тарғиб қилишга қаратилган. Ҳар бир ҳудудга 1 миллионта китоб етказиб бериш, кутубхоналарни реконструкция қилиш ва тадбиркорлар томонидан янги кутубхоналар очиш режалаштирилган.

Бешинчи ташаббус хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш дастурини ўз ичига олади. Ҳар бир туманда тикув-трикотаж корхоналари ташкил этилиши ва аёлларни иш билан таъминлаш кўзда тутилган.

Бу саъй-ҳаракатларнинг натижалари аниқ кўрсаткичларда яққол намоён бўлмоқда. Хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка ўқитишга ҳам катта эътибор қаратиляпти. Натижада, 252 мингдан зиёд аёл касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилди, 623 мингдан ортиқ хотин-қизнинг бандлиги таъминланди, 193 мингдан зиёд аёлга 3,9 триллион сўм кредит ажратилди.

Бошқа давлатларга кетган 121 700 нафар хотин-қиз ва уларнинг 25 900 нафар вояга етмаган фарзандлари ҳақида аниқ рўйхатлар шакллантирилди. 6 096 болага васийлик ва ҳомийлик белгиланди, 11 683 бола назоратсиз қолишининг олди олинди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоялаш учун институционал ва ҳуқуқий асослар жиддий равишда такомиллаштирилмоқда. “Гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш” устувор мақсад сифатида белгиланган ва бунга эришиш учун қонунчилик халқаро стандартлар асосида янада ривожлантирилиши талаб қилинмоқда.

Ўзини ўзи бошқариш органларида замонавий технологиялар жорий этиш, илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва малака ошириш тизимини такомиллаштириш

Маҳалла ишида илмий ёндашув зарур

Сўнгги йилларда маҳаллани ривожлантириш борасида қатор амалий ишлар бажарилди. Жумладан, соҳани рақамлаштириш, ўзини ўзи бошқариш органларида замонавий технологияларни жорий этиш ва малака ошириш тизимини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.



Хуршид ОЧИЛОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси тизими ходимларининг малакасини ошириш ва маҳаллаларни методик таъминлаш ўқув-услубий маркази директори.

Ҳар битта фуқаролар йиғини биноси оптик толали интернет тармоғига уланган. Ходимлар замонавий планшет ва ноутбук билан таъминланган. Маҳалладан туриб барча давлат идораларига мурожаат қилиш тизими йўлга қўйилган. Давлат ва ижтимоий хизматларни бевосита шу ердан кўрсатиш имконияти яратилган.


2023 йилда “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори асосида биргаликда ишлайдиган “маҳалла еттилиги” фаолияти йўлга қўйилди. Амалдаги учта платформа — “Онлайн маҳалла”, “Хотин-қизлар”, “Ёшлар портали” ўзаро интеграция қилиниб, “Рақамли маҳалла” ягона электрон платформаси ишга туширилди.

Табиийки, бу ўзгаришлар тизимдаги кадрлар малакаси, билим ва кўникмасини ошириш эҳтиёжини пайдо қилди. Чунки белгиланган вазифаларни тўлақонли бажариш, аввало, етук мутахассислар салоҳиятига боғлиқ. Шу сабабли “Маҳалла еттилиги” ходимларининг малакасини ошириш мақсадида Уюшмада малака ошириш ва маҳаллаларни методик таъминлаш ўқув-услубий маркази ташкил этилди.

Ўтган қисқа вақт ичида ҳокимликлар ҳузуридаги маҳалла ходимларининг малакасини ошириш бўйича 14 та ўқув курси раҳбарлари учун ўқув-семинар ўтказилди. Уюшманинг 208 та туман (шаҳар) бўлим бошлиқлари учун Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида 3 кунлик ўқув-семинар ташкил этилди. Бундан ташқари, “Маҳалла сервис компаниялари” раҳбарлари учун ўқувлар ўтказилди.

Шунингдек, 2024 йилга мўлжалланган ўқув дастури ҳамда онлайн платформа ишлаб чиқилди. Бугунги кунга қадар барча маҳалла раислари мана шу ўқув дастур асосида ўқитилди. Ҳудудларда юзма-юз учрашувлар, давра суҳбатлари, тарғибот тадбирлари бўлиб ўтди.

Ўзини ўзи бошқариш органларининг илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш масаласи ҳам долзарб вазифа ҳисобланади. Чунки соҳадаги ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлашда илмий ёндашув зарур. Бунинг учун етук олимлар, халқаро экспертлар, малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда илмий-тадқиқотлар олиб бориш лозим.



Қатъий тамойиллар зўравонликка барҳам беради



Маҳаллалар ва ўзини ўзи бошқариш органлари жамиятда ҳамжиҳатлик ва барқарорлик асоси бўлиб, зўравонлик, экстремизмнинг олдини олишда муҳим бўғин ҳисобланади.



Жозеф ГАЙТ, CVE Insights ташкилоти директори, Буюк Британия (UNDP эксперти).

Аҳолига алоҳида ижтимоий ва маданий контекстга мослаштирилган восита ва далилларга асосланган ёндашув билан имконият берсак, уларнинг радикаллашувининг олди олинади. Бу хулосага узоқ йиллик тадқиқотим орқали келганман.

Тадқиқот шуни кўрсатдики, яхши амалиётларни улашиш бўйича адабиёт кўп, аммо жуда оз қисми жиддий далилларга таянган. Агар ҳақиқатан аҳолининг жасорат ва матонатини кучайтирмоқчи бўлсак, аниқ, бирламчи ва аралаш усуллар тадқиқотлари орқали кучли далилларни топа олишимиз керак. Бу реал дунёдаги интеграцияларнинг мураккаблигини қамраб олади ҳамда жамоатчилик даражасида таъсирини исботлайди.

Яхши янгилик шундаки, бизда бўшлиқларни бартараф этиш учун кучли модель мавжуд: бу — инсон хулқ-атвор фанлари. Бу фан нафақат принципларни тақдим этади, балки назарияларни синовдан ўтказиш, аслида нима ишлаётганини исботлаш усулини таклиф этади.

Хулқ-атворга оид тушунчалар одамларнинг хатти-ҳаракати ва қарорини тушуниш учун психология, ижтимоий фанлар ва иқтисодиётга асосланади. Нафақат тахминларга, балки ҳақиқий хатти-ҳаракатга эътибор қаратиш орқали анъанавийликдан четга чиқади. Бу амалиётни синовдан ўтказиш ва такомиллаштириш учун илмий усуллардан — масалан, тасодифий назорат синовларидан фойдаланилса, стратегиянинг нафақат инновацион, балки самарали бўлиши таъминланади.

Нима учун бу жамоалар ва маҳаллалар учун муҳим? Чунки хулқ-атворни кучайтириш муносабатларни ўзгартириш ва янги хатти-ҳаракатларни рағбатлантириш учун жамоатчиликнинг ишончини қозонишга хизмат қилади.

Хулқ-атвор фанини қандай қилиб жамоатчилик даражасида амалда қўллаш мумкинлигини кўрсатиш учун яқинда ўтказилган амалий тадқиқотни — CVE Insight ва БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги идораси билан ҳамкорликда амалга оширилган тажрибасинов лойиҳаси орқали кўрсатмоқчиман.

Бу тажрибада жамият даражасида зарарли гендер меъёрларига қарши курашишга ва уларни ўзгартиришга эътибор қаратдик. Махсус шаклланган хулқ-атвор ўзгаришларини тўғридан-тўғри синаб кўриш учун инсон табиатига боғлиқ тушунчалардан фойдаландик.

Наманган шаҳрида ўтказилган тажрибага битта маҳалладан эр-хотин иштирокчиларни жалб қилдик. Натижа жуда яхши бўлди. Тадқиқотга овоз берганлар орасида эркаклар аёллардан кўра кўпроқ ишлашга ҳақли, деган фикр 60 фоиздан 30 фоизга камайди. Оиладаги зўравонликни қабул қилиш даражаси ҳам сезиларли даражада пасайган, эркакнинг хотинини уриши оқланишига ишонадиганлар 30 фоиздан 10 фоизга камайган.

Ушбу амалий тадқиқот қатъий, далилларга асосланган ва жамиятга йўналтирилган методологиялари билан хулқ-атвор фанининг самарадорлигини кўрсатди. Жамиятда қўлланмани тўғридан-тўғри синаб кўриш орқали ҳақиқий, амалий ўзгаришларни намойиш эта олдик.

Маҳаллаларни тадқиқот институтлари билан ҳамкорликка, энг яхши ёндашувларни синаб кўришга, ўрганишга ва такомиллаштиришга ундаб қоламан. Бу орқали биргаликда фактларга асосланган ва ёрдамга муҳтож аҳолини қамраб оладиган жамоатчилик моделини яратишимиз мумкин. CVE Insight ва БМТ Тараққиёт дастури бу саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга тайёр.

Минтақавий платформа яратиш лозим



Надежда ДОБРЕЦОВА, Ривожланиш сиёсатини ўрганиш институти раиси, USAID эксперти.

Ҳар қандай замонавий давлатда муваффақиятли маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари турли манфаатдор томонлар, жумладан бизнес ва фуқаролик жамияти билан ҳамкорлик қилишга интилади.

Ушбу тизим самарадорлигини Қирғизистон Республикасида давлат, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабатларни қуриш мисолида кўриш мумкин.

Қирғизистон Республикаси маҳаллий ўзини ўзи бошқариш бўйича ислоҳотларда техник ёрдамни халқаро ҳамкорлар ва ривожланиш лойиҳаларидан олган. Аста-секин мамлакатда миллий эксперт база шаклланди. Масалан, ривожланиш сиёсати институти (кейинги ўринда – РИС) ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш инфратузилмасини яратишда муҳим роль ўйнади. Мазкур институт маҳаллий ривожланиш ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш соҳасида кўплаб лойиҳаларни амалга оширди.

Фаолиятини 2013 йил барқарор комплекс билимларни бошқариш тизимини яратишдан бошлаган. Ҳукуматга таклиф қилинган ечимлар янги давлат ва муниципал хизмат тўғрисидаги қонунчиликда акс этиб, хизматчиларнинг умумий ва вазирлик бўйича малака ошириш учун ҳуқуқий асосларини яратди.

Вазирлик бўйича малака ошириш соҳасида (маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг тор профессионал масалалари) ривожланиш сиёсати институти давлат органига давлат-хусусий ҳамкорликнинг махсус шаклини таклиф қилди. Бу Марказий Осиё маҳаллий бошқарув академиясини ташкил этиш учун ҳуқуқий асос бўлди.

Ривожланиш сиёсати институти 15 йилдан ортиқ вақт давомида фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга муносабати ва маҳаллий хизматлардан розилиги даражасини ўрганмоқда. Тўпланган маълумотлар нафақат алоҳида масалаларнинг динамикасини кузатишга, балки уларни давлатнинг қарорлари билан солиштиришга имкон бермоқда.

Ривожланиш сиёсати институти шунингдек, давлатга сифатли қарорлар қабул қилиш учун муҳим маълумотларни таҳлилий ҳисоботлар шаклида тақдим этди. Давлат ва МЎБ ўртасида легитим диалог яратишга туртки берди.

Марказий Осиё мамлакатлари бу масалаларда бирлашиш вақти келди. Чунки ривожланиш диалектикаси ўзининг минтақавий МЎБ моделини шакллантиришга ундайди. Минтақавий контекст табиий шароит, анъана ва маданиятга мос келади. Кузатишлардан маълум бўлдики, бу вазифалар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг янги таҳририда ҳам ифодаланган. Марказий Осиё мамлакатларида модель ва минтақавий ҳамкорликни шакллантириш маҳаллий иқтисодий ривожланиш, шу жумладан ўзаро алоқаларда ва туризм соҳасида катта фойда келтиради. Айни пайт мана шу йўналишда минтақавий платформа яратишни тезлаштириш лозим.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бундай платформани яратиш ва ривожлантириш учун зарур бўлган барча имкониятларга эга. Уюшма томонидан ташкил этилган халқаро конференция маҳаллий ривожланиш соҳасида фуқаролик жамияти ташкилотлари билан давлат ўртасида минтақавий ҳамкорлик жараёнини янги босқичга олиб чиқиши шубҳасиз.



Ўзини ўзи бошқариш органларида замонавий технологиялар жорий этиш, илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва малака оширишни такомиллаштириш

Ҳар бир маҳалланинг ривожланиш режаси бўлмоғи зарур



Чу ДОНГХО, Корея кичик бизнес субъектлари федерацияси (KFSB) раиси ўринбосари.

Тарихдан маълумки, Корея Республикаси уруш оқибатларини қисқа фурсатда бартараф этиб, қашшоқликдан энг ривожланган мамлакатга айланган.

Корея банкининг 2024 йил 5 июндаги хулосасига кўра, Жанубий Кореянинг 2023 йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотдаги улуши 36,194 долларни ташкил қилмоқда. Даромад даражаси ҳайратланарли — 540 баробарга ошган. Бугун мамлакат дунёдаги 10 та энг саноатлашган давлатнинг бирига айланган.

Иқтисодий таназзулдан тез фурсатда чиқиб кетишида БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар, жумладан, USAID, Халқаро қизил хоч жамияти, CARE ва UNICEF молиявий ёрдамининг ҳиссаси катта.

Мамлакат иқтисодий ўсишида 1962 йилда жорий этилган Корея ҳукумати инновацион сиёсатини ўз ичига олган Иқтисодий ривожланиш режасини алоҳида қайд этиш ўринли. Бу режа саноатлаштириш, оғир ва енгил саноатни модернизация қилиш, юқори технологияли саноатни ривожлантириш, экспорт хажмини кенгайтиришга хизмат қилиб, қишлоқ хўжалиги ва дастлабки қайта ишлаш билан чекланган саноатни такомиллашувига сабаб бўлди.

Жанубий Кореянинг иқтисодий ўсишида ривожланган хорижий мамлакатларда таълим олган истеъдодли кадрлар олдинги сафга чиқди. Улар илғор технологияларни татбиқ қилишда муҳим роль ўйнади. Технологик тараққиётга эришишда аҳоли билимини ўстириш, таълимни ривожлантиришга эътибор бериш муваффақият омили эканини тарғиб қилди. Ҳукумат кўмагида мамлакатни саноатлаштириш учун асос яратишди.

Бу жараёнда кичик тадбиркорлар уй шароитида ҳунармандчилик ва оддий ишлов бериш каби енгил саноатни юқори технологияларни ўз ичига олган компанияларга қадар кенгайтирди.

Кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш — давлат сиёсатининг асосий компонентларидан биридир. Ҳозирги кунда кичик ҳажмдаги заводлар “ҳудудий кичик тадбиркорлик” номи остида ихтисослашган ва ҳудудий тадбиркорлик марказларига бириктирилган. Унда бир саноат турига кирувчи тадбиркорлар тўпланган.

Кореядаги кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланиш тарихига назар ташласак, энг муҳим омил сифатида — халқнинг ташаббускорлиги, ҳукуматнинг қўллаб-қувватлови ва таълим уйғунлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистонга келишдан олдин делегациямиз мамлакат иқтисодиёти билан яқиндан танишиб, аҳоли турмуш тарзини ўрганди. Маълумотлар асосида зарур хулосаларга эга бўлдик. Шундан келиб чиқиб, маҳаллий аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш учун изчил ривожланиш йўналиши бўйича бир нечта иқтисодий моделларни ишлаб чиқдик. Уни қуйидаги стратегиялар асосида амалга ошириш мумкин:

биринчидан, ҳукумат ҳар бир ҳудуднинг ҳақиқий шароитига мос келадиган босқичма-босқич амалга оширилувчи қўллаб-қувватлаш режасини ишлаб чиқиши зарур;

иккинчидан, олдиндан мавжуд бўлган ўқув муассасаларини такомиллаштириш ва мутахассисларни босқичма-босқич тайёрлаш керак;

учинчидан, аҳолига маҳсулот ишлаб чиқариш, яхши иш топиш ва амалий кўникмаларни ўрганишга ёрдам берадиган рағбатлантириш сиёсатини амалга ошириш лозим.

Ушбу таклифлар Ўзбекистон ҳукуматига иқтисодиётни қайта тиклаш ва ўртача иш ҳақини ошириш орқали маҳаллий аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга ёрдам беради. Техник соҳаларга ўқитиш, ишчилар малакасини ошириш инновацион ғояларни амалиётга жорий этиш имкониятини яратади. Бунда таълим, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш тизимларининг бирлаштирилган стратегияси муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шу билан бирга, бундай ёндашув хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва иқтисодий барқарорликни таъминлашда қўл келади.

Таълимга эътибор — Жанубий Кореянинг минг йиллар давомида ўз тарихи ва анъаналарини сақлаб қолиши ва маданиятини глобал тенденцияга қўшилишининг бош омилидир. Ўрганишларда Ўзбекистон ҳам мана шу анъана асосида аҳоли турмуш даражасини оширишга интилаётгани аён бўлди. Шу асосида қатъий ишонч билан айта оламанки, яқин йилларда Ўзбекистон Кореянинг Хан дарёсидаги мўъжизасини такрорлашга қодир.



“Турли йўналиш — бир мақсад”



Бугунги глобаллашув даври барча соҳалар қатори, ўзини ўзи бошқариш органларида замонавий технологияларни жорий этиш ҳамда самарадорлигини таъминлашни талаб этмоқда. Шу асосида барча маҳалла фуқаролар йиғинлари бинолари интернет тармоғига уланиб, ходимлар планшет билан таъминланди. Ҳужжатлар айланишининг автоматлаштирилган ахборот тизими амалиётга жорий этилиб, алоҳида юритилаётган тарқоқ платформалар ўрнига ягона “Рақамли маҳалла” платформаси ишга туширилди. Ўзини ўзи бошқариш органларида илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш мақсадида республикадаги 100 дан ортиқ олий таълим муассасалари, ихтисослашган илмий кенгашлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ҳусусан, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий соҳалардаги илмий тадқиқотларнинг амалиётга татбиқ этилгани бўйича ишлар тажриба-синовдан ўтказилиб, натижалар жамланмоқда.



Шерали ЙЎЛДОШЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи.

Тажрибага таянган ҳолда илмий тадқиқотларни такомиллаштириш мақсадида қатор таклифлар ишлаб чиққанмиз. Жумладан, “Жамоатчилик фикри”ни ўрганиш марказларини ташкил этиш ҳаётий зарурат, деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, маҳалла институти фаолиятини такомиллаштириш учун Давлат хизматларини маҳаллада йўлга қўйиш хусусида таклиф киритяпмиз. Бу орқали аҳолининг транспорт харажати ва вақт сарфи қисқаради. Таклифнинг ажралмас қисми сифатида маҳалла институтининг молиявий мустақиллигини таъминлаш мақсадга мувофиқ. Негаки, амалдаги қонунга кўра, маҳалла нодавлат-нотижорат ташкилот ҳисобланади. Хизматларни амалга оширишда шартнома асосида ҳисоб рақамига пул тушириши, ҳосил бўлган маблағни ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожи, аҳолини қўллаб-қувватлаш ва фуқаролар йиғини ходимларини моддий рағбатлантиришга йўналтирса бўлади.

“Маҳалла еттилиги” фаолиятини самарали ташкил этиш ва унинг аъзолари ўртасида узвий ҳамкорликни таъминлаш мақсадида маҳалладаги барча масъулларни “Турли йўналиш — бир мақсад” тамойили асосида малакасини оширишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Ўқув курсида “Маҳалла еттилиги” ходимлари учун замонавий жиҳозланган ўқув ва компьютер хоналари, “Ахборот-ресурс маркази” ташкил этилган. Мавжуд имкониятлар, моддий-техник базадан фойдаланган ҳолда юқоридаги таклифни амалга ошириш мумкин.

Тармоқлар бўйича алоҳида малака оширишдан кўра, марказлашган ҳолда ўқитиш қўшимча маблағ ва ортиқча сарф-харажатнинг олдини олади. Белгиланган вазифаларни коллегиал ҳал этиш ҳамкорлик механизмларини кучайтиришга хизмат қилади.

Аёл илмли бўлса, жамият тараққий этади

Ўзбекистонда илм-фан ва технология соҳасида юксалишни хоҳлаётган хотин-қизлар сонининг ўсиши келажакка умид бағишлайди. Аммо ушбу истеъдодли шахсларни иш ўрнида ушлаб қолиш катта муаммо бўлиб қолмоқда. Доимий гендер стереотиплар, менторлик имкониятларининг етишмаслиги, маблағ ҳамда ресурсларнинг камлиги жамиятда аёлларнинг тўлиқ иштирокига тўсқинлик қилмоқда. Бу тўсиқларни бартараф этишда фақат тенглик масаласида эмас, балки илмий жамоатчиликнинг тўлиқ салоҳиятидан фойдаланиш зарур.

Қудратхон БАҲОДИРОВ, ЮНЕСКО вакили.

ЮНЕСКО Ўзбекистонга ушбу тўсиқларни бартараф этиш ва STEM таълимида гендер тенглигини ривожлантиришга ёрдам беришга тайёр. Илм-фанга қўшган ҳисса фақатгина билимлар тўпламини тўлдириш билан чекланмайди. Аёллар жамиятни ривожлантириш учун жуда муҳим. Бугун аёл олимлар соғлиқ, атроф-муҳит барқарорлиги ва технологияга таъсир кўрсатадиган муҳим тадқиқотлар билан шуғулланмоқда. Бу эса кундалик ҳаётга бевосита таъсир қилади.

Масалан, Ўзбекистондаги аёллар қишлоқ хўжалигига оид тадқиқотларда фаол иштирок этиши аграр соҳа ҳисобланган мамлакат учун ғоят зарурдир. Бу тадқиқотлар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаб, барқарор қишлоқ хўжалиги амалиётини ривожлантиради, пировардида минглаб оилаларнинг турмуш шароити яхшиланади.

Эътиборли жиҳати, Ўзбекистонда аёлларнинг STEM соҳаларидаги иштирокини рағбатлантирувчи ташаббуслар кўпаймоқда. Натижада гендер бўшлиқлари тўлдирилиб, ёш олималарни илҳомлантирмоқда. Уларга менторлик қилиш ва тармоқ имкониятларини яратиш учун мўлжалланган дастурлар инноваторларни қўллаб-қувватловчи экосистема яратмоқда.

Бу ютуқларга қарамай, статистика аёлларнинг бутун дунё бўйлаб тадқиқот роллари етишмаслигини кўрсатмоқда. ЮНЕСКОнинг статистика институти (UIS) маълумотига кўра, дунёда тадқиқотчиларнинг 30 фоиздан камроғи аёллардир. Ушбу рақамлар қизларни илмий тадқиқотларга йўналтиришда тўсқинлик қилувчи гендер стереотипларини бартараф этиш учун мақсадли саъй-ҳаракатлар зарурлигини кун тартибига чиқарди. ЮНЕСКО бу муаммоларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратади.

Ўзбекистон ҳукумати аёлларни илм-фан ва технологияда қўллаб-қувватлашда муҳим қадамлар қўйди. Ҳукумат аёл тадқиқотчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ҳуқуқий асос яратиб, менторлик дастурларини ташкил этмоқда. Натижада аёл раҳбарлар авлоди шаклланмоқда. Қолаверса, уларнинг таълим ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ҳаракатлар кучаймоқда. Маҳаллий ННТлар таълим орқали кўмак беришга, STEM соҳаларида стипендиялар тақдим этишга эътибор қаратмоқда. Ушбу ташкилотлар жамиятнинг анъанавий нормаларига қарши курашиш ва аёлларни муваффақиятга эришиши учун зарур ресурслар билан таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Хулоса қилиб айтганда, аёлларнинг илм-фандаги роли жамият тараққиёти учун муҳим. Ўзбекистон шароитида уларга қарши тўсиқларни бартараф этиш орқали биз инклюзив, инновацион ва фаровон келажак сари йўл очамиз.



Маҳалла элга, эл маҳаллага таянади

Оилада, маҳаллада яхши одатларни ўзлаштирган, тарбия кўрганлар жамиятда ҳам ўз ўрнини осон топади. Чунки миллий қадриятлар айнан ана шу масканда шаклланади, тўлишади, ва сақланади. Самарқанд вилоятида кейинги бир йилда жиноят содир этилмаган 573 та маҳалла аҳли муносабатларида яхши фазилатлар кўзга ташланиб туради, яъни бир-бирига кўмаклашиш, эзгу ташаббусни қўллаш, ночорларга ёрдам бериш. Айнан шу маҳаллалардан зиёлилар ҳам кўп чиққан. Бунинг сабаби, маҳалла фаолларининг фидойилигида, маҳалланинг тарбиявий қудратида. Умуман, маҳалланинг ташкилий тузилма эмас, балки ибрат мактаби, тарбия мактаби бўлиб бораётгани бу жамиятнинг эҳтиёжидир.



Фармон ТОШЕВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Касбга қизиқиш, касб танлаш, касб усталарига ҳавас қилиш айнан шу маскандан бошланади. Шунинг учун ҳам турли косиблар маҳаллалари юзага келган. Давлатимиз раҳбари айнан ана шу қадриятларимизни ҳисобга олиб, маҳаллалаларни бирор касбга, деҳқончиликка эса бир хил экинга ихтисослаштириш ташаббуси билан чиқди ва бу ҳаракат жуда катта самара беряпти.

Бугунги кунда маҳалла нафақат илғор ҳаракатлар, тажрибалар, балки пешқадам ғоялар марказига айланиб боряпти. Хусусан, “еттилик” ҳамкорлиги жараёни аҳоли ижтимоий аҳволини ўрганиш баробарида улар билан ишлашнинг янги усулларини юзага келтиряпти. Энг муҳими, одамлар иқтисодий аҳволини ўнглашда ҳамкорлик, бирга ишлаш зарур эканлигини тушуниб етишяпти. Бу эса жойларда экспортбоп неъматлар яратиш имкониятини бермоқда. Айниқса, ҳар бир маҳаллада тайёрланаётган



“IT” мутахассислар сафи кундан-кунга ошмоқда. Ҳатто бундай шароитларни кўргандан кейин хорижда ишлаётган мигрантлар ҳам ўз маҳалласига қайтиб, тадбиркорликни бошламоқда.

“Беш ташаббус” лойиҳаси маҳалла нуфузини оширишга хизмат қилаётир. Бу ҳаракат доирасида биз маҳалла ёшларининг, иқтидор эгаларининг ҳамкорликдаги ҳаракатига гувоҳ бўлиб турибмиз. “Ташаббусли бюджет” ҳаракати одамлар фаолиятининг якдиллигига хизмат қиляпти. Аҳолида “Агар бирлашсак, биргаликда ҳаракат қилсак, қудратли кучга айланамиз”, деган ишонч пайдо бўлди. Албатта, бу ишда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан оғир бўлган, аҳоли мурожаатлари кўп тушган маҳаллаларда муаммоларни ҳал этиш бўйича “Ҳаракатлар режаси” ишлаб чиқилгани ва тегишли миқдорда маблағ ажратилгани бундай ҳаракатларга қанот берди.

Бугунги кунда мактаблар билан оилаларнинг ҳамжиҳатлигини таъминлашда маҳалла муҳим роль ўйнаяпти. Ота-оналар билан доимий суҳбатлар, илғор ўқувчиларни рағбатлантириш, ёш иқтидорлар ўртасида маҳаллада танловлар ўтказиш одамларда таълим-тарбияга бўлган муносабатни ўзгартира олди. Маҳаллалар томонидан фан олимпиадалари, фанлар бўйича мусобақалар ташкил этилиши ўқувчиларда илм олишга бўлган иштиёқни кучайтирмоқда. Мисол учун, биргина Самарқанд вилоятида ана шундай тадбирларда 22 минг нафар ўқувчи иштирок этди.

Янги Ўзбекистон ғоялари бугун айнан маҳаллаларда шаклланяпти ва амалга киряпти. Бу ғоялар одамларнинг меҳнатга, ўз тақдирига муносабатида яққол кўзга ташланяпти. Самарқанд вилоятида нафақат олий ўқув юртига ўқишга кираётган битирувчилар сафи, балки касбларни эгаллашга иштиёқ қилганлар, ҳатто устахоналарда янгилик яратганлар сони ортиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, давлат сиёсатининг самаралари айнан фуқаролик жамияти ўчоғи ҳисобланган маҳаллаларда бўй кўрсатмоқда.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш керак: дунё ҳамжамияти Ўзбекистондаги маҳалла тизимига доимо қизиқиш уйғотиб келган. Бу фуқаролик жамиятининг институти орқали ёшлар замонага муносиб равишда тарбия топади, миллий қадриятларни эгаллайди. Ҳаётдаги аниқ мақсадини белгилаб олади. Бу эса ҳар қандай жамиятда ҳам элга хизмат қила оладиган, Ватанни севадиган, касбга садоқатли фуқароларни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Кимки меҳнат қилса, интилса, ҳеч кимдан кам бўлмайди

Мамлакатимизда сўнгги йилларда аҳолининг муаммоли масалалари ечимида маҳалланинг иштирокини таъминлаш, уни энг халқчил ҳамда одамлар дарди ва ташвиши билан яшайдиган тузилмага айлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.





Анвар ТЎЙЧИЕВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор.

Айниқса, бу борада «маҳалла еттилиги» тузилмаси ташкил этилгани ва уларнинг вазифалари алоҳида белгилаб берилгани айни муддао бўлди. Бугун аҳоли бандлигини таъминлаш, фуқароларни қийнаб келаётган муаммоларни атрофлича ҳал этиш, оилаларни камбағалликдан чиқаришда уларнинг роли тобора ортиб боряпти.

Бу ҳақда сўз кетганда, давлатимиз раҳбарининг Сайхунобод туманига ташрифи чоғида белгилаб берилган вазифалар ижросига тўхталиб ўтиш жоиз. Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган “Сайхунобод тажрибаси”, агар кимки, астойдил меҳнат қилса, интилса, ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитда яшаш имконияти мавжудлигини кўрсатди. Аслида, бу тажрибадан кўзланган мақсад шу эди — томорқадан самарали фойдаланиш орқали юқори даромад олиш. Бандликни таъминлаш ва даромадни оширишда ҳудуднинг ўзига хос жиҳатлари, албатта, инобатга олинди. Бошланган бу тажриба қисқа вақтда ўз самарасини берди ва республика бўйича оммалаштирилишига сабаб бўлди.

Тажриба доирасида 19 та маҳалланинг ҳар бирига 1 тадан мини трактор, 4 тадан мотокультиватор олиб берилди. Ҳар бир маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси “1 сотих томорқадан камида 1-2 миллион сўм даромад” деган мезон асосида томорқа ерларини ҳайдаш ва экин экиш хизматларини кўрсатиши белгиланди. Шунингдек, маҳаллада етиштирилган маҳсулотларни сотиб олиш тизими йўлга қўйилиб, 2 минг тонналик сақлаш, саралаш ва қайта ишлаш комплекси ташкил этилди. Тумандаги мавжуд 98 километр каналлар ва дренаж тармоқлари атрофидаги 100 гектар бўш ерлар кооперация асосида 500 та хонадонга терак экиш учун бўлиб берилди.

Янги тажриба йўлга қўйилиши натижасида аҳоли томорқасидан унумли фойдаланиб, мўъжаз иссиқхона қуриш, эрта-пишар, интенсив боғ яратиш, чорвачилик, паррандачилик, балиқчиликни ривожлантириш орқали йилига 100 миллион сўмгача даромад топиш мумкинлиги исботланди.

“Сайхунобод тажрибаси” асосида “маҳалла еттилиги” билан бирга, хонадонлардаги имкониятлар ўрганилиши натижасида одамларнинг ҳаёт тарзи ўзгарди.

Маҳалладаги ўзгаришлар одамларга ишонч беради

Давлатимиз раҳбари фаолиятининг илк давриданоқ бутун фикру зикрини одамлар ташвиши, турмуш шароитини яхшилашга қаратди. Уларнинг ташаббуси билан ташкил этилган “Темир дафтар, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”нинг мақсади – оилаларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш билан бирга, халқнинг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилди. Камбағаллик даражаси очиқланиб, уни қисқартириш бўйича ишлар бошланганда бутун халқ буни қўллаб-қувватлади, қувониб, дуо қилишди.



Икромхон НАЖМИДДИНОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Наманган вилояти Нуронийлар жамоатчилик Кенгаши раиси.

Инсонларга муносиб турмуш шароитини яратиб бериш осон иш эмас. Йилдан-йилга янги оилалар пайдо бўлмоқда, уларнинг ҳаммаси ҳам бирдан оёққа туриб кетолмайди. Бироқ Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳудудларда ўзининг табиий иқлим шароитига кўра, боғдорчилик ёки деҳқончилик орқали маълум маҳсулотларни етиштиришга ихтисослашган маҳаллалар аҳолисининг турмуш даражаси юксалиб бораётганига гувоҳмиз. Бу тажрибаларни янада кенгайтириш ҳам албатта, ўзининг ижобий самарасини беради.

Биргина камбағалликни қисқартириш бўйича қисқа муддатларда ўзига хос тизим яратилди, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланганидек, ижтимоий давлат тамойили бўйича ва барча ислоҳотларнинг асоси — инсон қадрини улуғлаш тушунчаси сифатида белгилаб олинди. Бу ислоҳотларни амалга оширишда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бошчилигида “маҳалла еттилиги” тизими муҳим роль ўйнамоқда.

Президентимизнинг 2024 йил 25-26 март кунлари Наманган вилоятига қилган ташрифлари чоғида Уйчи тумани “Қумтепа” маҳалласида “еттилик” билан учрашиб, барча ислоҳотларнинг замирида инсон қадри туриши ҳамда “ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, балки инсон учун” эканини яна бир карра таъкидлади ва бу борада маҳалла тизимидан алоҳида масъулият талаб қилишини айтиб ўтдилар. Уйчи тумани ишсизликдан холи ҳудудга айланди. Ёшлар ва кичик саноат зоналари аҳолини иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Юртбошимизнинг ташаббуслари билан “Уйчи тажрибаси”нинг жорий қилиниши аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш борасида бизга катта имконият ва захираларни очиб берди.

XXI аср замонавий технологиялар ва ахборот асридир. Замонга ҳамнафасликда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси томонидан маҳалла тизимини рақамлаштириш ҳамда аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида “Рақамли маҳалла” платформаси яратилди. Платформадан доимий фойдаланиш ҳамда амалга оширилаётган маълумотларни киритиб бориш мақсадида маҳалла раисларига планшетлар олиб берилди. Маҳалла мавқеини ошириш, аҳоли кўтараётган муаммоларни босқичма-босқич ҳал этишни таъминлаш мақсадида ҳар бир маҳаллада Маҳаллани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жамғармалари ташкил этилди. Эндиликда мазкур маблағлар маҳалла Кенгашининг қарорига асосан, ишлатиш йўлга қўйилди. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида Наманган вилояти маҳаллаларининг



ҳисоб-рақамларига 17 млрд. сўмдан ошиқ маблағ келиб тушди.

“Маҳалла еттилиги” ва кенг жамоатчиликнинг таълим даргоҳлари билан “Мактаб-маҳалла-ота-она” тамойили асосида ҳамкорлиги натижасида ўқувчиларни дарсга қатнашиш бўйича давомати яхшиланди. Маҳалла раисларининг таълим-тарбия масалаларини муҳокама қилиш мақсадида ўқувчиларнинг ота-оналари билан ҳар ойда тизимли учрашувлар йўлга қўйилди.

Маҳалла институтининг ҳамда хамкор ташкилотларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида оилалар ўртасидаги ажрим 11 фоизга камайишига эришилди. Маҳаллаларда олиб борилаётган профилактик тадбирлар натижасида жиноятчилик 13,3 фоизга камайди.

Ҳукумат қарори билан жорий қилинган тартибга мувофиқ, “маҳалла еттилиги”ни ҳар ойда маҳалла Кенгашига, ҳар чоракда аҳолига ҳисобот бериш тизими тўлиқ амалиётга жорий этилди. Маҳалла том маънода аҳоли билан давлат ўртасида кўприк вазифасини бажармоқда.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, “Замон шиддат билан ўзгаряпти. Маҳаллани жойларда муаммоларни чинакам ҳал қиладиган институтга айлантирамиз. Бизнинг ягона йўлимиз — маҳалла, маҳалла, ва яна бир марта маҳалла. Маҳалла тизими обрўйини қанча кўтарсак, одамлар ишонади, одамлар биздан рози бўлади”.

Ижтимоий сиёсат маҳалладан бошланади

Бугунги кунда маҳалла институтининг жамият ҳаётида тутган ўрни ва роли юксалиб, маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш, “маҳаллабай” ишлашга масъул бўлган шахслар фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларнинг ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, Янги Ўзбекистонда давлатнинг ижтимоий сиёсати туман ёки шаҳардан эмас, балки энг қуйи бўғин – маҳалладан бошланиши белгилаб берилди.



Аҳрор ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Маҳаллаларда “еттилик” имкониятларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи.



Бугунги кунда Конституцияда белгиланган меъёрларни амалиётга татбиқ этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини янада ошириш учун қуйидаги таклиф ва тавсияларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ:

– аҳоли манфаатларига бевосита дахлдор ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган барча масалалар бўйича қарорлар тайёрлашда, уларни қабул қилишда давлат органларининг маҳаллалар билан ўзаро маслаҳатларини ўтказиш тартибини жорий этиш;

– маҳаллаларда аҳоли учун қулай, турмуш маданиятини оширадиган муҳит яратиш. Жумладан, аҳолининг маиший, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа кундалик муаммоларини маҳалланинг ўзида ҳал этиш, ҳар бир соҳага оид саволларига маҳалланинг ўзида жавоб топиш имкониятини яратишга қаратилган “Жамоат марказлари” ташкил этиш (давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида);

– маҳаллаларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, фуқаролар йиғинларида штат бирликлари ҳамда кадрларни танлаш меъёрлари ва мезонларини ишлаб чиқиш;

– маҳаллаларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган вазифалари орасидан давлат органларининг вазифаларини такрорловчи ҳамда ортиқча ва хос бўлмаган вазифа ва функцияларини қисқартириш;

– янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш ва унда:

1) маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторининг ўзаро ҳамкорлиги ҳамда уларнинг маҳалла раиси билан келишган ҳолда фаолият юритишини мустаҳкамлаб қўйиш;

2) маҳаллаларга тегишли ҳудуддаги туман (шаҳар) маҳаллий Кенгашлари сессиялари кун тартибига кўриб чиқиш учун таклиф киритиш, туман (шаҳар) маҳаллий Кенгашларининг қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда иштирок этиш ҳуқуқини тақдим этиш;

– маҳалла ва аҳоли ўртасида “жамоат келишуви”ни тузиш орқали фуқароларни ободонлаштириш ишларидаги иштирокини кучайтириш ҳамда аҳолининг хонадонларни озода тутиш ва томорқалардан самарали фойдаланиш маданиятини ошириш;

– жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан ишсиз аҳолини ободонлаштириш ва мавсумий ишларга жалб қилиш, уларга ҳақ тўлаш ваколатини маҳалла раисига бериш;

– маҳаллада қаерга боғча, мактаб ёки поликлиника қурилишини вазирлик ёки ҳокимият эмас, балки маҳалланинг ўзи ҳал қиладиган тизим яратиш.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу таклиф ва тавсияларнинг самарали амалга оширилиши маҳалланинг институционал асосларини янада такомиллаштиришга, энг муҳими, маҳаллалар фаолиятини натижадорликка йўналтириш орқали аҳоли фаровонлигининг таъминланишига хизмат қилади.

Камбағалликни қисқартиришда маҳалланинг ўз тажрибаси бор

Бугунги кунда маҳаллалар аҳолининг кўплаб ижтимоий масалаларини ҳал қилиш, уларнинг фаровон ҳаётга эришишига ёрдам бериш тизимининг энг муҳим бўғинларидан бирига айланди. Ушбу йўналишда, айниқса, камбағалликка қарши курашиш ва ишсизликка барҳам бериш масалалари асосий муаммолар қаторига киради ва мазкур соҳадаги фаолият ниҳоятда муҳим ҳисобланади.



Қиём НАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор.

Маълумотларга кўра, юртимизда 2023 йил якунига кўра, ишсизлик даражаси 6,8 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,1 фоизга камайган. 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига меҳнат ресурслари сони 19 миллион 724 минг 900 кишини ташкил этиб, 2023 йилнинг шу даврига нисбатан 207 минг 400 кишига (1,1 фоизга) ошган. Ўз навбатида, бу рақамлар масаланинг бутун мамлакат миқёсидаги кўламидан далолат беради ва, айниқса, маҳаллаларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини тизимли йўлга қўйишни тақозо этади.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташкил қилиниши бу борадаги институционал ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Айни пайтда мазкур уюшманинг ташкил этилиши маҳалланинг камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айланишига шарт-шароит яратади.

Ўтган йилларда халқ билан мулоқот қилиш тизимининг тўлақонли шаклланиши маҳаллаларда камбағаллик ва ишсизликни барҳам топтиришнинг муҳим босқичи бўлди. Шунингдек, фуқаролар билан манзилли ишлашда амалга оширилган яна бир ислоҳот, бу – “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” тизимининг йўлга қўйилишидир.

Албатта, ушбу тизимларнинг ҳаётга самарали татбиқ этилишида маҳалланинг ўрни беқиёс. Сабаби, юртимиз маҳаллаларида ўзига хос бошқарув тизими яратилган.

Айни пайтда таъкидлаш жоизки, бу борадаги кўплаб ютуқлар ва самарали натижалар билан бирга, диққатни талаб қиладиган баъзи ҳолатлар ҳам сақланиб қолмоқда. Масалан, ўтган вақт давомида маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари томонидан хатловдан ўтказилиб, 4 тоифага ажратилган 6 миллион 900 минг хонадонни ўрганиш якунларига кўра, уларнинг 11 фоизи кам даромадли, 47 фоизи қўшимча даромадга эҳтиёжи бор, 6 фоизи ижтимоий ҳимояга муҳтож, 36 фоизи ўзига тўқ оилалар экани аниқланди.

Ушбу таҳлилардан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий раҳбарлар фаолияти манзилли ташкил этилиб, минглаб фуқароларнинг ишга жойлашиши, касб-ҳунар ўрганиши таъминланмоқда. Бу борада 50 мингта оилавий тадбиркорлик лойиҳалари учун 1 триллион 300 миллиард сўм кредит ва 20 миллиард сўм субсидия ажратилди. Натижада жойларда 47 мингта янги тадбиркорлар фаолияти йўлга қўйилиб, 8 мингта кичик саноат ва сервис лойиҳалари ишга туширилди. Бу маҳалланинг ўзида аҳоли бандлигини таъминлаб, унинг кафолатланган даромад манбаини яратишда муҳим босқич саналади.

Аммо танганинг иккинчи томони бўлгани каби, ўтган вақт давомидаги ўрганиш натижаларига кўра, 450 та маҳаллада ишсизлик даражаси 20 фоиздан юқори экани аниқланган. “Қониқарсиз” дея баҳоланган маҳаллалардаги ҳолатни яхшилаш учун бюджет харажатларини оптималлаштириш ҳисобидан жорий йилда яна 800 миллиард сўм ажратилиши белгиланди. Ушбу маҳаллаларни ихтисослашуви бўйича қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳолиси 20 мингдан ошадиган маҳаллаларда чакана савдо ва хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этилиб, бу марказлар 5 йил муддатга ер ва мол-мулк солиғидан озод этилиши белгилаб қўйилган.

Энди маҳаллаларда камбағал оилалар билан янги тартибда иш олиб борилади. Хусусан, оилани камбағалликдан чиқариш режасини ишлаб чиқишда интеграциялашган хизматлар ташкил этилади. Камбағаллик бўйича маҳалла рейтинги юритилади. Унда камбағал оилалар улуши, ишсизлик даражаси ҳамда мигрантлар улуши юқори маҳаллалар бўлади. Ҳар йили камбағаллик даражаси энг юқори бўлган 50 та маҳалла танлаб олинади. Уларга камида 500 млрд. сўм комплекс чора-тадбирлар режасини амалга ошириш учун инвестиция дастури доирасида маблағлар ажратилади.

Ушбу қайд қилинганларнинг барчаси мамлакатимиздаги маҳалларнинг камбағаллик ва ишсизликни барҳам топтиришга қаратилган фаолиятида кўплаб тажрибалар тўпланганини англатади.



Маҳалла, мактаб ва оила ҳамкорлиги

“Янги Ўзбекистон — 2030” стратегиясида давлат, жамият, маҳалла, оила ва мактабнинг тарбиявий мақсадлари уйғунлашди. Бу стратегия улар орасидаги маънавий-тарбиявий ҳамкорликни янги, самарали босқичга кўтаришга замин яратди.



М.ҚУРОНОВ, педагогика фанлари доктори, профессор,
Ш.ЖУМАНОВ, педагогика фанлари бўйича(PhD) фалсафа доктори,
С.АЗИМОВА, таянч докторант.

Мактаб ушбу ҳамкорликнинг илмий-амалий маркази бўлиб, педагогик мақсад — маҳаллани ҳам, синф раҳбарини ҳам, ота-онани ҳам тарбияланувчининг шахси, маънавияти тўғрисида объектив маълумотлар билан таъминлашдир. Шу сабабли бугунги кунда жамиятнинг педагогик маданияти ижтимоий-педагогика жиҳатдан назарий ўрганилиб, яхлит ижтимоий технология сифатида такомиллаштирилиши зарур. Бу борадаги ишларнинг узвийлиги, изчиллиги, натижадорлигини оширишнинг халқаро имкониятлари мавжуд, бироқ, улардан фойдаланиш, конвергенциясини ҳисобга олиш талаб даражасида эмас. Масалан, ўзбек халқининг ноёб педагогик бойлиги бўлган “Бир болага етти қўшни ҳам ота, ҳам она” миллий педагогик анъанасини тиклаш, модернизациялаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ушбу мақолнинг технологик моҳияти нимада, деган савол туғилиши табиий. Педагогик анъананинг асосий шарти — аввало маҳалладошлар, қўшнилар бир-бирларини, болаларини танишида. Бу эса миллий, замонавий тарбиянинг муҳим устунларидан.

Рақамли технологиялар шиддат билан ривожланаётган ахборотлашган асрда ўсаётган авлодлар XX аср авлодларидан кескин фарқ қилади. 1991 йилда америкалик олимлар Нейл Хоу (Neil Howe) ва Вильям Штраус (William Strauss) яратган авлодлар назариясига кўра, ҳар 20-25 йилда инсонларнинг янги авлоди дунёга келади. Уларнинг авлодлар назариясига кўра, 2010 йилдан кейин туғилганлар альфа авлод, дейилади .

Бугунги кунда альфа авлод тарбиясидаги муаммолар сабабини интернетдан эмас, оиладан, тарбиядан излаш керак. Интернетни чеклаш ўрнига Z авлодни глобал тармоқдан фойдаланишга – медиамаданиятга, медиаогоҳликка ўргатиш мақсадга мувофиқ. “Ота-оналар: Сиз ва фарзандингиз учун фойдали web-сайтлар” номли интернет ҳаволалар рўйхати ишлаб чиқиб, ота-оналарга тақдим этиш бугунги кун заруратидир. Бундан ташқари, медиахавфсизлик бўйича тавсиялар ишлаб чиқиб, маҳаллалар “Ота-оналар университети” телеграм гуруҳларига жойлаштириш керак. Оналар учун “Огоҳ она” рукнида ғоявий-тарбиявий мурожаат-буклетлар тақдим этилса, уларнинг педагогик маданияти ошишига эришилади.

Юқоридаги талабларга асосан, 2024 йили РМММ ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институтида “ТЎХТА!” маънавий-ахлоқий профилактик технологияси ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда оилаларга тавсия этилди. Афзаллиги ундан оффлайн ва онлайн шаклларда фойдаланиш мумкин.

Технологиянинг мақсади – ёшлар томонидан содир қилинган бирор жиноят ҳақида ижтимоий тармоқларда тарқатилган маълумот, фактлар, ҳаётий кейс, пост, видеороликларни профилактик тақдимот қилиш орқали ёшларга муаммоли вазиятларда жиноий ҳаракатлардан ўзини ўзи қандай қилиб тўхтатишни тушунтириш, кўрсатиш, ўргатишдир. Бунинг натижасида “Тўхта” МАПТда фаол қатнашиб, профилактик хулқ моделларини ўрганган ўсмир муаммоли вазиятларда ўзини ўзи қандай бошқаришни билиб олади.

Замонавий технологияларни жорий этиш — устувор йўналиш



Актам ХОЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси кафедра мудири, Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида электрон хизматларни жорий этиш маҳалла ва фуқаролар ўртасида самарали муносабатлар ташкил этиш имконини беради.

"Маҳаллабай" ишлаш тизимининг электрон тизими – маҳаллаларга сўровлар юбориш, расмий ҳужжатларнинг намунасини олиш, уларни тўлдириш, ариза билан мурожаат этиш ва бошқа хизматларни ўз ичига олади.

Электрон дастурий таъминотнинг ишлаш тартиби:

1. "Маҳалла еттилиги" планшет билан таъминланади;

2. Хонадон ва тадбиркорлар учун содда ҳамда тушунарли электрон саволнома шакли киритилади;

3. Маҳалладаги муаммоларнинг электрон базаси шаклланади;

4. Масъулларга электрон база орқали топшириқ берилади;

5. Масалалар ижроси таъминлангандан сўнг мувофиқлаштирувчи шахс электрон базага тегишли маълумотларни киритади.

Дастурий таъминотга киритилган маълумотларни назорат қилиш тизими:

1. Масалаларнинг ижро ҳолати "онлайн" тарзда кузатилиб, назорат қилиб борилади.

2. Масалаларнинг ижро этилиш даражасига кўра, масъул ижрочилар фаолияти "кунлик", "ҳафталик" ва "ойлик" тарзда баҳолаб борилади.

3. "Маҳаллабай" ишларнинг ижроси Президент Администрациясига ҳар ойда киритиб борилади.

Электрон тизим афзалликлар:

—"Тезкорлик" – аҳоли ва тадбиркорларнинг муаммоларини бартараф этиш тезлашади;

—"Самарадорлик" – масъул ижрочилар фаолияти самарадорлигини баҳолаш имконияти яратилади;

—"Тизимли муаммоларни аниқлаш" – ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, тизимли муаммолар аниқланади.



Жараёнда, биринчи навбатда, "маҳалла еттилиги"нинг компьютер саводхонлигини ошириш лозим. Бунинг учун ахборотларни киритиш формалари, уларни саралаш ва тартиблаш, интернет тармоғи ва унинг хизматлари ҳамда электрон почта билан ишлаш асосларини ўз ичига олган ўқув курсларини ташкил этиш лозим.

Электрон хизматлар. Маҳалладаги аҳолига онлайн хизматлар (мурожаатлар, маълумот олиш, овоз бериш) таклиф этиш.

Маҳаллада ахборот марказлари очиш. Бу ерда аҳоли замонавий технологиялардан ва давлат хизматларидан фойдаланиш бўйича маслаҳат олиши мумкин.

Рақамли ҳукумат. Электрон ҳукумат платформалари орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун давлат хизматларини онлайн шаклда тақдим этиш, мурожаатларни тезкор кўриб чиқиш имконини беради.

Интернет қурилмалар (IoT). Маҳаллаларда IoT қурилмаларини жорий этиш (масалан, хавфсизлик камераси, назорат қилиш системалари) жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ресурсларни самарали бошқаришда ёрдам беради.


Мобил илова ва платформалар. Маҳалла фаолияти, тадбирлари ва хабардорликни таъминлаш учун махсус мобил платформалар ёки илова яратиш. Маҳалла аҳолиси орасида ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун замонавий платформа ёки веб-сайт яратиш, бу лойиҳаларни молиялаштириш учун жамоатчиликни жалб этиш.

Электрон мониторинг ва ҳисобот бериш тизими. Маҳаллалардаги ҳолатлар, ижтимоий масалалар ва аҳолининг турмуш шароити бўйича электрон мониторинг тизимларини жорий этиш. Бу орқали маҳаллалардаги муаммоларни тезкор аниқлаш ва уларни ҳал қилиш имкони пайдо бўлади. Электрон ҳисобот тизимлари орқали маҳалла фаолиятини назорат қилиш ва таҳлил қилиш осонлашади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида электрон хизматлар кўламини кенгайтириш ва рақамли технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш самарадорликни оширади, шаффофликни таъминлайди.

Маҳалла — тарихий қадриятлар ўчоғи

Миллий давлатчилик маҳалла-гузар, овул, қишлоқ, қўрғон, шаҳар, туман, вилоятлардан шаклланган. Дастлабки пойдевор — маҳалла мамлакатнинг асосий бўғини ва чинакам устуни ҳисобланиб, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ёрқин кўзгусидир. Маҳалла деганда, катта оила ёки бир неча оилаларни ўзига бирлаштирган ҳудудий бирликдаги жамоа тушунилган. Неча асрладан буён ўзбеклар маҳаллаларда яшаб, ўзининг маълум тартиб-интизоми, қонун-қоидаларига риоя қилган ҳолда яшаб келмоқда.





Долли АЛЛАЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Қашқадарё вилоят бошқармаси бошлиғи.

Маҳалла кўчалари кесишган ва туташган ҳамда одамларнинг ўтиш жойи гузар дейилади. Гузарлар шаҳар ва қишлоқларнинг уч-тўрт кўчаси ёки чойхона, баққоллик, қассоблик ва бошқа дўконлари мавжуд бўлган гавжум, серқатнов обод жойдир. Одатда, маҳалла аҳли гузарга чиқиб чойхўрлик қилган, суҳбатлашган ва ҳордиқ чиқарган. Гузарни қози тайинлайдиган оқсоқол-гузарбоши бошқарган.

Соҳибқирон Амир Темур даврида маҳаллалар ҳунармандчиликнинг турли соҳалари бўйича ташкил этилиб, шаҳарча аҳамиятига эга бўлган темирчилар, қурол-яроғсозлар, тикувчилар, чармгарлар, гиламдўзлар, кулоллар, қурувчилар ва бошқа ҳунармандлар ўз жойларида меҳнат қилишиб, ҳаёт кечиришган. "Темур тузуклари"да ёзилишича, Амир Темур давлатни бошқаришда маҳалла фаолларига таянган, улар билан маҳаллий муаммолар бўйича маслаҳатлашган ва фаолиятини бевосита қўллаб-қувватлаган. Соҳибқирон даврида оқсоқоллар нотўғри ишлаган бекларни вазифасидан бўшатишган.

"Темур тузуклари"да кадхудо, калонтар, оқсоқол иборалари тилга олинган. Унда таъкидланадики: "Ҳар мулк ва мамлакатнинг беклари, уруғлари, бошлиқ-оқсоқоллари (калонтарон, кадхудаён)-ни ҳурматладим, уларга совға-саломлар бериб, хизматларидан фойдаландим". Соҳибқирон даврида беклар, оқсоқоллар, деҳқонлар ва экин майдонларига ишлов берувчилар кўнгли хушнуд этилган. Фақиру мискин, ногиронларга нафақалар тайинланган.

Кўриниб турибдики, маҳалланинг бошқаруви тарихнинг узоқ даврларига бориб тақалади. Ўтмишда ҳам ушбу тузилманинг ўзига хос салмоғи бўлган. Шаҳардаги маҳаллаларга, қишлоқдаги кўплаб тўп, тўпор, тўдаларга халқ орасидан сайлаб қўйилган оқсоқол бошчилик қилган. Маҳалла маҳкамасида масжид имоми, мироб, аёллар орасида сайланган кадбону, кайвони, айрим шаҳарларда эса дастурхончилар фаолият кўрсатишган. Шунингдек, маҳалла тизимида мирза (котиб), қаравул, мироб, хазиначи каби катта-кичик мансабдорлар хизмат қилганлар. Маҳаллага оқсоқол (жамоа бошлиғи) қилиб, кўпинча бой бўлмаган, ўртаҳол, лекин мискин, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, обрўли, эътиборли кишиларни сайлаганлар.

Маҳалла бошқаруви ҳақида гапирадиган бўлсак, қадимдан маҳалла раиси, яъни оқсоқол тайинлаш орқали эмас, балки халқ томонидан сайлов орқали, жамоада ўзига хос обрў-эътибор қазонган, ҳаётий тажрибага эга шахс сайланган. Ҳар бир оқсоқол маълум бир маҳаллани бошқарган, ҳар бир жамоа ўз ҳудуди ва маъмурий бошқарув тизимига эга бўлган. Шу боис, халқимизда "Оқсоқолсиз эл бўлмас", деган пурмаъно нақл мавжуд.

Маҳалла давлат билан тўғридан-тўғри алоқани таъминлайди

Давлат бошқарувида ўзини ўзи бошқариш органларининг мақоми ва вазифалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, улар фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этиши белгиланган. Асосий қонунга кўра, давлат органи билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари асосли равишда бир-биридан ажратилган бўлиб, ушбу конституциявий қоидалар жорий қонунчиликда янада ривожлантирилган.



Нодир ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Белгилаб қўйилганидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни фуқароларнинг манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий ўзига хос хусусиятларидан, шунингдек, миллий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда, қонунга мувофиқ мустақил равишда ҳал этишга ҳақли ҳисобланади.

Англаш мумкинки, ўзини ўзи бошқаруви органи фуқароларнинг қонунда белгиланган тартибда бирлаштирибгина қолмай, фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари учун зарур бўлган тузилмадир.

Бундан ташқари, давлат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратади, уларга қонунда белгиланган ваколатларини амалга оширишида кўмаклашади.

Бу фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этишида муҳим аҳамиятга эга. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда шакллантириш, шунингдек, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назорати воситасида амалга оширилади.

Белгилаб берилган ҳуқуқларга асосан, ҳар ким бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда давлат органларига ҳамда ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, мансабдор шахсларга ёки халқ вакилларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуқий ечимлар ўзини ўзи бошқариш органи маҳаллий аҳамиятдаги масалаларни ўзининг ихтиёри билан ҳал этишга кенг имконият беради.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун Ўзбекистон тарихида маҳаллаларга бағишланган биринчи қонун ҳисобланади. Унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақоми, жумладан, уларнинг вазифаси, ваколатлари, фуқаролар йиғини ва раиснинг ваколатлари, уларнинг давлат ҳокимияти органлари билан муносабат асослари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс сифатида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг қатнашчиси эканлиги белгилаб қўйилган.

"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунга асосан, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқаро бўлиши, қоида тариқасида, олий маълумотга эга бўлиши, бевосита сайловга қадар камида беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган бўлиши, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларда ёхуд тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, шунингдек, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Алоҳида қайд этиш керакки, мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи том маънода демократия мактабининг ўзига хос шакли сифатида шаклланган. Бундай бошқарув органининг асосий белгиси сифатида сайлов тизимининг мавжудлиги ва ўз ҳудудидаги аҳоли манфаатлари асосида маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ишларга раҳбарлик қилишдаги нисбатан мустақилликни қайд этиш ўринли бўлади.

Бу тузилма Ўзбекистон ҳудудида ўзини ўзи бошқариш органи сифатида маҳалла институти шаклида узоқ тарихий йўлни босиб ўтди. Шундай замонлар бўлдики, бу тузилманинг фаолиятига таъқиқлар қўйилди. Бунга қарамасдан маҳалла мустақил ўзини ўзи бошқарув органи сифатида фаолият юритиб, кишилар ўз муаммоларини ҳал этишда унга суяниб яшадилар. Чунки бу тузилма узоқ тарих давомида давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштиришда, тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, мавжуд муаммоларни ҳал қилишда ўз ўрнини йўқотмади. Шу боис унинг тўлақонли фаолият олиб боришини таъминловчи қонуний-ҳуқуқий асослар яратилди. Чунки, ўзини ўзи бошқариш органлари жамиятимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисмидир.

Хулоса қилиб айтганда, ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни жойида ҳал этишда, фуқароларнинг ўз ҳудуди ва мамлакат тараққиёти йўлида амалга оширилаётган жараёнда бевосита иштирок этиши ҳамда давлат органлари билан тўғридан-тўғри алоқани таъминлашда ўзини ўзи бошқариш органлари муҳим бўғин ҳисобланади.



Маҳалла масъул бўлган вазифа кўп, режалар ҳам



Оилада бир фарзанднинг дунёга келиши оила ва унинг яқинлари учун энг катта қувонч ва бахт. Лекин бу бола келажакда ким бўлади, деган саволга жавоб излаш керак. Албатта, биринчи навбатда эътибор зарур. Бу ота-онага ва бошқа оила аъзоларига жуда катта масъулият юклайди. Қолаверса, навбатдаги босқич — боғча, мактаб, ўқув юртларига йўналтиришга кенг жамоатчилик, айниқса, маҳалла масъул.



Ғуломжон МАДУМАРОВ, халқ депутатлари Марғилон шаҳар Кенгаши депутати, меҳнат фахрийси.

Қадим-қадимдан нуроний отахон-онахонлар нафақат ўз фарзандлари, балки маҳалладаги барча болаларга меҳр кўрсатиб, қимматли насиҳатлари билан тўғри йўл кўрсатишган. Бунда маҳалла фаолларининг роли катта бўлган. Улар ҳар бир оила аъзоларини яқиндан таниган. Тўй-маърака, тадбирларни маҳалла билан келишиб, бамаслаҳат амалга оширган.

Ана шу тарихий тажрибадан келиб чиқиб, бугун маҳалла ислоҳотларнинг ҳал қилувчи бўғинига айланди. Ҳар қандай масала йиғиннинг ўзида ҳал этиляпти, ижтимоий ёрдам ва хизматлар кўрсатиш маҳалла даражасига тушди. Тизимнинг жамиятдаги мавқеи янада ошди, аҳоли муаммолари билан ишлашдаги иштироки кенгайди.

Сир эмас, ҳудудда маҳалла тизими зиммасига юкланган вазифа улкан. Барчасини битта раиснинг ўзи уддалай олмайди. Шу боис масаланинг ечими сифатида маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторидан иборат “маҳалла еттилиги” ташкил этилди.

“Маҳалла еттилиги”нинг коллегиал қарори асосида 64 турдаги ёрдам ва субсидиялар амалга оширилаётгани, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб барча маҳаллаларда “Маҳалла бюджети” тизими амалиётга татбиқ этилгани, ҳар бир йиғинда Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси шакллантирилгани катта имконият яратди. “Маҳалла бюджети” тизими амалиётга жорий қилиниши, тизимнинг ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий салоҳиятини оширди. Жамғарма маблағларини сарфлаш ваколати маҳалланинг ўзига берилиб, қаерда, қандай муаммо бўлса “еттилик” вакиллари биргаликда ҳал этиши маҳалла раисларига “молиявий дастак” тақдим этди.

Олдимизда фаолиятни янада яхшилаш ва такомиллаштириш учун амалга оширилиши зарур бўлган ишлар кўп. Бунинг учун тизимга тажрибали ва фидойи кадрларни жалб этиш, тарғибот-ташвиқот ишларини янги сифат даражасига кўтариш, бу ишларда педагоглар, шифокорлар, ҳуқуқшунослар билими ва тажрибасидан унумли фойдаланиш зарур.

Республика, вилоят, туман(шаҳар) лар миқёсида “Ибратли маҳалла”, “Ибратли оила” кўрик-танловларини мунтазам ўтказиш, ғолибларни рағбатлантириб бориш, нотинч оилаларни маҳалла йиғилишларида муҳокама қилиш, намунали оилалар қаторига қўшилишига амалий ёрдам бериш мақсадга мувофиқ.

Боғча тарбиячилари, мактаб ўқитувчиларини фарзандларимиз тарбиясидаги масъулиятини янада ошириш, оилалар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш зарур.

“Еттилик” жипс бўлса, муаммога ўрин қолмайди



Орзиқул СОАТОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Сурхондарё вилояти “Нуроний” жамғармаси бўлими раиси.

Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуни асосида маҳалланинг қонуний мақоми мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлганига ҳам 25 йил бўлди. Шу давр мобайнида маҳалла давлат билан халқ ўртасидаги барча маҳаллий, ижтимоий ва маънавий масалаларни ҳал этадиган кўприкка, маънавий-ахлоқий қадриятлар, анъаналар масканига айланди.

Дарҳақиқат, маҳалла ҳудуд осойишталигини таъминлайдиган, ёшларни ишли қиладиган, оилаларни мустаҳкамлайдиган, миллатларни бирдамликка ундайдиган ўзига хос ноёб институтдир.

Президентимиз шундай тизим яратдики, бутун дунё бу тизимнинг афзаллигига қойил қолмоқда. Бундай тизим бирорта мамлакатда йўқ. Ҳатто, БМТ Бош котиби Антониу Гуттереш ҳам маҳалламиз фаолияти билан қизиқди, ўрганди, катта баҳо берди. Демак, барча мамлакатларда маҳалла тизимининг устунлиги, ибрати айтилмоқда.

Бугун халқимиз маҳалла тизимидаги ўзгаришлардан ниҳоятда миннатдор. Чунки фуқароларнинг муаммоларини эшитадиган, уларга моддий ва маънавий ёрдам берадиган “кичик ҳокимият” яратилди. “Маҳалла бюджети” ташкил этилиб, ногирон, ўзгалар парваришига муҳтож, бемор бўлган фуқароларга ҳар томонлама моддий ёрдам берилмоқда. Илгари бундай имкониятлар йўқ эди.

Фуқароларнинг ариза ва шикоятлари ўз вақтида ҳал этилиб, идорама-идора юрадиган сарсонгарчиликларга чек қўйилди. Ишсизларга кредитлар олиб берилиб, бандлиги таъминланмоқда. Агар “маҳалла еттилиги” жипс бўлиб ишласа, ҳал бўлмайдиган масала, муаммо қолмайди.

Маҳалла тизимидаги узоқ йиллик тажрибамдан келиб чиқиб, бир қатор таклифларимни билдирмоқчиман.

Биринчиси, сайлов қонунчилиги асосида ўз ишини сидқидилдан бажармаётган, фуқароларни ортидан эргаштира олмаган, ташкилотчилик қобилияти бўлмаган маҳалла раисини лавозимида қолиш-қолмаслик ваколатини кўриб чиқиш керак. Сайловда раисликка номзодларни шакллантиришда фақат унинг олий маълумотли эканига эмас, балки иш қобилияти, фуқаролар билан ишлаш тажрибаси, халқни ўзига ишонтирадиган, ташкилотчилик қобилиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилиши керак. Шунингдек, сайловда маҳаллий қариндош-уруғи кўп бўлган номзодларга алоҳида эътибор қаратиш керак. Чунки айрим маҳаллаларда қариндош-уруғи кўп бўлган номзодлар ғолиб бўлмоқда.

Иккинчиси, кўп ҳолларда аҳоли бирор мурожаат билан маҳалла идорасига боришса, ёпиқ бўлади. Шу боис маҳаллаларда ҳужжат ишлари билан шуғулланадиган котиб штатини ташкил этиш керак. Котиб раис ёки “маҳалла еттилиги”нинг бошқа аъзолари маҳалла идорасида бўлмаган вақтлари ҳам мурожаат билан келган фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиб, рўйхатга олади ва расмийлаштиради.



“Ёпларнинг бўш вақти – етакчининг иш вақти”



Дунёда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар демократиянинг башарият тарихида мавжуд бўлган барча бошқарув тузилмаларидан фарқли ўлароқ, ўзини ўзи бошқариш тизими ва фуқаролик жамияти негизларида кўпроқ намоён бўлишини кўрсатмоқда. Унда бошқарувчи ва бошқарилувчи бир шахсда — фаол фуқарода акс этади. Демак, демократиянинг тақдири фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий жиҳатдан фаоллиги, ташаббускорлиги ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини мустақил равишда, халқнинг айниқса, ёшларнинг ҳуқуқ манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида “маҳалла еттилиги”нинг жипс ҳамкорликдаги фаолиятига боғлиқ.



Шарофутдин ХОНИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги марказий аппарати бўлим бошлиғи, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Маҳалладаги етакчилар ёшларнинг оғирини енгил қилиш, уларга муносиб турмуш шароитини яратиш баробарида йигит-қизларимизнинг ишончли ҳамкори, самимий маслаҳатгўйи ва энг яқин дўстига айланиш билан бир қаторда демократик ислоҳотларнинг энг пастки бўғин — маҳаллалардаги фаол тарғиботчисига айланиб улгурди. Эндиликда ёшлар муаммоси фақат унинг ўқиш ёки иш жойидаги мутахассислар кўмагида эмас, балки унинг ўзини ва оиласини яхши танийдиган, биладиган муҳит — маҳаллаларда ҳал этилмоқда.

“Ёшларнинг бўш вақти — етакчининг иш вақти” ғояси орқали маҳалла ёшларининг бўш вақтини мазмунли ўтказишга эришилмоқда. Ташкил этилаётган тадбирлар шунчаки кўнгилочар машғулот эмас, балки тенгдошларни ўзаро яқинлаштириш, муаммоларни жойида ҳал қилиш, янги истеъдодларни кашф этиш ҳамда фаол ёшлар сафини кенгайтиришга қаратилмоқда.

Аслида ҳам, ёшларни қийнаётган масалаларни улар билан бир маҳаллада яшаётган тенгдошларидан кўра яхши биладиган киши йўқ. Шу сабаб, Ёшлар ишлари агентлигининг ишончли вакиллари, айнан, маҳаллаларда фаолият олиб бориши ҳар жиҳатдан фойдали бўлмоқда.

Сектор раҳбарлари томонидан жорий йилнинг июль ойи давомида маҳаллалар ва хорижий давлатлардаги ёшлар билан жами 3 211 маротаба учрашув ва мулоқотлар ўтказилиб, унда 82 мингдан ортиқ ёшлар иштироки таъминланди. “Оғир” тоифадаги 122 715 нафар ёшлар давлат идораларининг 7 965 нафар раҳбарларига номма-ном бириктирилиб, бугунги кунда раҳбарлар томонидан уларнинг 31 минг нафарининг турли ижтимоий-иқтисодий муаммолари ҳал этилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига 4 млн. нафар ёшлар оталиққа берилиб, улар билан ишлаш учун 1 372 нафар масъуллардан иборат мувофиқлаштирувчи штаблар ташкил этилди ва доимий мониторинг қилиш бўйича **“yoshlar.ijro.uz”** ягона электрон платформаси ишга туширилди. Оталиққа олинган ёшларнинг дунёқарашини ўзгартириш орқали ҳаётда ўз ўрнини топишга кўмаклашилиб, 420 019 та ижтимоий ва маиший муаммоларнинг 130 200 таси (31,4 фоизи) ижобий ҳал этилди.

Шунингдек, ишсиз ва норасмий банд бўлган ёшларнинг бандлигини таъминлашда “Уйчи тажрибаси”дан келиб чиқиб, Ёшлар бандлиги дастурларидаги 109 минг ишсиз ёшнинг бандлиги таъминланди. Бундан ташқари, 156 минг нафар ёшга деҳқончилик қилиши учун “маҳалла еттилиги” тавсияси билан 60 минг гектар унумдор ер майдонлари ажратилди.

Ёшларда ташаббускорлик ва фаоллик маданиятини шакллантиришда таълим-тарбия соҳаси, шунингдек, жамоатчилик институтлари, яъни оила, маҳалла, оммавий ахборот воситалари, жамоат бирлашмалари етакчи ўрин тутмоғи лозим. Шунингдек, ёшларни инсон ҳуқуқларига ҳурмат руҳида тарбиялашда инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт ва бошқа шунга ўхшаш ҳужжатларнинг асосий тамойилларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер: Абдулазиз АҲМЕДОВ
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани «Лашкарбеги» МФЙ, Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
9 170 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1020

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.